

ТОҲИР МАЛИК

ОХИРАТ

(Қисса ва ҳикоялар)



УЎК: 821.512.133-3(081)

КБК: 84(5Ў)

М 21

Малик Тоҳир.

Охират. Қисса ва ҳикоялар. – Т.: «Sano-standart» нашриёти, 2018. – 648 бет.

Мазкур китобга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг янги қисса ва ҳикоялари жамланган.

(изъясенъ яъни)

Масъул муҳаррир:

Орзиқул Эргаш

Муҳаррир:

Абдумурод Тилавов,

филология фанлари номзоди

УЎК: 821.512.133-3(081)

КБК: 84(5Ў)

ISBN 978-9943-5333-3-2

©Малик Тоҳир

© «Sano-standart» нашриёти, 2018

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Айтинг: сизлар қочаётган бу ўлим, албатта сизларга йўлиққувчиидир.

Сўнгра сизлар ғайбу шаҳодатни билувчи Зотга қайтариурсизлар.

Бас, У Зот сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур!» (*Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Жумъа сурасидан*)

* * *

Расулуллоҳ алайхиссалом Абдуллоҳ ибн Умарга дедилар:

— Саҳарда уйғонар экансан, оқшом орзусини қилма!

Оқшомга етганингда, сахар орзусини қилма!

Ҳаётингдан ўлим учун, соғлиғингдан хасталигинг учун улуш ажрат.

Чунки, эй Абдуллоҳ, эртага қандай ном олишингни билмайсан.

* * *

«Ўлимни кўп эсланглар.

Чунки у гуноҳлардан поклайди, дунёдан тишилишга ундейди».

(Шарафли ҳадислардан)

* * *

Дунё менинг мулким деган сultonларға,

Оlam молин сонсиз йигиб олғонларға.

Айшу ишрат бирла машғул бўлғонларға,

Ўлим келса бири вафо қилмас эмиш.

(Аҳмад Яссавий).

Муқаддима

Ассалому алайкум, муҳтарам мухлисимиз. Яратган Раббимизга шукрлар қилган ва Сиз азизларга Аллоҳдан икки дунё саодатини тилаган ҳолда баёнимни бошлайман. Бу китобга асосан янги асарлар жамланди. Эҳтимол, китобнинг номини ўқиб бироз ажаблагандирсиз. Ҳар турли фикрларга боргандирсиз. Шу боис муқаддимани изоҳ тарзида ёзишни лозим топдим. Бу китобда жам бўлган қиссалар ва ҳикояларнинг қаҳрамонлари умрлари охирида қандай оқибатга дуч келдилар?

Сўнгти сўз... ва сўнгти нафас... Шу ҳолатни ҳеч ўйлаймизми? Билмаймиз... билолмаймиз... Ҳозиргина тилимиздан учган сўз сўнгтиси бўлиши эҳтимол... Эндиғи чиқарган нафасимиз охиргисидир балки? Киши бу оламни тарк этгач, яқинлари унинг сўнгти ҳаракатларини, сўнгти гапларини эслашади ва ундан ҳикмат излашади. Ажойиб болалар ёзувчиси, кўп йиллик қадрдон акамиз Сафар Барноевнинг касал бўлиб ётганларини эслолмайман. Шу киши 63 ёшлирида кеннойимизга «Малика, ўлиш шунаقا осонми?» дебдилару, жон таслим қилибдилар. Бу ҳол каминани кўп ўйга солди. Улуғларнинг сўнгти сўзларини эсладим: англиялик шоир Лорд Байрон ўлими олдидан қоғоз ва қалам сўраган экан. Аммо қалам тутишга ҳоли бўлмай: «Тамом, энди жуда кеч», деб кўз юмган экан. Сукрот ҳаким «Ўлим руҳнинг танадан ажралиши ва танадан айри ҳолда яшаши, мавжуд бўлишидир, шундай экан, мен ўлимдан қўрқмайман», – деб яшаган. Сўнгти сўзи эса... «Аскулепиосга бир хўрознинг баҳосича қарзимиз бор эди, эсингдан чиқмасин, Критон», – деб васият қилган экан. Салмон Форсийнинг сўнгти сўзлари насиҳат тарзида бўлган экан: «Нимаики қилсанг, Аллоҳ розилиги учун қил ва буни сира унутма!» Сўфий Ҳалложни «анал ҳақ!» ақидаси учун қийнаб ўлдирганлар. Олдин панжалари, қўллари кесилган, кўзлари ўйилган. Навбат тилни кесишга келганида деган эканларки: «Аллоҳим,

Сенинг розилигинг учун менга ушбу уқубатларни раво кўрганлардан раҳматингни аяма. Сенинг муҳаббатингга эришиш йўлида мени қўлларимдан, оёқларимдан жудо қилган бу қулларингни авф эт. Кечир, Аллоҳим, уларни кечир! Муҳаббатинг ҳурмати кечир...»

Сўнгги нафас... сўнгги сўз...

Ишқ аҳлининг ўлим билан учрашуви ҳам ўзига ҳосдир. Мавлоно Жалолиддин Румий ўзларининг ўлимларини «Шаби арус», яъниким «никоҳ оқшоми» – келинни кўрадиган, лаззат оладиган, ҳаяжонланадиган, висолга эришадиган оқшом, деб атайдилар. «Ўлганимда менинг орқамдан йиғламанг, «алвидо!» деманг. Мен ажралишга эмас, учрашувга кетяпман», – деганлар... Эътиқодли, ошиқ бир инсоннинг сўнгги нафаслари...

Иймон эгаларининг умиди охирги нафасда иймон калимасини айтиш. Шундай жон бериш улуғ баҳт! Бир қизиқчи саҳнада масхарабозлик қилаётганида жон берган экан. Ҳамкаслари уни «санъатга бўлган фидойилик» деб улуғладилар. Агар иймон калимаси билан жон берганда эди, у банда Аллоҳ ҳузурида улуғланар эди. Бирорвлар ашула айтиб туриб ҳам ўлишлари мумкин. «Қошу кўзингдан акагинанг айлансин,вой дод-е!» деганича жон таслим қилса, қиёматдаги дод-фарёдидан наф бўлармикин? Бир чойхонада шахмат, нарди, қарта ўйнаб ўтирганларни кўрдим. Уларнинг аксари «ҳожи»лар экан. Беш вақт намозни масжидда ўқиб, орадаги вақтни чойхонада ўтказар эканлар. Ажабки, шахмат ўйнаб туриб «шоҳ!» ёки «мот!» деган сўз билан жонлари чиқиши мумкинлигини ўйлашмаса?! Ана ўшанда... Аллоҳ сақласин!.. шахматда «мот» бўлмайдилар-у, аммо иймон бобида мот бўладилар, охират саодатини бой берадилар...

Шу биродарларга бир ривоят сўзлаш истаги туғилди:

Дейдиларки, жон чиқар вақтида одамнинг ичи олов каби ёниб, қизир экан, ташналиқдан азоб чекар экан. Шунда ўлим талвасасидаги одамга шайтон алайҳилаъна қўлида

бир коса зилол сув билан кўринар экан. Дер эканки: «мен сени ташналиқ азобидан қутқараман, фақат сен «Худо йўқ, пайғамбари ёлғончи» десанг бас». Иймонаи заиф кимсалар бу васваса қармоғига илинар эканлар. Тақвода собит мўмин эса калима келтириб шайтонни ҳайдар экан. Шунда шайтон унинг оёқ томонига ўтиб, зилол сувни кўз-кўз қилиб яна васваса қилар экан...

Умри тақво либосида ўтган бир мўмин ўлимни кутиш тараддутида ётганида биродарлари йўқлаб келишибди. Мўмин сўнгги нафасларини олаётганида «Ла илаха иллаллоҳ», деб калима келтиринг, деб эслатишибди. Бунга жавобан мўмин «Мен бу гапни ҳаргиз айтмасман», деб пичирлабди-ю, жон берибди. Буни эшитган биродарлари кўп маъюс бўлишибди. «Дўстимиз иймонсиз кетди-я!» деган гумонда йиглашибди.

Орадан кунлар ўтиб улардан бири тушида вафот этган биродарини кўрибди. Биродари оппоқ либосида жаннат боғларида юрганиши. «Биз сизни иймонсиз кетди, деб армонда юрган эдик, Аллоҳ сизни буюк ажр билан сийлабди-ку?» деб савол берибди. «Ажабланманг, дўстим, – дебди вафот топган биродари, – сизлар уйга кириб келганингизда мен шайтони алайҳилаъна билан олишиб ётиб эдим. У менга васваса қилиб «Худо йўқ, пайғамбари алдамчи» демоқликни амр этди. Мен сизларга эмас, у лаънати шайтонга қараб «Бу гапни ҳаргиз айтмасман», деб эдим. Жонимни иймон калимаси билан топширганим эвазига Аллоҳ мени сийлади».

Одам боласи ўз гуноҳларидан қўрқар экан, тавбани шиор қилиб олиши шарт бўлади. «Тавба»нинг гуноҳдан ўзни тўхтатиш экани кўпчиликка маълум.

«Лисонут-тайр»да бир қуш Худҳудга савол билан мурожаат қиласи:

– Мен умримда кўп гуноҳ иш қилдим. Бу уятдан ҳолим жуда тангдир. Ифлос ишлар билан машғул бўлиш мени нобуд қилиб, бу ғам мени эзиз юборди, энди шулар йўл бо-

сишимга тўсқинлик қилмоқда. Чунки ахлат устига қўнган чивиннинг қанчалик жирканч эканлиги ҳаммага маълум. Унинг пок Симурғга қандай алоқаси бўлиши мумкин? Симурғнинг пок васлига эришмоқ учун поклик керакдир. Булғанч жиноят ичида ҳаёсизлик қилиш билан унга етишиб бўлмайди. У пок бўлса, мендаги сифат нопоклиkdir. Унинг васлини исташимга уят монелик қилмоқда.

Бу афсусли саволга жавобан Ҳудҳуд дедики:

– Сен ўзингнинг гуноҳга ботганлигингни бўйнингга олдинг. Шуни билгилки, бу дунё абадий туриш манзили эмас. Кимки мавжуд бўлса, унинг ҳосили охир ўлим бўлади. Агар сен ўз гуноҳинг билан ўлмоқчи, халқ аҳволига кулмоқчи бўлсанг, жуда нодон ва ғофил, ақлли кишилар олдида жоҳил экансан.

Қилган гуноҳларингдан фориғ бўлишни орзу қилдинг, эй ҳавасманд, бу анча осон ишдир. Ундан қутулиш иложи фақат тавба қилишдир. Исён зулмати аро фақат угина чироқ бўлиб нур сочади.

Гуноҳбалчиғидан тоза киши топилмайди, бу хил бегуноҳ киши ҳали ҳеч кимга маълум бўлган эмас. Ҳақ Одам авлодини гуноҳсиз қилиб яратган эмас. Эй бехабар киши, агар сен гуноҳ иш қилмасанг, Аллоҳ афву раҳмати билан кимнинг гуноҳидан ўтади? Агар кимнинг юзи гуноҳдан сариқ бўлса, тавба уни бу сариқликдан халос этади. Раҳмат денизи мавжланган пайтда сен ҳам худди мен каби юз минг марта пок бўласан.

Дунёдаги барча инсонларнинг отаси бўлмиш Одам Атони одил ва мангу ҳаёт Ҳақ вужудга келтирди. Бошига тўғри йўл топиш тожини кийдириб, бу тожга пайғамбарлик гавҳарини тикди. Уни шу қадар юксак иззат ва мартаба эгаси қилдики, барча малоикалар учун унинг оёғи остидаги тупроқ саждагоҳ деб айтилди. Осмон чўққиси у юрадиган йўл тупроғи бўлиб, жаннат боғи унинг жилвагоҳи эди. У шу тариқа юксак шараф ва эътиборга сазовор бўлди. Ҳақдан унга «Сафий» (пок) деган лақаб берилди.

Аммо құдратли Яратувчи тақдир этиб, унинг юзи гуноҳ ва исён билан қора бўлди. Ундаги шунча ҳурмат ва сажда этмоқлик қўлдан кетиб, иши номақбул ҳисобланди. Шунда унинг кўксига рад панжасини етказиб, жаннат боғидан ҳайдаб юбордилар. Унга бу хил юзқароликлар насиб қилиб, Ҳиндистон мулкига ғариб бир аҳволда келиб тушди. У йиллар давомида ҳижронда ёш тўкиб, атрофга оҳу ноладан ғавғо солиб юрди. Жони қилган гуноҳидан хас каби ўртанди. Азоб чекиб юрган маҳалда тавба қилиш уни бу қийин аҳволдан қутқарди. Раҳмат боғидан яна майин шабада эсди ва у юз минг азоб-уқубатдан халос бўлди. Тавбаси қабул этилиб, у ўзининг аввалги ҳурматли мавқеини эгаллади.

Шундай бир кишининг мушкули осон бўлгач, сен унинг олдида ким бўлибсан, эй, муродига етмаган заиф! Тавба қил ва ундан ўз нажотингга эриш, йўлга азм айлаб, мақсадингга ет!

Навоий ҳазратларининг бу баёнларига «Саботул ожизийн»даги байтлар ҳамоҳанг тушади:

*Дари тавба очиқда этса мақсуд,
Иш ўтгач сўнг, пушаймонда нечук суд?*

Ҳазрат Сўфий Оллоҳёр демоқчиларки, тавба эшиги очик эканида мақсудларингни тилагил. Гуноҳларингга тавбаю истиғфор қилгил. Тавба эшиги ёпилгач, тавбадан фойда қилмай, ўкинарсан.

Албатта, гуноҳига тавба қилган киши ҳақиқий ҳаёт топади. Лекин Ғаззолий ҳазратлари таъкид этганларидай, «Эртага тавба қиласман, солих амаллар қилишни бошлайман», десанг, ўлимнинг сен кутгандан аввалроқ келишини унумта. Эртага тавба қилишни бугун тавба қилишдан осонроқ, деб ўйлаётган бўлсанг, демак, сен хато йўлда экансан».

Улуғ устозларимиз ривоят қиладиларким, бир мамлакатда подшоҳ roppa-rosa ўн йилдан кейин таҳтдан тушириларкан. Сўнг қайиққа ўтқазиб уни кимсасиз оролга ташлаб келишаркан. Навбатдаги подшоҳ таҳтга ўтиргач, у маъюсланиб вазирига дебдики:

– Наҳот менинг ҳам қисматим шу бўлса? Наҳот мен ҳам кимсасиз оролнинг чўлу биёбонида жазирама азобларида яшашга ҳукм этилсан?

Шунда вазир шундай маслаҳат берибди:

– Мухтарам шоҳим, сиз кимсасиз оролда яшашни истамасангиз, шоҳлик даврини беҳуда айш-ишратлар билан совурмай, умрингизни ва мол-давлатингизни ўша оролни обод қилишга сарф этинг.

Подшоҳ мулоҳаза қилиб кўрсаки, вазир ҳақ экан...

Мазкур ривоятни шарҳлашга уриниб кўрамиз: подшоҳ – шахснинг ўзи. Яъни ҳар бир одам ўзи учун ўзи шоҳдир. Ақли ва иймони унинг вазиридир. Ақл ва иймон худди эгизак сингари ҳамиша биргадир. Ақл йўқ жойда иймонни изламанг, иймон йўқ ерда ақлни қидирманг. Демак, ақлимиз ва иймонимиз бизга доно маслаҳатчидир. Кема – тобут. Одамнинг қисмати шу – бир кунмас бир кун ўз тахтидан тушиди, ўша кема – тобутга солиб олиб борадилар. Кимсасиз орол – йўқлик дунёси, биз борадиган жой. Бошқача айтганда, охират ороли. Агар биз бу дунёйимизни ҳою ҳавасларга совурсак, ўша орол чиндан ҳам кимсасиз бўлади, чиндан ҳам чўлу биёбондан иборат бўлади. Агар Ҳақ йўлидан юриб, яхши амаллар билан банд бўлсак, ўша кимсасиз оролни обод қилган бўламиз. Борар жойимиз сахро – дўзах азоблари эмас, жаннат боғлари бўлади, иншааллоҳ! «Охиратинг обод бўлсин!» деб дуо қилишганда шу назарда тутилса керак. Барчаларимизнинг охиратларимиз обод бўлғай. Охират оролини фирмавс боғлари билан обод қилмоқлик эса ёлғиз ўзимизга боғлиқ экан. Ҳазрат Али, Аллоҳ ул зотдан рози бўлсин, айтганларидай, жаннатга иштиёқи бўлган одам яхшилик қилишга шошилади. Жаҳаннамдан қўрқкан одам нафсини ёмон хатти-ҳаракатлардан қайтаради. Ўлимни ҳақ деб билган одам дунё завқларини тубан кўради.

Сиз ўтган умрингизга қараб: «Тўғри яшай олдимми?» – деб ўз-ўзингизга савол берганмисиз? Агар ишонч билан

«ҳа!» деб жавоб қайтара олсангиз, буюк ишлар қилибсиз экан. Кишининг оқилона китоблар битиши шарт эмас, аммо ҳаётда ўзни оқилона тута билиши мутлақо зарур! Зеро, Одам боласининг энг улуг ижоди – оқиллик билан умр кечирмоқлиkdir. Қолганлари: мансаб йўлида сарсари кезиш, бойлик орттириш, шоҳона қасрлар қуриш каби ишлар ўз кўнглини тўйдиришга уринишдан бошқа нарса эмас. Қани эди, кўнгил қурғур тўя қолса...

Бир китобда «Аллоҳ ўз маҳлуқотларидан баъзиларига ҳаёт берган ва баъзиларига бермаган», деган гапни ўқиб ўйга толдим. «Ҳаёт» деганда нима назарда тутиляпти? Жонми ёки ҳаракат қила олиш имконими?

Одамга ҳаёт берилгани шубҳасиз бир ҳақиқатдир. Ҳайвонларга ҳам берилган бу неъмат. Аммо дараҳтлар, майсаларга-чи? Улар ҳам туғиладилар, яшайдилар, ўладилар. Барглар, майсалар... ҳам Аллоҳга тасбех айтадилар... Демак, уларга ҳам ҳаёт, жон берилган. Ҳатто кўзга кўринмас микроблар, бактериялар ҳам жонлидир. Инсон аъзоларига кирган бактериялар касал қўзгар экан, демак, унинг ҳам жони бор. У ҳолда ҳаёт (жон) берилмаган, дейилганда тоғу тош, тупроқ назарда тутилар? Бу ҳам кишини ўйлатадиган муаммоли савол. Чунки тоғлардаги вулқон ҳаракатини жонсиз ҳодиса деймизми? Тупроқнинг дараҳтларга, ўсимликларга қувват бериши-чи? Қолаверса, Ер саёрасининг ҳамиша ҳаракатда бўлиши-чи? Шунга кўра, Аллоҳ барча яратган маҳлуқотларига жон бергану биз буларни сезмаймиз, десак жоизмикин? Эҳтимол бунда рамзий маъно яширгандир. «Ҳаёт берилмаган», дейилганда қалблари муҳрланиб қолганлар назарда тутилгандир...

Бир ашулачини танирдим. У фақат бир нарсадан: ашула пайтида микрофоннинг бузилиб ёки ўчиб қолишидан кўрқарди. Охират ҳақида ўйламай яшаган санъаткор биродаримиз оғир хасталикка учрагач, яқинлари унга фахрий унвон олиб бериш учун турли идораларга қатнай бошладилар. Ўлим эшик қоқиб тургандаги уларнинг бу ҳаракатини

яхшиликка йўйиш ҳам мумкин. Ҳар ҳолда унвон берилса бемор қувонади. Азоблари салгина бўлса-да, ариши мумкин. Лекин... унвону мукофотлар ортда қолади-ку? У дунёда буларнинг қиммати йўқ-ку? Савол-жавобда булар инобатга олинмайди-ку?

Аввалроқ бир танишимиз «Биттагина медал олиб ўлсам армонсиз кетардим», – дер эди. «Медал сизга шунчалик зарурми?» – деб сўраганимизда «Ха, ўлгандан кейин духоба ёстиқقا тикиб, тобут олдида олиб боришга нимадир керакку? Болаларим отамнинг ҳеч нарсаси йўқ экан», деб изза чекишмасин», – деган эди.

Аллоҳ марҳамат қиласиди-ки: «Эй Одам фарзанди! Сенга уч нарсани ихтиёр қилдим: яъни оила ахлингни, молу дунёингни ва молингни. Мол-дунёинг сен ўлиб, оёғинг ердан узилиши билан орtingда қолади. Оёғинг уйдан чиқиши билан оиланг ҳам ажраб қоладилар. Кейин қабрда бўласан. Қиёмат кунида фақат яхши амалинг фойда беради. Амалинг тузук бўлса, сени ҳам тузатиб қўяр. Агар ёмон бўлса, сени ҳалок қилувчи жойга топширап». Шунга кўра, ҳамонки барча нарса ортда қолар экан, хаста биродаримизнинг яқинлари нишон ҳақида эмас, иймон тўғрисида қайғурсалар дурустроқ бўларми эди. Жон чиқмай туриб, иймон калимасини ўргатсалар қандай яхши эди! Агар фарзандлар доно бўлсалар «Отамиз медалсиз ўтди», деб куюнмайдилар, балки «Отамиз иймон билан кетдилар», – деб Яратганга шукрлар қиласидилар.

Аzonдан жанозагача...

Чақалоқнинг ўнг қулоғига азон, чапига такбир айтилади. Буни изохлайдиларки, боланинг қулоғи азон билан очилади. Такбир айтмоқдан мақсад эса, вақти келиб, шу гўдакнинг умри адогига етгач, жаноза намозида такбир айтилмайди, чақалоқлигида чап қулоғига айтилмиш такбир шунинг учундир. Бу изоҳни рад этмаган ҳолда, хаёлга келмиш мулоҳазани баён этсам: аzon ва такбирда «намозга келинглар», «нажотга келинглар», деган чақириув калима-

лари бор. Такбирда эса «қаддиларингизни кўтариб, намоз ўқишига туринглар», дейилгувчи хитоб мавжуд. Дуруст, инсон ҳали гўдак чоғида унинг намозга ва нажотга бормоғига, ва қаддини кўтариб намоз ўқишига имкониятлари мавжуд бўлмайди. Ибодат онгли равишда бўлмоғи афзал. Шу сабабли гўдакларга намоз фарз қилинмаган. Балки оқу қорани дурустроқ фаҳм этадиган, Аллоҳни онгли равишда таний оладиган ёшда фарздири. Кафанга ўроғлиқ майит ҳузурида жаноза намозига аzon ҳам, такбир ҳам айтилмаслигининг боиси: у энди қандай намозга келсин, қандай нажотга келсин, қаддини қандай кўтарсин намозга?

Жанозага келганлар шуни ҳам ўйласалар эди... Нажотга келиш имконияти бўлатуриб, оёқлар Яратганинг уйига эмас, шайтон қасрига бошласа ким айбдор? Қанча-қанча кафандаги майитлар чақалоқликларида чап қулоқларига айтилган такбирга амал қилмай яшаганлари учун жаноза намози пайтида эҳтимол афсус чекиб ётарлар, валлоҳу аълам?

Азизлар, мазкур китобдаги асарларга шу каби маънолар жамланган. «Ўлимдан қўрқиши» деган иборани кўп эшитамиз. Насихат қилувчилар «Ўлимдан қўрқинг, биродар», дейдилар. Менимча, ўлимдан қўрқиши, айниқса кексалик ёшига етганда қўрқиши нодонликдир. Чунки қўрқса, қўрқмаса, одам ўлим шарбатини ичади. Ўлимдан эмас, ўлимдан кейинги ҳисоб-китобдан қўрқиши керак. Доңишманлар: «Кўп-кўп яхшилик қилишига улгурмай ўлишдан қўрқаман», дейишган. Бу китобга тартиб беришдан мақсад қўрқитиш эмас, шу ҳақда фикр юритишdir.

ҲИКОЯЛАР

ДЕВОР

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

«Айтинг: «Кўксингиздаги нарсани хоҳ яширинг,
хоҳ ошкор қилинг, Аллоҳ уни билур.

Остонлардаги ва Ердаги нарсаларни ҳам (У) билур.
Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир»

(Куръони Каримнинг Оли Имрон сурасидан).

Юз йил аввал бу жойда девор йўқ эди. Бойнинг ихтиёридаги экинзорлар, боғлар яшнаб турарди. Қишлоқда фақат бойнинг ҳовлиси тўрт пахса баландлигидаги девор билан ўралганди. Ҳаёт шундайки, такдир ёзуғида бирон фалокат ёзилган бўлса, ўн пахса девор ҳам тўсиқ бўла олмайди. Большевиклар ҳокимиятни кўлга олиб, «Ер – дехқонларга!» деган шиорларини амалга ошира бошлагач, бой бор мулкidan ажралди. Ери қаролларга бўлиб берилаётган пайтда жони узилди. Қароллардан бирининг бир қарич ҳам ери йўқ эди. Олти таноб ерни ўлчаб, қозиқ қоқиб, «Шу ер сизники», дейишлари билан юраги қувончни кўтара олмади – даланинг ўзида осонгина жон берди.

Фассол бойнинг жасадини ювиб, кафнлагунча қийналиб кетди. Майитнинг бели қотиб, оёқлари чалишиб қолган экан. Иссиқ сув қуйиб, қанча уқаламасин, силамасин, эпломади. Атирсовун беришган эди, совундан ёқимли ҳид тарагди-ю, майитга юқмади. Кафнлаб бўлиб, шу атирсовунда қаролнинг жасадини ювишга бойваччадан изн сўради. «Совуннинг нархи қанча, биласанми ўзинг!» – деб қўлидан тортиб олди. Қаролни осонгина ювди. Совун сурмаса ҳам, ундан ёқимли ҳид тарагди...

Бойнинг бобоси қурдирган масжидда бомдод намозидан кейин икки жаноза ўқилди. Қишлоқ мозорида ёнма-

ён икки қабр қазилди. Бойнинг ҳурмати бор, аввал уни лаҳадга қўйдилар. Одат бўйича лаҳадга ўғил тушиб, отанинг юзини очиб қўйиши керак эди. Бойвачча лаҳадга тушишга кўрқди. Гўрковнинг ўзи тушиб, майитга қўл узатди. Жасаднинг бели қотиб қолгани учун, букиб олиш қийин бўлди. Гўрков уни лаҳадга қўйишда ҳам қийналди. Гувалани бошига ёстиқ қилгач, кафани бош томонини очди, майитнинг юзини қиблага мойил қилиб бурмоқчи эди, бўйин ҳам тошдек қотган экан. Куч билан бурмоқчи эди, бўйнида нимадир қирс этди-ю, барибир бурилмади. Кўзлар ҳам очиқ қолган эди. Гўрков «Астағфируллоҳ», деганича бақрайган кўзларга бир кафт тупроқ тўкиб, қабр айвонига чаққон чиқди-да, лаҳад оғзини гувалалар билан тўса бошлади. Охирги гувалани қўйиб, қўллари билан тупроқ тортгач, тепада кетмон ушлаб шай турганлар ишга киришилар. Бу пайтда қўшни қабр тупроқقا тўлиб бўлган эди. Қаролнинг ўғли гўрковни кутиб турмай, лаҳадга ўзи тушди, отасини ўзи қўйиб, кафанинг бош қисмини очганда отаси кулимсираб ётгандай туюлди. Айни чоқда майитнинг юзидан ажиб нур тарала бошлади. Бунинг иймон нури эканини англаган ўғил «Алҳамдулиллоҳ!» деди-да, отасининг бошини қибла томон бургач, қабр айвонига чиқиб, лаҳад оғзини гувалалар билан тўсди.

Жанозага келганлар тарқалишгач, қабристонда икки янги гўр дўмпайиб қолди. Икки лаҳадни юпқа девор ажратиб турарди. Бунда икки майит қачонгача ётади – Худо билади. Қиёматдаги ажралиш қандай бўлади – бу ҳам ёлғиз Аллоҳга маълум. Уч кундан кейин бойвучча хонимлар келиб, бир хил дўмпайиб турган икки қабрга қараб, бой оталари қай бирида ётганини билолмай гангигб қолишли. Кейинроқ етиб келган бойвачча кўрсатганидан кейин тупроқка бош қўйиб, фарёдларини бошладилар. Улардан кейин қаролнинг яқинлари келишли. Улар ҳам оталири қайси қабрда ётганини билмадилар. Билмасалар-да,

қиблага орқа қилиб ўтириб, иккала марҳум ҳақига дуолар қилдилар...

Қаролнинг фарзандлари чекларига тушган ерда тер тўкиб, ҳаммаёқни яшнатдилар. Орадан йиллар ўтиб, ер бе-риб қаролларни қувонтирган ҳукумат уни колхоз ихтиёрига тортиб олиб, қон қақшатди. Ҳар тугул, инсоф қилиб, боғ томонни ўзларига қолдирдилар. Лекин бу марҳаматнинг ҳам умри қисқа эди. Урушдан кейин шаҳарликларни уй билан таъминлаш мақсадида боғлар бўлиб берилди. Кимга тўрт, омадлироғига олти сотихдан ер тегди. Бу жойларни обод қилган қаролнинг зурриётларига олти сотих ер насиб этди. Ўзини «Маҳкамбой» деб таништирган шаҳарлик бир одам уларга қўшни бўлди. Ўшанда қўшниларни ажратиб турувчи деворлар қад кўтара бошлади. Маҳкамбой иморат солиши бошлашидан олдин қўшнининг харобгина кулбасига қараб: «Абдукарим aka, ҳозирги замонда иморат солиши жуда қийин. Сиз ҳовлингизнинг узунасига ярмини менга сотинг, пулига бир уй, бир даҳлиз қуриб оласиз», деб марҳамат қилди. Қаролнинг набираси ювош одам эди, дарров қўна қолди. Аммо ҳомиладор хотини: «Бешинчимиз ҳам ўғил бўлса, бешта ўғилни яримта ҳовлига қанақасига сифдирасиз, кулбада яшайверамиз», деб йўл бермади.

Янги қўшни ерга тўймайдиган кўнгли тор эди: қозикни икки қарич қаролзода томон суриб, девор олдирди. Пишик ғиштдан, тунука томли иморат тиклади. Томни шу қадар тик ва баланд қилди-ки, бечора тунукачилар белларига арқон боғлаб, жонларини хатарга қўйиб аранг ишладилар. Ҳовлининг этагига ҳам баланд иморат солиб, икки бино оралиғига уч одам бўйи келадиган девор тиклади. Қаролзодаларнинг ҳовлисига қуёш тушмайдиган, экин битмайдиган бўлиб қолди. Улар бундай ҳашаматли иморатни орзу қилмаганлари сабабли қўшниларига ҳавас ҳам, ҳасад ҳам қилмадилар, ёмғир пайти чакка ўтувчи кулбалирида шодон яшайвердилар.

Деворнинг ўнг томони:

Үй соҳибининг маҳалла дўконида ишловчи дўсти чой тахланувчи фанер қутилардан учтасини «Томингга ишлатарсан», деб берди. Қалин қора қофоз устидан тунука ўрнига фанер парчаларини ёпиб, чакка балосидан қутулганларига қувондилар.

Деворнинг чап томони:

Кўча томондаги ҳашаматли иморат томига оқ, этақдаги-сига қора тунука қопланган эди. Бўёқчилар қора тунукани мойлаб бўлиб, хизмат ҳақини олаётганларида: «Ҳар йили мойлаб турмасангиз, тунука чирийди», деб маслаҳат бердилар. Үй соҳиби: «Пул топган одамнинг ақли шу нарсага етмас эканми?» – деб ғашланди-ю, аммо уларга ёмон гап айтмади. Улар кетгач, хотинига афсус билан деди:

– Одамларнинг гап-сўзидан қўрқмай, ҳаммасига оқ тунука қоплатсам бўларкан.

– Ана энди ақлингиз кирибди, – деди Бахтигул. – Одамлар гапирса гапираверсин. Агар мен қаттиқ турмаганимда томга шиферми ё нима балоними ёпардингиз.

– Одамларнинг гапидан қўрқмадим, ҳукуматнинг сиёсати нозик, қўшнингдан хавотирим бор, юмалоқ хат ёзиб юборса, текшир-текшир бошланиб, ҳаммаёқ расво бўлади. Майли, бу қишини эсон-омон ўтказиб олайлик, ёзда бу ёғига ҳам оқ тунука қоплатаман.

– Үй менинг номимда-ку, нимадан қўрқасиз? Отамдан қолган меросдан қуряпмиз.

– Бу гапга мен ишонаман, ҳукуматни ишонтира оласанми?

– Бизга қасд қилганлар паст бўлсин, илоҳим...

Деворнинг ўнг томони:

Дўкондор қант, макарон, гуруч ва шунга ўхшаган нарсалар ўраладиган қофоз ўрами олиб келиб, ундан аллақанчасини ажратиб, «Шипни тўс, тупроқ тўкилмайди», деди. Қутилардан суғуриб олинган бир ҳовуч майда мих

ҳам берди. Уй сохиби уқувли эркак эди, түнгич ўғлини ёнига олиб, шифтга фанер ўрнига қофоз тортди. Пули борлар шифтга фанер қоқтириб, безашни одат қилган эдилар. Ҳам пули, ҳам ақли борлар шифтга «чий» деб аталмиш қамиш қоқтириб, сувоқ қилдиришарди. «Чийлампа» деб аталувчи бу сувокдан кейин уйнинг ҳавоси ҳамиша тоза, қишида иссиқ, ёзда салқин бўларди. Қаролзоданинг шифтини тўсган қофоз хонадон аҳли кўзига фанердан ҳам, чийлампадан ҳам гўзалроқ кўринди. Бундан сичқонлар ҳам қувонишиди шекилли, қамиш орасидан қийналиб юрмай, қофоз устидан чопқиллаб ўтадиган бўлишди.

Деворнинг чап томони:

Дурадгор ишини якунлаб, хизмат ҳақини олишга умидвор бўлиб турганда уй сохибаси шифтга қараб, хатолик топди:

- Ўртага тоза фанер қоқиши керак эди, қаранг, учта «кўз»и бор экан.
- Янга, бу бўёқнинг тагида билинмай кетади, – деди уста.
- Сиз ақл ўргатманг, алмаштиринг, – деди уй сохиби хотинининг ёнини олиб.

Уста ноилож, ҳавозани тиклади.

Деворнинг ўнг томони:

«Чаккадан қутидлик», деб қувонганларнинг шодлиги шивалаётган ёмғир кучайиши ҳамон ниҳоясига етди. Шифтга чак-чак тушаётган томчилардан қофоз ивий бошлиди. Бунга унча эътибор бермай, ҳаммалари куроқ дастурхон атрофига жамландилар. Ҳовури кўтарилаётган гўштсиз шўрвадан ҳузурланётган онларида шифтга тортилган қофоз устидан юргилаётган сичқон ивиб қолган жойдан ўтаётуб, қофоз йиртилди-ю, жонивор дастурхон устидаги шўрвага шалоп этиб тушиб, жон талvasасида типирчилай кетди. Ўтирганлар аввалига чўчио ~~тушимди~~ ^{тумони} ёғоч қошифи билан сичқонни косадан, ғлио-таптастие,

«Ана, осмондан тайёр гўшт тушди», деб ҳазиллашиши билан хонада гурр кулги кўтарили. Кулги бир авжга чиқиб, бир пасайиб анчагача давом этди. Қозонда таом қолмаган эди, уй соҳибаси эрининг косасини бўшатиб, ювиб киргач, ўзининг шўрвасидан сола бошлади. Унга болалари қўшилишди. Коса яримлагач, Абдукарим «Бўлди, бўлди», деб тортиб олса ҳам, болалари яна бир қошиқдан ташлашгач, бу меҳрибонликдан эр-хотиннинг кўзларига шукrona ёши келди.

– Сичқон кўпайиб кетди, мушук боқсакмикин? – деди Ҳалима.

– Бўлмайди, – деди Абдукарим, – мушук олиб келсан, сичқонлар қўшниникига қочиб чиқиб, уларни безор қиласди. Худо бу сичқонларни бизга берган, уларнинг ризқлари бизницида, майли, жонимизга тегса ҳам, юраверишсин, булар ҳам Худо яратган бир маҳлук-да!

Деворнинг чап томони:

Қази-қартали ош дастурхон устига қўйилганда фанер қопланган шифтда сичқонларнинг гупир-гупир югуриши бошланди. Таомнинг ёқимли ҳиди уларнинг бурнига урилиб, иштаҳаларини қўзитиб юбордими, ҳар ҳолда тинмай югураверишди. Бундан ғашланган уй соҳиби тепага қараб:

– Дори септирмасам, буларнинг уруғини қуритиб бўлмайди, – деди.

– Вой, унаقا қилманг, томда ўлса, ҳидига чидаб бўлмай қолади. Қопқон қўйиш керак.

– Каллангни ишлат: фанерни кўчириб, қопқон қўясанми?

– Унда мушук боқайлик.

– Ҳозирги мушуклар танбал бўлиб кетган, тайёр гўштингни ейди, сичқон пойлаб ётадиган мушук йўқ ҳозир.

– Унда нима қиласми?

– Дори септираман, томда ўлса, ҳиди пастга тушмайди. Балки ўлмас, дорининг ҳидидан безиб, қўшниникига қочиб чиқар.

Деворнинг ўнг томони:

Қиймали маставани ичиб роҳатланган уй соҳиби шукронга дуосини ўқигач, бугун жумъадаги имомнинг маърузасини болаларига тушунтириб берди:

– Қадимги замонда икки ўртоқнинг бири бой, иккинчиси қашшоқ экан. Бой: «Отамнинг қабрига қандай мармар тош қўйганимни кўрдингми? Сен яна сомон сувоқ қилибсан-а» деб масхаралабди. Шунда камбағал йигит: «Қиёмат бошланганида сенинг отанг тошларнинг орасидан қийналиб чиққунига қадар менинг отам жаннатга етиб олган бўладилар», деган экан. Қимматбаҳо тошлар қўйиш – кибрдан нишона экан. Қабрда ётган ота-она фарзандини кибрли қилиб тарбиялагани учун гўр азобида ётар экан... Бу дунё омонат экан, бандалар учун синов майдони экан, – Абдукарим шундай деб қўйлагининг кўкрак чўнтағидан буқланган қофоз чиқариб, ёйди: – Ҳали имом айтган оятнинг маъносини ёзиб олган эдим, дикқат қилиб эшитинглар, Бақара сурасида Аллоҳ таоло Ўзининг расулига мурожаат қилиб шундай деган экан: «Сизларни бироз хавфхатар, очлик азоби билан, молу жон ва мевалар ҳосилини камайтириш йўли билан синагаймиз. Шундай ҳолатларда сабр қилувчиларга хушхабар беринг». Тушундиларингми? Сабрли бўлсак, Аллоҳ бизни яхши кўради, – шундай деб фарзандларига, ҳатто онасини эмаётган кичкинтойига бир-бир қараб қўйди. Катталари «Тушундик» деган тасдиқ ишорасини қилишди, кичиклари уйқу тортаётган кўзларини пирпиратиб ўтиравердилар. Абдукарим кулимсираб, уларни бир-бир бағрига босиб ўпди, сўнг кафтларини очиб, қўлини баланд кўтарди-да, масжид имоми «Пайғамбаримиз кўп ўқиганлар» деб ўргатган дуони тилига кўчирди: «Ё Аллоҳ! Сендан қашшоқлиқдан, етишмовчиликдан, хорликдан, бировга зулм қилишдан ёки зулм қилинишдан паноҳ тилайман».

Деворнинг чап томони:

Бир пиёла конъякни ичиб ҳузурланган Маҳкамбой, буғи чиқиб турган қозон кабобнинг ёғли бўлгини олиб, иштаҳа билан ея бошлади. Қорни тўйгунига қадар яна икки пиёла конъякни сипқориб, бетлари қизариб кетди. Босиб-босиб, аччиқ чой ичгач, нафси сал ором олгандай бўлиб, хотини қўйган лўлаболишга суяниб, обдон кекирди. Ҳозиргина лабини артган сочиқни олиб, тер босган юзини, сўнг бўйини артди, сабзидек қизарган буруннинг ҳам ҳурмати бор экан, шу сочиқقا артила қолди. Сўнг сочиқ ғижимланиб, яна дастурхон устига ташланди. Ёнида ўтирган хотини ҳам, атрофидаги икки ўғли ҳам бунга эътибор беришмади.

– Бошига салла қўндирган бола тоз-за ғазабимни қўзғотди, – деди хотинига қараб. – «Сиз кўча ҳақига хиёнат қилибсиз, бунинг қиёматдаги жавоби қаттиқ бўлади», дейди.

– «Бошига салла ўраган»... имом-домлами? Вой, қанақа хиёнат экан? – деди Бахтигул ажабланиб.

– Имом-домлами, баломи, кимлигини билмайман. Чопонини судраб юрадиган бир дардисар-да! «Уйингиз кўчага салкам бир қадам туриб чиққани камлик қилувдими, энди одамлар юрадиган йўлкани панжара билан ўраб олибсиз», дейди.

– Вой, мумкин эмас эканми, кўча кенг-ку?

– Шуни айтгин... «Кўча сеникими, сен хўжайнисан, кўчага сифмай қолдингми?» – деб авра-астарини ағдариб, тўрттагина ширин сўзларимдан айтувдим, минфирилаб-минфирилаб кетворди. Жаҳлимни чиқаргани ҳам яхши бўлди, калламга зўр фикр келди. Бошқа маҳаллаларда мачит бўлмагандан кейин нима учун бизнинг маҳаллада қўнқайиб туриши керак? Райкомга бориб айтаман, «Совет идеологиясига тўғри келмайди», дейман, буздириб ташласин. Ўрнини учта одамга участка қилиб берса бўлади. Ҳаракат қилсан, биттасини тўнғичингга атаб олиб қўямиз.

— Яхши ўйлабсиз, икки ўғилга икки уй алоҳида бўлгани яхши. Икки овсиннинг қош-қовоғига қараб яшагандан ёмони йўқ...

Овози раста бўлиб, уйланиш, алоҳида уйда яшашнинг маъносини яхши тушунадиган бўлиб қолган тўнғич ўғил ота-онасининг маслаҳатидан мамнун бўлди, аммо қувончини сиртига чиқармай, укасига қош учиреб қўйиш билан кифояланди. Акасидан икки ёш кичик ука эса бу данғиллама уйга ўзи эга чиқишидан қувонди, аммо шодлигини акасига сездирмади.

Деворнинг ўнг томони:

Байрам ҳақиқий шодлик билан ўтадиган бўлди: уй соҳибининг ишхонасида ҳар бир хизматчига бир кило колбаса, пишлоқ, қюлтирилган ширин сут, бир ярим кило музлаган мол гўшти, икки кило гуруч, иккита ароқ, битта шампан виноси давлат белгилаган нархда сотилди. Абдукарим колбаса, ароқ билан шампанни олмагани учун бўлим бошлиғи музлаган гўштга алмаштириди. Шу тарзда бу хонадонга бирданига уч кило гўштнинг кириб келиши катта хурсандчилик воқеа бўлди. Бир бўлак гўшт муздан тушгач, уй соҳибаси ошпичноқ билан қийма тахтани ишга солди, қийшая бошлаган эски тандирда сомса ёпилиши алоҳида байрам шодиёнаси эди. Уй соҳиби эса паловни ўзи дамлайдиган бўлди... Бу ҳаракатларни кузатаётган кенжатой кутилмаганда: «Бугун менинг туғилган куним!» деб қийқириб чапак чала бошлади. Кенжатойнинг қувончи сўнмасин, деган фикрда катталар ҳам унинг туғилган куни нишонланаётганини тасдиқлаб шодланиши. Шукронда дуоси ўқилиб, дастурхон йигилганда қўшни томондан кабобнинг ёқимли ҳиди ёпирилиб кирди. Қоринлари тўқ бўлса ҳам, барчаларининг нафслари қитиқланди. Лекин ҳеч ким, ҳатто кичкинтолар ҳам кабоб егилари келганини билдиришмади.

Уй соҳиби одатига кўра, эшитган ҳикматларини болаларига айтгач, уйкуга ётиш тадориги бошланди. Ёши улғайиб қолган уч ака-ука даҳлизга қатор жой солишиди. Икки кичикларининг бири отасининг, яна бири онасининг ёнидан жой олди. Чироқ ўчирилган маҳали Ҳалима «Вой, ўлмасам», деб қаддини кўтарди.

– Ҳа, нима бўлди? – деб сўради уй соҳиби.

– Кўча эшикни танбалаш эсимдан чиқибди.

– Ётавер, нимадан қўрқасан? Ҳали дуони яхши эшитмадингми: уйни ҳам, бу уйда истиқомат қилувчиларни ҳам, Ўзинг берган болаларимни ҳам Ўзингга топширдим, дедим-ку? Аллоҳ Ўзига таваккул қилувчиларни севади. Яратганинг Ўзи паноҳига олганидан кейин эшикка ходачани тираб қўйдинг нима-ю, очиқ қолдирдинг нима?

– Пайғамбаримиз «Кеч кирганда эшикнинг илгагини солинглар», деган эканлар-ку? Ўзингиз айтувдингиз-ку?

– Сенам бир хил пайтда жуда-а ақлли бўлиб кетасан-да, у илгак бошқа, сенинг танбалашинг бошқа.

– Ада, эшикни танбалаганман.

Даҳлиз томондан эшитилган бу гап эр-хотин баҳсига якун ясади. Сал туриб, Абдукарим яна гап бошлади:

– Насриддин Афанди жуда-а камбағал яшаркан. Кечаси бир нодон ўғри томини тешиб, уйга тушиб, ҳаммаёқни қидириб, ҳеч нарса тополмай, яна томга чиқиб кетаётган экан, Афанди ётган ерида зорланиб: «Хой, тентак, уй эшиги очиқ турувди-ку, нега томни тешдинг? Киришга кирдинг, қидиришга қидирдинг, бир нима топган бўлсанг, ярмини менга ташлаб кет, менам фойдаланиб қолай. Энди томга осилмай, эшиқдан чиқиб кетавер. Кузгача подшоҳнинг қаҳрига учраб, қўлинг кесилмаса, уч-тўртта оғайниларинг билан келиб, томни тузатиб кет. Бўйнингда қиёмат қарз бўлиб қолмасин. Қўрқма, қуруқ қолмайсан, ейишларингга атала пишириб қўяман», деган экан.

Бу гапга аввал ўзи мириқиб кулди, кейин хотини, сўнг даҳлиздагилар қўшилишиди. Икки кичкинтой латифанинг

маъносига тушунишмай, бири отасини, бири онасини маҳкам қучоқлаб олди. Бугунги шодиёналик яхши кайфият билан шу тарзда ниҳоясига етди.

Деворнинг чап томони:

Уйда меҳмонлар бор. Танобий хонадаги дастурхон устидаги балиқ икрасидан тортиб, бедана кабобга қадар муҳайё қилинган. Дастурхон устидаги ноз-неъматлар кўплигидан стол бели қирсиллаб кетай дейди. Яхшики, бу ҳовлида ҳозирча ит йўқ, бўлсами эди, меҳмонларнинг салобатидан кўрқиб, инида писиб ётиб олмоқдан ўзгаchorаси қолмасди.

Дастурхон устидаги шишалар оғзи очилгани ҳамон меҳмонларнинг баҳри-диллари яйраб, бир-бирларига бўлган меҳрлари товланиб кетди. Тилла ҳалли кўзойнак таққан кишининг кўнглида кўнғиз мўйловли одамга нисбатан туганмас нафрат бор, аммо отарга ўқи йўқ эди. Конъяк деган сеҳргар иккинчи қадаҳдан кейин уларни қиёматли aka-укага айлантириб қўя қолди. Ички нафрат танти бўлади, конъякнинг кучи кетгунига қадар кўнгилнинг бир бурчагида ҳордиқ чиқариб ёта туради.

Қадаҳлар қадаҳларга уланаётган дамда қўғирчоқдек ясаниб олган уй бекаси лаганларда ҳовури чиқиб, зира ҳиди уфуриб турган димлама олиб кирди. Бир-икки меҳмон хонимга суқланиб қараашдан, учинчиси эса: «Қовуннинг яхшисини ит ейди», дегани шу-да, Худонинг баъзи ишларига қойил эмасман, шундай ҳурилиқони шу тавияга раво кўрадими-я!» деган гапни кўнглидан ўтказишдан ўзларини тия олишмади. Уй бекаси бундай қараашларнинг маъносини сезар ва хузурланарди. Шунинг учун таомларни бир кечага ёлланган хизматкор хотинга бермай, ўзи олиб киради. Чой ташишга яраб қолган тўнгич ўғлини ҳам меҳмонлар ўтирган уйга киритмасди.

– Бай-бай-бай! Бу қандай таом бўлди, ҳидини қаранг, димоқни ёради-я! – деди суқланиб қараганларнинг бири.

«Бай-бай-бай!» деган хитоб таомга нисбатан эдими ё уй соҳибасининг чиройигами, ҳеч ким фарқлай олмади.

– Бу таомнинг номи – «Ажабсанда!», – деди сүқланганларнинг иккинчиси. – Кеннойимизнинг қўллари теккан ҳар қандай овқат жаннатнинг таомларига айланиб кетади!

Учинчиси мақтовни давом эттирмади, балки «Шундай оппоқ қўллар картошка арчмасдан менинг елкаларимни силаб қўйса бўлмасмиди», – деган армонли ўй кўнглини секингина тирнаб қўйди. Лекин индамай ўтиришга чидамади:

– Кеннойи, шошманг, бир пас ўтиринг, – деб илтимос қилиб, ўзи ўрнидан турди. Бахтигул нозланмай, эрининг ёнидаги бўш стулдан жой олиб, нозик ва оппоқ панжасини дур безаб турган ярим очиқ кўксига қўйди-да:

– Яхши ўтирибсизларми, камчиликлар йўқми? – деб манзират қилди. Маҳкамбой билур қадаҳга яримлатиб конъяқ қуиб хотинига узатди.

– Жуда зўр ўтирибмиз! – деди сүқланганларнинг бири.

– Бу уйда камчилик бўлишининг ўзи мумкин эмас, – деб тасдиқлади иккинчиси.

– Кеннойижон, биринчи қадаҳни сизнинг соғлифингиз учун кўтардик, сиз ташқарида эдингиз, эшитмадингиз. Иккинчи қадаҳни турмуш ўртофингиз, бизнинг қадрдон жўрамиз соғлиги учун, учинчисини болаларингиз учун ичдик. Мен ҳозир яна сизнинг соғлифингиз учун ичиши таклиф этаман, – даврадагилар «Жуда тўғри, жуда зўр», деб олқишлишгач, у илҳом билан давом этди: -Халқимизда «Эрни эр қиласидиган – хотин», деган мақол бор. Бу мақолнинг исботини топиш учун қадрдон жўрамизга бир мартагина қараб қўйсак кифоя. Жамиятимизнинг аслзодаси сиз туфайли шу мартабаларга эришяпти, уни ҳали бундан ҳам баланд мартабалар кутяпти. Буларнинг ҳаммаси сизнинг меҳр-муҳаббатингиз туфайли эканини ҳамма билади. Уйда хотиннинг меҳр-муҳаббати бўлмас экан, хизматда ҳеч қандай барака йўқ. Дўстлар, ана-

ви қандилга қаранглар, ундан тараплаётган нур кучлими ё кеннойимизнинг қалбларидан тараплаётган меҳр-муҳаббат нури кучлими! Дўстлар, даврамизга файз бериб ўтирган шу меҳр-муҳаббат олиҳаси учун яна бир марта ичмаслик виждонсизлик бўлади. Кеннойи, сиз учун, сизнинг меҳр-муҳаббатингиз учун кўтарамиз!

«Олиҳа» сўзи нимани англатишини билишмаса-да, ҳаммалари бараварига ўринларидан туриб, дастурхон тўридагилар пастроқقا тушиб, уй бекаси билан алоҳида-алоҳида чўқишириб ичишди. Бахтигулга конъякнинг таъми нотаниш бўлмаса-да, одоб юзасидан бир хўплаб қўйиш билан чеклангач, унинг шаънига айтилган сўзлар давом этирилди:

– Кеннойи, – деди тўрда савлат тўкиб ўтирган меҳмон, – ҳозир зўр гап бўлувди, калламга зўр фикр келди: сизнинг шу қутлуғ хонадонингизда хотинларнинг малака ошириш мактабини очайлик: сиз бизнинг хотинларимизга меҳр-муҳаббат қанақа бўлишини ўргатиб қўйинг. Шахсан мен бу мактабга биринчи бўлиб хотинимни топшираман.

– Мен иккинчи бўлиб, – деб кувватлади ёнидаги меҳмон. – Хотинимни энг аввал «Бунча кеч қолдингиз?» деган гапни айттиrmайдиган қилиб берсангиз бас.

– Бош устига, – уй соҳибаси қўлини кўксига қўйиб ўрнидан турди. – Эртага кеннойиларимизни шу дастурхон атрофидаги кутамиз.

Неча кўзларни куйдирган уй бекаси чиқиб кетгач, энди бир-бирларининг соғлиқлари учун ича бошлишди.

Давра тўридагилар шарафлангач, улардан бири:

– Дўстимиз зиёфатга айтдилар-у, сабабини билдиримадилар. Янгамизнинг туғилган кунларими ё болаларникими? – деб қолди.

– Туғилган кун эмас, шунчаки яхшиларни кўнгил тортди. Сизлар учун ҳар куни зиёфат қилсан ҳам оз, мени сизлар одам қилиб юрибсизлар, – деди Маҳкамбой қўлини кўксига қўйиб.

– Йўқ, бир сабаби бўлиши керак, дунёда сабабсиз ҳеч нарса бўлмайди, – деди даврани олиб бораётган «тамада». Фалсафадан ўқимаганмисизлар: «Сабабсиз оқибат йўқ, оқибатсиз сабаб йўқ!» демаганмиди ўртоқ Ленин?

– Ленин эмас, Маркс айтган, – деди тўрда ўтирган киши.

– Ҳа, албатта, Маркс немисчалаб айтган, Ленин ўрисчалини айтган, – «тамада» шундай деб хатосини тузатиб мартабали меҳмонга қуллуқ қилишни унутмади.

– Мен зиёфатнинг сабабини тахминан биламан, – деди бошқаси: – кираверишда эътибор бермадиларингми: ошнамиз янги дарвоза ўрнатдилар!

– Дарвозани кўргандирсизлар-у, қулфига қарамаганмисизлар: энг зўр қулф ўрнатдилар: английский! Энг зўр ўғриҳам очолмайди, – деди зийракроғи.

– Ўғридан гапирма, ўғрининг бети қурсин, бу хонадондан наридан ўтсин, – деди «тамада».

– Жўражон, дарвозани бира тўла темирдан қилдирмабсиз, ҳозир шунақаси расм бўляпти, – деди донороғи.

– Дарвоза дубдан ясалган, темирдан ҳам маҳкам, – деди уй соҳиби.

– Сиз – Маҳкамбойсиз! Шунинг учун ҳамма ишингиз маҳкам, ҳамиша маҳкам бўлаверсин! Дўстлар, шу янги дарвоза учун ичамиз! Шу дарвоза минг йил турсин, минг йил акамизнинг хонадонларини ҳимоя қилсин!

Яхшики, дарвозада жон йўқ, бўлсами эди, бу лутф ва бу шарафлашдан сўнг қувониб, бир ғижирлаб олса не ажаб!

Давранинг ярмига соғлиқ тилаб ичилгач, алжиш бошланди, сўнг кўнгил айниш... Кўнгли айнигандар бир-бир ташқарига чиқиб келиб, яна айшларини давом эттиридилар. Дастурхонга кабоб тортилгач, бирорининг ошқозони бир тишлам гўшт тушгандан кейин, бошқасиники учтадан кейин ёрилиб кетиш хавфидан чўчиб фарёд ура бошлиди. Бу фарёд кекирик тарзида билдирилса-да, унча аҳамият берилмади. Кўп ўтмай, уй бекасига ошиқ бўлган киши ўзича вайсай-вайсай нималарнидир деб турди-да,

гандираклаб бориб, ўзини диванга ташлади. Яна бири-нинг кўнгли айниб, ташқарига чиққан эди, анчагача драги бўлмади. Сўнгроқ ҳожатхонадан кучли хуррак овози чиққач билинди-ки, азамат шу ернинг ўзида деворга бош қўйиб ухлаб қолибди. Бошқаси ваннахонани булғаб, ўзининг балчиғига беланиб ётиби... «Хотинимни энг аввал «Бунча кеч қолдингиз?» деган гапни айттирмайдиган қилиб берсангиз бас», деб илтимос қилган меҳмон анча маданиятли эди, ўтирган жойида тош ҳайкалдай қотди. Илиги бақувватроқлари ўринларидан чайқалиб туришга, мезбон билан ўпишиб хайрлашишга куч топишиди.

Уларни сохта жилмайиш билан кузатиб қўйган Бахтигул чуқур уф тортиб, эрига норози қиёфада қаради.

– Қаердан топасиз бунақаларни, молдай ичишди-я, ана-виларингизни нима қиласми?

– Ўйғонгунларича ётган жойларида ётаверишсин, хизматкорга айт, бугунча кетмасин, эрталаб йиғиштириб олади. Ҳа, аччиқ мастава қилиб қўйсин, буларни ўзига келтириб қўймасак, гап-сўз бўлади. Ҳар ҳолда нозик одамлар...

Бу хонадондаги шодиёна шу тарзда яrim тунда нихоясига етди.

Яхшики, бу ҳовлида ҳозирча ит йўқ, бўлсами эди, тара-лаётган сассиқ ҳидларга чидамай қочиб қолишдан ўзга чо-раси қолмасди.

Бахтигул хизматкорга ишларни тайинлагач, «Бўлди, мен ётдим, оёқларимда жон қолмади», деб хобгоҳга кирди-ю, кийимларини алмаштирмай ётиб олди. Уй сохиби ҳам шундай қилди. Хотинига тескари ётган ҳолда:

– Эртага хотинлар келишса, Борийхон акамнинг хотинларига алоҳида қара. Биттагина қизлари бор, опа-сингилдай яқинлашсанг, эҳтимол кейин қуда бўлармиз.

– Олдинам айтувдингиз, шу гапни. Суриштирганман, қизлари ўғлингиздан бир ёш катта экан.

– Бир ёш катта бўлса нима қилибди? Ўн ёш, минг ёш катта бўлмайдими? У кимнинг қизи?! Ёши муҳим эмас,

отасининг кимлиги мұхым! Ўғлингни қулоғидан тортиб-тортиб одам қилади, катта мансабларга олиб чиқади.

– Шунаңа дейсиз-у... – хотин эр томон ўғирилди, – биттагина қыз бўлса, ўғлингизни ичкуёв қиласан, деб қолсанчи?

– Сен Худодан сўра, илойим шунаңа бўлсин! Ичкуёв қилиб дунёнинг нарига четига олиб кетадими? Ўлса, бутун давлати ўғлингта қолади-ку, э, бефаҳм! Сен менга ақл ўргатмай, айтганимни қил. Агар Борийхон акамнинг хотинлари оёғимни ювиб қўй, десалар, шу ишни қиласан! Ўғлингнинг баҳти учун қиласан, бошқа гап йўқ!

Деворнинг ўнг томони:

Ҳалима ўзини беҳол сезса ҳам, «Ўтиб кетар, баҳорда илик узилди бўлади», деган ўйда икки кун эрига билдирамади. Боши айланиб, ошхона деворига суюниб қолгач, Абдукарим уни врачга олиб борди. Қон текширувининг натижаси чиққач, врач бош чайқаб, Абдукаримга танбех берди:

– Опамни толиқтириб қўйибсиз. Қон камайиб кетиби, шифохонада даволанишлари керак.

Бу гапни эшишиб, Ҳалима қўрқиб кетди, ҳозирнинг ўзида замбилга солиб олиб кетишаётгандай, эрига нажот қўзи билан қаради:

– Мени ётқизсангиз болаларингизга ким қарайди? – деди йиғламсираб.

– Уйда даволашнинг иложи йўқми? – деди Абдукарим врачга умид билан тикилиб.

– Ўзбекларнинг доктори бўлиш жуда қийин-да, касал авжига чиққанида келишлари камлик қилиб, бири «Боламга ким қарайди?» дейди, бошқаси «Иложи йўқми?» дейди. Иложи бор, лекин уйга борволиб мен буюрган муолажаримнинг ярмини ҳам қилмайсизлар.

– Унаңа деманг, дўхтир ака, мен ваъда бераман.

Врач бир оз ўйланиб тургач, бешта ўғилнинг ташвишини қилиб ўтирган онага раҳми келиб, «Энг биринчи гал-

да кучли-кучли таомларни тўйиб-тўйиб ейишлари шарт», деб тайинлаб, дори-дармонлар рўйхатини ёзиб берди-да, ҳар икки кунда шахсан ўзи бориб текшириб туришини билдириди. Абдукарим вაъдасига вафо қилди: хапдоридан тортиб, томирдан юбориладиган доригача олинди. Молнинг тилидан тортиб, ерёнғоққача бўлган дармон берувчи табиат неъматларигача муҳайё қилинди. Ҳалима эри анча чиқимдор бўлаётганидан сиқилди. Абдукарим дўкондор дўстидан қарз олганини сездирмади.

Деворнинг чап томони:

Ошнасининг зиёфатида яйраб ўтирган Маҳкамбойнинг кўз олди бирдан қоронгулашди, нафас олиши оғирлашиб, ҳушидан кетди. Ошналари «ҳай-ҳай»лашиб, уни шифохонага олиб боришли. Қон таркиби аниқ бўлгач, врач Бахтигулга ташхис натижасини айтди:

– Буни қадимда «Подшоҳларнинг касали», дейишган. Ҳаддан ташқари тўйимли овқат ейиш оқибати шу касалликни чақиради. Дўстларига раҳмат айтинг, зийраклик қилиб вақтида олиб келишмаганда эрингиздан ажраб қолардингиз. Бундан бу ёғига қази-қарта, норин-кабоб, ароқ-коњяклардан узоқ бўлишлари керак. Агар нафслари ни тиймасалар, медицина ожизлик қилиб қолади.

– Мен ўзим қарайман, бундан буёғига бир тишлам ҳам гўшт бермайман, – деди Бахтигул қатъий оҳангда.

– Бу ерда ўн беш-йигирма кун ётишларига тўғри келади. Ишни ўйламасинлар.

– Иш қочиб кетмайди, қанча ётсалар ётсинглар, менга эримни тузатиб берсангиз бўлди.

Маҳкамбой уйга қайтгач, Бахтигул врачнинг гапларини айтди.

– «Қанд» деган касаллигини ўша банинласига ташлаб келдим. Дўхтиринг айтаверади, парҳези ўзига сийлов. Менинг ўз парҳезим бор: текин нарсаларнинг ҳаммасини ейиш мумкин, пулингга келадиганига парҳез қил! – Маҳкамбой

шундай деб қорнини селкиллатиб мириқиб кулди. – Эр керак бўлса, мени тузукроқ боқ. Баннисангда совуғим ошиб, силлам қуриб кетди. Мен болалигимдан яхши овқат еб ўрганганман. Парҳезларинг менга тўғри келмайди. Менга зўр бир дўхтирип айтган: кўнгил нимани тусаса ўшани ейиш керак! Майли, дўхтирингнинг сазаси ўлмасин, битта гапига амал қиласай, конъяк ичмайман, ароқдан ярим пиёлагина қўй, томирларимда қотиб қолган қонни юрғизворайин...

Ярим пиёла ароқни талаб қиласан нафс ярим шиша билан ором топди.

Деворнинг ўнг томони:

Ҳалима ишдан ҳориб қайтган эрини хавотирли хабар билан қаршилади:

– Эшитдингизми, Хрушчёв данғиллама иморат кургандарнинг уйларини тортиб олаётган эмиш. Нариги маҳалладаги шефповарнинг уйини милиса босибди, тинтуб қилиб, ҳамма бойлигини тортиб олибди, ўзини қамоқقا олиб кетибди.

– Мунча ваҳима қиласан, эшитганман бу гапларни.

– Қачон эшитдингиз?

– Уйда ўтириб сен эшитганингда кўчада юриб мен бехабар қоламанми? Бу гап кеча газетада чиққан.

– Кечаки? Менга нега айтмадингиз?

– Сенга нега айтишим керак? Буларни билдинг нима-ю, билмадинг нима? Ҳаром луқма барибир тешиб чиқади. Сен шуни билиб, тўғри яшайверсанг бас, ҳаромхўрларни қанака тарзда бўлса ҳам, Худонинг Ўзи жазолайди. Қўшнинг тинчми, ишқилиб?

– Тинчdir. Пешиндан кейин тарақ-туруқ эшитилди, яна иморат соляптимикин?

– Шу замонда-я? Бошқа дарди бордир...

Деворнинг чап томони:

Катта рестораннынг бош ошпази бошига тушган кат-

та кулфатдан Маҳкамбой газетада фельетон чиқмасидан олдин хабар топган эди. Ўзини «содиқ ленинчи» деб ҳисоблаётган Никита Хрущёв Москвада туриб порахўру текинхўрларга қарши кураш эълон қилгач, бу курашнинг шамоли Ўзбекистонга етиб келиши қийин эканми? У шунчаки кураш эълон қилмаган, балки эртақдаги сехрли кўзачадан девни чиқариб, унга муҳим топшириқлар берган эди. «Дўпписини олиб кел», дейилса бошни кесишга тайёр мулозимлар бу девнинг ишончли дастёrlари эканини аслида бой-бадавлат, лекин ўзини бой дейилишидан кўрқувчилар билмас эканларми? Москвада ҳужумга тайёргарлик бошланишидаёқ бу томондагиларнинг пайтаваларига қурт тушган, ақллилари ҳаром-ҳариш йўли билан йиғиб-терганларини яширишchorасини қилаётган эдилар. Бош ошпаз девнинг қўлига илинган дастлабки ўлжалардан эди. Девнинг иштаҳаси карнай экани ҳақидаги ваҳимали гап-сўзлар Маҳкамбойни ҳам талвасага солди. Ўйлай-ўйлай девга чап бериш йўлини топгандай бўлди. Пешин чоғи икки дурадгор устани бошлаб келганида хотини аввалига унинг мақсадини тушунмади, кейин кўрқиб кетди.

– «Тўрт кишига саккиз хонанинг нима кераги бор?» дейишлари мумкин экан. Ё уйни бутунлай олиб қўйишаркан ё марҳамат қилишса, битта оилани кўчириб келишаркан.

– Биз қурган уйга бошқа оилани кўчириб киришга нима ҳақлари бор? – деди Баҳтигул довдираб. «Мол аччиғи – жон аччиғи», деганларидек, унинг жони чиқиб кетай деди, ақлини йўқотди.

– Шангиллама, ҳозир ҳақ талашадиган пайт эмас. Бугун шипдаги фанерларни, полдаги тахталарни кўчириб ташлашади. Деворнинг сувогини ғишлари кўриниб турадиган қилиб шилишади. Эртага томдаги тунукалар ўрнига шифер қоплашади. Агар мен йўғимда келиб қолишса, зални ошхона дейсан, биттасини ҳаммом дейсан, иккита хонани кўшиб, олдини очиб, айвон қилиб қўямиз. Сен оғзингни

очиб ўтирмай, қимматбаҳо нарсаларингни тўпла. Уйда битта ҳам тоза мол қолмасин. Бозорга тушиб, сопол идиштовоқ олиб чиқ.

– Сопол идиштовоқ бор эканми?

– Сополи бўлмаса, балоси бордир, дарз кетган косалар бўлса ҳам топ. Кулогингдаги зиракни ҳам ечиб, чойнинг чўпини тиқиб ол.

– Сервизларимни қаерга яширамиз?

– Ҳаммасини кечаси қўшнингникига ташиймиз. Илтимос қиласман, йўқ демайди.

– Вой, шу гадоваччаларнинг уйигами? Акамникигами ё опамникигами...

Эр хотиннинг мақсадни англаб, гапини шарт бўлди:

– Сен маҳмаданалигинги йиғиштири-у, айтганимни ба жар. Фаламислик бошланса, ака-опаларингникини ҳам тинтув қилишади. Шу гадовачча бизни саклаб қолиши мумкин. Уларнинг уйини текшириш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Муомалангни яхши қил. Хотинига «Чиройли кўйлак тикти ринг», деб тузукроқ латта-путталарингдан бер.

Деворнинг ўнг томони:

Уй соҳиби: «Қўшнинг тинчми, ишқилиб?» деган пайтда қўшни уйида қимматбаҳо моллар қутиларга жойланаётган эди. Қош қорайганда тахта эшик тақиллаб, Маҳкамбойнинг кириб келаётганини кўрган эр-хотин бир-бирига ажабланаб қараб олишгач, Абдукарим меҳмонга пешваз чиқди. Маҳкамбой уйга киришга унамагач, супадаги намат устига бир қават кўрпача ташланди.

Ховлининг ярмини сотиш таклифи рад этилгандан бери қўшнини кўчада кўрганида нохуш саломлашадиган одам фоят меҳр-оқибатли, мулоим киши либосида кириб келиши, ҳол-аҳвол сўраши, ҳатто болаларнинг ўқиши билан қизиқиши замирида бир манфаат ётганини Абдукарим сезса ҳам, гапини бўлмай, унинг муддаога ўтишини сабр билан кутди.

– Кўшнижон, мен кўпдан бери чиқиб, узр сўрамоқчи эдим, мавриди бўлмаётганди.

– Ие, бизнинг орамизда узроҳликка арзийдиган иш борми?

– Бор... ўшанда ҳовлингизнинг ярмини сотинг, деб нодонлик қилган эканман, кеннойимиз соттирмай жуда-а донолик қилган эканлар. Ҳам узр сўрайман, ҳам кеннойимга алоҳида раҳмат айтаман. Мана бу кичкина арзимас совғани келинингиз чин юрақдан берди, ўзи ҳам чиқиб қолади, «Кеннойим яхшиликларга тикириб кийиб юрсинлар», деди.

Маҳкамбой шундай деб қўлида ушлаб ўтирган газета парчасига ўралган матони узатди. Унга савол назари билан тикилиб ўтирган қаролзода «кичкина арзимас совға»га кўл узатмади. «Нима бу?» деб ҳам сўрамагач, қўшни қўлидагини кўрпача устига кўйди.

– Яна битта нодонлигим, усталар мендан берухсат томни баланд олишганда индамаган эканман. Агар хўп десангиз, томни бузиб, ҳеч бўлмаса бир метрга пасайтиromoқчиман.

– Бу фикрингиздан қайтинг. Қурилган нарсани сабабсиз бузиш исроф, исрофнинг гуноҳи бор. Қолаверса, биз бу томга ўрганиб қолдик, Худога шукр, ёз кунлари соясида роҳатланиб ўтирибмиз.

– Ўйлаб қарасам, ҳовли этагидаги уйларни бекорга курган эканман. Икки ўғилга кўча томондагиси ҳам етаркан. У-бу жойларини бузиб-кўчиритиришни бошлидим. Икки уста улгурмаяпти, шогирдлари йўқ экан, агар ўғилларингизнинг вақти бўлса, қарашиб юборишса... иш ҳақини берардим.

– Кўшнига қарашишни ҳашар дейишади, ҳашарга ҳақ тўланмайди, – оила соҳиби шундай деб уй томон ўгирилди-да, «Абдуолим!» деб чақирди. Кўшни супага ўтириб гап бошлиши билан болалар уйга киришган эди. Бу чақириқдан сўнг тўнғич ўғли «Лаббай!» деб югуриб чиқди.

– Амакингникида уста ишлаётган экан, эртага Абдуворис билан ҳашарга чиқ.

- Хўп бўлади... лекин... эртага имтиҳоним бор-ку?
- Имтиҳонга биринчи бўлиб кириб чиққин-да, тезроқ қайт. Унгача уканг қарашиб туради.
- Кўчирилган тахта, фанерларни ҳовлингизга қўйиб турсак?
- Ҳа, бемалол, ана, ҳовлимиз кенг, бизга малол келмайди, бир чеккада тураверади.
- Тунукани ҳам кўчирсаммикин, агар хоҳласангиз, томингизга ёптириб берардим.
- Марҳаматингиз учун раҳмат, ёпган шиферимиз энди бир қишини кўрди. Чаккадан қутилиб, шукр қилиб ўтирибмиз. Бизга шунинг ўзи етарли.

Абдуолим саломга алик олмайдиган қўшнини очиқ-часига ёмон кўргани сабабли отасининг топшириғини бажаргиси келмади. Лекин фарзандлик ҳаддини босиб ҳам ўтолмади, «хўп бўлади», деб изига қайтди. Ўғлининг норозилигини сезган ота меҳмонга «Бошқа илтимосингиз ҳам борми?» деган назарда боқиб унинг тезроқ чиқиб кетишини истаб қолди.

– Узун-қулоқ гапларни эшитаётгандирсиз? Мен ўғри эмасман, муттаҳам ҳам эмасман, ҳалол одамман. Лекин ҳозир дўстдан душман кўп. Озгина ўзимнинг йиғгантерганларим бор, яширмайман, бобомдан қолган озгина нарсаларни ҳам бир кунимга яраб қолар, деб сақлаб юрувдим... ҳар эҳтимолга қарши... замон тинчигунича сизнида омонат тура турса.

– Шунинг ўзими? – деди Абдукарим кулимсираб, – бемалол олиб чиқаверинг, бизга малоллиги йўқ, қўшнига қарашиб савоб топиш имконини берган Аллоҳга шукр қиламиз.

Уй соҳиби шундай деганда қўшниникидан бир-икки тутун чиқар, деб ўйлаган эди. Тўрт киши зўрға кўтариб чиққан чет элнинг ялтиллаб турган жавонини кўриб, аввал ажабланди, кейин: «Бобонгиздан қолган матоҳ шумиди?» деб пичинг қилгиси келди-ю, тилини тийди. Ой-

наванд жавон уй соҳиби умрида кўрмаган чиройли чинни буюлар билан тўлдирилаётганда «Астағфируллоҳ, дунёда шунча мўъжизалар бормиди?» деб ўйлади. Гиламларнинг бири ёйилмоқчи бўлинганда йўл қўймади. Ўроғлик тўрт гилам хонанинг бир бурчагига тиккасига қўйилгач, қўшни хонадон маликаси бағрига босиб турган икки тугунни уй соҳибасига узатди:

– Агар жой бўлса, булар сандигингизда тура қолсин. Бувимдан қолган тақинчоқларимни барибир тақмай қўйганман.

Уй соҳибаси «Бувидан шунча тақинчоқ қоларканми?» деб ўйламай:

– Сандиқقا бунаقا тугунингиздан яна беш-олтитаси сифади, хижолат бўлманг, – деб тахмон томон борди-да, кўрпаларни тушириб, сандиқни очди. Чиндан ҳам сандиқ деярли бўш эди. – Тугунларингизни ўз қўлингиз билан қўя қолинг, – деди.

Бобо-бувилардан қолган меросни ташиш, тахлаш ва жойлаш тонгга яқин ниҳоясига етди. Кичкиналар даҳлизда ухлаб қолишганди. Эрталабки имтиҳонга тайёрланиш ўрнига қўшнининг бойлигини ташишга овора бўлганидан юраги сиқилган Абдуолим отасига савол назари билан қараб қолди.

– Нимадир демоқчимисан?

– Сўрамоқчиман.

– Сўрайвер.

– Биз ҳозир нима қилдик? Қўшнининг ҳаром ишларига шерик бўлиб қолмадикми? Буларнинг ҳаммаси ҳаром йўл билан топилгани сир эмас-ку? Гуноҳлигини билиб туриб, нега йўл бердингиз?

Тўнғич ўғил сал асабийроқ тарзда гапиргани учун онаси дарров танбех берди:

– Ҳой, болам, отага бунаقا демайди? Тўртта нарсасини кўтаришиб юборганингни миннат ҳам қилма.

- Миннат қилаётганим йўқ...
- Майли, сўрайверсин, Худога шукр, шунга ақли етибди, – Абдукарим хотинини тинчитгач, ўғлига меҳр билан тикилди: -Саволинг шугинами?
- Ҳозирча шу. Мени кечиринг, жаҳлим чиққанидан эмас, тушунмаганимдан сўрадим.

– Йўқ, болам, тўғри тушунибсан, сўраган масалангнинг иккита ечими бор: биринчиси – дунёвий. Ўйлаб кўргин, ҳукумат одамлари келиб, буларнинг бойликларини тортиб олишгудай бўлишса, булар биринчи галда кимни айбдор қилишади? Албатта, бизларни. «Ҳукуматга думалоқ хат ёзган», деган тухмат остида қоламиз. Бу ечим унчалик даҳшатли эмас, чидаб яшаш мумкин. Мен бундан кўрқмадим. Мухими – иккинчиси, буниси охиратга доир. Қилган ишимиз балки гуноҳдир, Худо билади. Лекин «Кўшни ҳаки» деган вазифа ҳам бор-да. Кўшнининг бошига кулфат тушганда тескари қараб туриш инсофдан эмас. Мен қилган ишимизнинг савоби гуноҳдан кўпроқ бўлса керак, деб ўйладим, яна Худо билгувчироқдир. Эҳтимол, шу воқеа сабаб бўлиб, қўшнимизнинг қалби очилар, Худога юз тутар. Мен сизларга айтувдим, унутибсан шекилли: Худо бандаларини синаш учун бирига кўпроқ бойлик беради, бирига камроқ, бирига эса ҳеч нарса. Камбағал бойдан нафрлатланмаслиги керак. Аксинча, камбағал қилиб қўйгани учун Худога яна ҳам кўп шукр қилиш керак. Гапимдаги битта сўзга аҳамият бергин: бойлик синаш учун берилади. Бутун дарди бойлик тўплаш бўлса, Худодан узоқлашади, ҳатто унутади. Камбағал эса, аксинча, яратган Роббисига интилиб яшайди. Бойлик илинжида эмас, Худонинг розилигини олиш учун интилади. Бу интилишнинг оқибати Қиёматда чиройли тарзда кўринади. Озига шукр қилиб яшаган одам Қиёматда сабр имтиҳонидан қийналмай ўтади. Сабр ва шукр! Унинг имтиҳони шундан иборат. Бойлинг имтиҳони бундан кўпроқ ва бундан мушкулроқ. Бу бойликни қандай йўл билан топгансан – ҳалолми ё ҳаромми, ни-

маларга ишлатдинг – ҳаромгами ё ҳалолгами? Бойликка эга чиқиш учун қанча одамнинг дилини яраладинг?.. Шулар ҳақида кўп ўйла, укаларинг билан ҳам гаплашиб тургин. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Камбағаллигим – менинг фахрим», деганларини ҳам айтувдим, унутмадингми, ишқилиб.

– Эсимда турибди.

– Унда, бир оз дамингни олиб, имтиҳонингга шошил, нима бўлганда ҳам сен холис хизмат қилдинг, Худо омадингни беради. Тўхта, яна битта гап: шу тунда кўрганларинг барчамизга чиройли бир дарс бўлди. Сен қандай ибрат олдинг?

– Ҳозирча ўйлаганим йўқ.

– Бу дарснинг маъносини уқиши жуда оддий: қарагин, шунча бойликни нима учун тўплашган эди, бу бойлик уларга нима келтирди? Ҳозирча кичик бир ташвиш, хавотир. Замон шу тарзда шитоблайверса, ғам-алам, ғуссаларни қаторлаштириб ташлаши ҳеч гап эмас, ёмонликни ният қилмайлик, Худо асрасин. Топганлари ўзларига буюрсин. Лекин Аллоҳ: «Эй Одам фарзанди, қўлингга бойлик оқиб кираётганини кўрсанг билгин-ки, ортидан ғам-ғуссалари ҳам ёпирилиб келади», деб огоҳлантирган. Сен билан биз ҳозир шу матоҳларга анграйиб қараб, «кatta бойлик» деяпмиз. Дунёдан минг-минг йиллардан бери булардан минг марта бойлар ҳам ўтишган. Тарихни ўргансанг биласан, баъзилари бойликларидан ё тириклигида айрилиб хонавайрон бўлиб, қон ёшлари тўкиб ўлиб кетган, бошқалари бойликларидан ўлиб кутулган. Қани улар? Қани уларнинг бойликлари? Ҳозир улардан ҳам бойроқ одамлар ер юзида урчиб юрибди. Бугун димоқларидан қурт ёғади, эртага қарабсан-ки хору зор. Худо бандасига тилла-кумуш бермаса бермасин, лекин иймон бойлиги, илм бойлигини берсин. Шу бойликни қўлга киритиш учун яшаш керак бу ёруғ дунёда. Худо тилла-жавҳарни эгаллашга интилган бандасидан бу бойликни қачондир, барибир олиб кўяди. Иймон

ва илм бойлигига холис ният билан астойдил интилганга эса қўшиб бераверади. Сен ҳозир шу йўлдасан, Худога шукр, охиратимдан кўнглим тўқ.

Ўғли даҳлизга кириб кетгач, Ҳалима сандиқни ёпиб, кўрпаларни тахлашни бошлаганида Абдукарим уни тўхтатди:

– Кўшнинг сенга аatab бир кийимлик нарса олиб чиқсан экан, супада турибди, нима қиласан?

– Нима қилай?

– Тугунининг бир чеккасини очиб, ташлаб қўй, молимизга аралашмасин. Худога шукр, яланғочмасмиз, йиртиқ-ямоқ кийишлар ҳам ортда қолди. Манави жавонга қараб, бошим қотди: ялтиллашини қара! Кичикларинг тирнабнетиб қўйишмасмикин, деб қўрқяпман, ҳар ҳолда бировнинг омонати.

– Чойшаб билан ўраб қўяйинми?

– Шу ишинг маъқул, уйга кирганлар ҳам кулишмайди. Ҳозир «Оқ иштонга жун жияк» бўлиб хунук турибди, – уй соҳиби шундай деб кулди.

– Нимага куляпсиз? – деди бека.

– Четдан қарасанг, кўшнинг бизникида молу матоҳини қолдирди. Аслида унақа эмас, улар юракларини ўтмас пичноқ билан кавлаб олиб, омонатга беришди. Бу матоҳ жавон эмас, уларнинг юраги. Биз уларнинг юрагини авайлаб-асраб берамиз.

– Қизиқ гапларни топиб гапирасиз-а!

– Сен Бахтигулнинг бармоқлари титраётганини кўрдингми? Шу қўшнингга отаси исм қўяётганида сал янгишган, «Бахтигул» эмас, «Бахтипул», деб қўйса, исми-қалбига мос тушарди.

Ҳалима эрининг гапига кулиб, уйни йиғиширишни давом эттирди, Абдукарим эса бомдодни ўқишига тайёргарликни бошлади. У таҳорат олиб бўлгунича кичиклари ҳам уйгонишиб, саодатли оила жам бўлиб, намоз ўқидилар.

Хонадон соҳибининг намоздан сўнг китоб ўқиши одати

бор эди. Кечаси кўзига уйқу илинмаган бўлса ҳам, одатини канда қилмади. Намоздан аввал тўнгичи билан бошлаган сухбатни давом эттиргиси келиб, токчада териб қўйилган китоблар орасидан Алишер Навоий асарини олиб вараклади-да, ўғлини чақирди:

– Буни бирга ўқиган эдик, эсингдан чиқмаган бўлса ҳам, яна бир ўқийлик, – деб китобни унга узатди. Ўғил сахифага кўз ташлаб, отаси истаган сатрларни топди-да, овоз чиқариб ўқиди:

– «Иқлимларни фатҳ этувчи Искандар жаҳон мулкининг тождори бўлди. Унинг тасарруфига кирмаган ер қолмади. Денгизу қуруқлик, ҳўлу қуруқ унинг фармонида эди. Осмон гумбази устида хутба ўқиб, адолат муҳрини юлдузларга урди.

Унга қуллук қилишни шоҳлар орзу қилиб, шу билан фахрланар эдилар. Ҳам шоҳ эди, ҳам авлиё, ҳам набий эди. Хулқ-атвори ҳикмат билан зийнатланган эди. Зотида Жамшидлик нишонаси бўлиб, жаҳонни кўрсатувчи жом унинг кўзгуси эди. Етти иқлимни забт этган ва етти осмонга ҳукми ўтар эди. Шундай саодатманд шоҳ оламдан ўтар вақтида шундай бир ожизлик ва бечораликка учради-ки, на ҳакимларнинг ва на табибларнинг тадбири фойда берди. Барчалари бу яшил дунё боғида қолиб, у қора тупроқ сари кетди. У ўзининг бу ҳолатидан ичидан ўртаниб, бундай сўз айтди:

– Мен хору залиллик билан бу оламдан кетар эканман, мен учун сафар ноғораси чалинар экан, кимки ор-номус шартини сақламоқчи бўлса, унга менинг шундай васиятим бор: вақтики мендаги муқаддас бўстон қуши муқаддас маскан айвони сари учса, яъни жоним узилса, оху фарёд билан оламни қора қилиб, хобгоҳимга тобутимни солсангиз ва қабр томон юрсангиз, тобутнинг ёнидан бир қўлимни чиқариб қўйинг. Токи одамлар бу қўлимга ибрат кўзи билан қарасинлар. Билсинларки, етти иқлимнинг шоҳи, етти ос-

мон сирларининг огоҳи жисмида жон йўқ ҳолда бу дунёдан бўш қўл билан бормоқдаман. Кимки жаҳон мулкига эга бўлишни ҳавас қилса, шу бўш қўл унга ибрат бўлсин!»

Ўғил сахифадан кўз узиб, «Давом этаверайинми?» деган маънода отасига қаради. Отанинг меҳри товланиб, унинг елкасига қўлини қўйди:

– Бу баён сўнгидағи шоирнинг «Эй Навоий, бу дунёдан қўлингни торт», деган хитоблари у замонларда қолиб кетмаган, бугун бизларга ҳам қаратилгандиндир. Дунёдан қўлни тортиш шоирнинг шунчаки баландпарвоз сўzlари бўлмаган. Ҳазратнинг бадавлат оиласда туғилганлари, кейинчалик ўzlари ҳам жуда катта мол-мулкка эга бўлганларини мактабингда ҳам ўқигансан. У зоти бобаракот бор мол-дунёсидан воз кечиб, хайрия мулкини ташкил қилганларини мактабда ўқитишадими ё йўқми, билмайман. Эгалланган илм ва амал бирлиги, сўз ва иш бирлиги деб шунга айтадилар. Бундай олиймақом фазилат ўз-ўзидан насиб этмайди. Энди бу китобни қўйгин-да, «Насойим ул-муҳаббат»ни ол.

Жавонни чойшаб билан ўраётган хотин эрига норози қиёфада қараб олиб:

– Қўйинг энди, кейин ўқитарсиз, дам олволсин, ҳозир имтиҳонга кетиши керак, – деди.

– Сен ишингдан қолма, аммо қулоғинг биз томонда бўлаверсин, минг марта эшитган бўлсанг ҳам зарари йўқ. Бунақа ҳикматларни мингинчи марта ўқиётганингда аввалги тўққиз юз тўқсон тўққиз марта ўқиганингда англамаган зўр бир ҳикматни тушуниб қоласан. Сен минг марта ўқисанг, болаларимиз ўн минг марта ўқишилари керак, чунки, уларнинг онгиди ҳали бўш жойлар кўп. Бўш жойларга шайтоний фикрлар кириб қолмасин. Сен болажонингнинг имтиҳонидан ташвишланма, иймон имтиҳонидан яхши ўтаётган бола ҳукуматнинг ҳамма синовларидан bemalol ўтади. Иймон имтиҳонига эса шунақа китобларни ўқиб тайёргарлик кўрилади. Ҳали қараб турасан, Худо хоҳласа, имтиҳонида энг оғир масалани ҳам осон ечиб, устозидан сенга «онангга раҳмат!» – деган шараф олиб келади.

– «Ота-онангга раҳмат!» денг, – деб тузатди Ҳалима.

– Иншааллоҳ...

Эр хотинга танбех берәётган онда ўғил айтилган китобни олиб, «Қайси саҳифани очай», деб қаради.

– Фаридуддин Аттор ҳаётларига доир саҳифани очиб, ўқигин.

Ўғил бу китобни бир неча марта мутолаа қилгани учун, айтилган саҳифани қийналмай топди-да, ўқий бошлади:

– «Дебдурларки, алар андоқки, отлари машхурдир, Аттор экандурлар. Тавбалариға сабаб бу бўлғондорки, бир куни атторлиғ дўконида муомалаға машғул ва машъуф эмишлар. Дарвеше дўкон эшигига етар ва неча қатла «Аллоҳ учун бирор нарса бер!» дер. Анга парво қилмаслар. Ул дарвеш дерки: «Эй хожа, не нав ўлгунгдир?» (Қандай ўласан?) Алар (Аттор) дебдурларки: «Андоқки, сен ўлгунгдир» (Сен қандай ўлсанг, мен ҳам шундай ўларман). Дарвеш дебдурки: «Сен мендек ўла олмассан». Алар дебдурларки: «Нечук?» Дарвеш дебдурки: «Мундоқ!» Яғоч аёғин бошин остига қўюбдур «валлоҳ!» дебдур ва жонни Ҳаққа таслим қилибдур. Аларнинг ҳоли мутағайирир бўлибдур ва дўкон ва анда дағи ҳар не бор экандур, барҳам урубдурлар ва бу тариққа кирибдурлар».

Ўғил «Давом этаверайнми?» деган маънода яна отасига қаради. Ота эса уфқда кўтарилаётган қуёш нуридан ёришиб келаётган ҳовлига кўз тикканича ўйчан тарзда гапира бошлади:

– Молу дунёга ҳирс қўйган одам ўлим билан юзма-юз келганда даҳшатга тушади, дейдилар. Не азоблар билан тўплаган бойлигини ташлаб кетишдан қийналса керак-да. Қўшниларимизнинг ҳозирги аҳволлари ана шунаقا аянчли. Кумайл ибн Зиёд ҳазрати Али билан Жаббон қабристони ёнидан ўтаётганларида ҳазрати Али бирдан тўхтаб, мозор томон қарабдилар-да:

– Эй қабрда ётганлар, эй суюклари чириб, тупроққа қоришганлар, эй қоронғуликларда ёлғиз қолганлар,

сизларда нима гап? Биздан сўрасангиз, молларингиз тақсимланди, болаларингиз етим қолди ва хотинларингиз бошқа турмуш қуришди. Бизда ана шундай хабарлар. Сизларда қандай хабарлар бор? – деб сўрабдилар. Сўнгра йўлдошлирига бурилиб:

– Эй Кумайл, агар уларга жавоб қилиш учун изн берилганида: «Озукнинг энг яххиси тақводир», деб айтишган бўлар эди, – дебдилар. Кейин эса йиғлаб, бундай дебдилар: – Эй Кумайл, қабр – амаллар сандигидир. Буни фақат ўлганингдан кейин биласан...

Бир куни Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳазрати Алидан:

– Эй Али, сенга беш минг қўй берайми ёки ҳам дунё, ҳам охират учун фойдали беш калимани ўргатайинми? – деб сўрабдилар.

– Ё Расулаллоҳ! Беш минг қўй озмунча фойда эмас. Бироқ, менга беш фойдали калимани ўргатишингизни хоҳлайман, дебдилар ҳазрати Али.

Шунда Расули акрам ушбу дуони ўргатганлар: «Аллоҳим, гуноҳларимни мағфират қил. Менга кенг феъл ва ҳалол даромад насиб эт. Нафсимни берган ризқингга қаноатли қил ва қалбимни Ўзинг манъ этган нарсаларга мойил қилиб қўйма». Ўғлим, ҳечам унутмагин, Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу дуони ҳазрат Али орқали бизга ўргатганлар. Бу калималарни дилимизга маҳкам мухрлаб, тилимизда тинмай айтиб юрсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Отанинг нияти амалга ошиб, ўғил имтиҳонни аъло баҳога топшириб келди. Сўнгака-ука то хуфтон қоронғусига қадар қўшниникида ишлаётган усталарга ёрдам бердилар. Кундузи шипдан суғуриб олинган фанерлар, пол тахталарини тун қоронғулигида уйларига ташидилар. Ҳовлининг этак томони қурилиш моллари билан тўлди. Бу хонадонга меҳмон бўлиб келганлар тахталарни кўриб, «Ўғилга атаб уй солиш вақти етган эди, ҳаракатни бошлаб тўғри қилибсиз», деб хонадон соҳибини мақтаб қўйдилар. У эса «Шунаقا ҳаракат бор», деб, ичида «Ёлғонни Худо кечирсин», деб қўя

қолди. Хайриятки, бу ёлғонни ишлатиш узоқ давом этмади. Қүшни бир ойдан сүнг харидор топиб, тахта-фанерларни сотиб юборди-да: «Қайним иморат бошлаб қўйди», деб изоҳ берди. Абдукарим учун бу изоҳнинг ҳожати йўқ эди, шу сабабли ҳовлиси бўшаганидан қувониб, бу ёлғонга ишониб қўя қолди.

Деворнинг чап томони:

Ҳайит арафаси оқшомида таомилга кўра, қўшнилардан косаларда ош чиқа бошлади. Бахтигул таомларни кичик қозончага бўшатиб, ўрнига ўзи дамлаган ошдан солиб қайтараверди. Ўнг томондаги қўшнидан чиқарилган косага қараб, ўйланиб қолди. Буни сезган эри: «Ҳа, ошидан латта чиқдими?» – деб кесатди.

– Латта-ку чиқмади-я... косага ҳайронман? Менинг ко-самга ўхшайди. Идишларимизни bemalol ишлатаётиди шекилли?

– Калланг борми! – деди эр аччиқланиб. – Қутиласингдан битта косангни олиб, ўзингнинг косангда битта ўзингга ош чиқарадими?

– Нега «битта ўзингга» дейсиз? Қўшниларга ҳам чиқаргандир?

– Унда қўшниларингниги чиқиб текшириб кел. Ош тарқатса косанг ейилиб қоладими?

– Ейилмайди, лекин дарз кетиши мумкин, гули хира-лашади. Бу косалар Хитойдан келган, бунаقا юпқа чинни ҳозир ҳеч ерда йўқ. Мен ўн иккита бир хил косани келинимга бераман, деб асроятувдим.

– Косасини келиннинг ўзи олиб келади, шўрвангни эски калишда ичмайсан, кўнглингни кенгроқ қил.

– Менинг кўнглим кенг, лекин бировнинг омонатига тегишимасин-да. Гиламларга ҳам қараб қўйиш керак.

– Гиламларингни қандай тиклаб қўйган бўлсанг, шундай турибди, кеча кирганимда кўзим тушди.

Уй бекаси косани бўшатиб, ўзининг ошидан солаётганида бирдан «Вой», деб юборди.

– Ҳа, яна нима бўлди? – деди эр.

– Коса меники эмас экан.

– Қаердан билдинг?

– Менинг косамнинг тагига чиройли гул чизилган эди, бунинг тагига арабчалаб бир нима ёзиб қўйилибди.

Эр ажабланиб, косани қўлига олди. Ҳарфларни ўқимоқчи бўлгандай тикилди:

– Қизик, нима деб ёзилганийкин? – деди ажабланиб.

– Отларини ёзиб қўйишгандир, бунақа чиройли коса бошқаларникига аралашиб кетмаслиги керак-да.

Эр косани хотин қўлига тутқазиб, жаҳл билан деди:

– Шунақа гапларингни эшитганимда «Бу хотиннинг ми-яси борми?» деб ўйланиб қоламан.

– Ҳа, мия фақат сизда бор. Битта уйга битта мия етарли.

– Бўлди қил, ошни сергўштроқ қилиб сол, қўлинг қалтирамасин.

– Вой савил, нега қўлим қалтиаркан, ўзим олиб чиқаман ошни.

– Нега?

– Косасини мақтаб, қаердан олганини билиб оламан.

– Шуни сўрасанг, тилингни кесиб ташларман. Тўхта, косани бер, ўзим олиб чиқаман.

Деворнинг ўнг томони:

Маҳкамбой Абдукарим билан сўрашаётиб, «Косангизнинг тагига ғалати сўзлар ёзилган экан, эр-хотин ўқиёлмадик», деди.

– Қадимдан чиннисозларнинг шунақа санъати бор. Коса, лаган, чойнак- пиёлаларнинг ҳошияларига бирорлари нозик нақш чизиб қўйишган, донишмандлари ҳикматлардан, тақводорлари Аллоҳнинг оятидан ёзишган. Бу косага ёзилган ояти кариманинг маъноси: «Енглар-ичинглар, аммо исроф қилманглар».

Оила аъзолари дастурхон атрофида овқатланиб ўтиришгани учун кўшни супа томон юрмай, изига қайтди.

— Девор бўлмаса, сенам кўчани кўрасан, — деди Абдукарим косани дастурхон устига кўяр экан, — косангга аҳамият беришибди. Оятнинг мазмунини айтдим, тушуниб, амал қилса, савоби сенга тегади.

Бу хонадондаги қимматбаҳо буюмлардан бири олтита коса! Эллигинчи йилларда Хитойдан келтирилган, чертилса жаранг чиқарувчи бу мўъжаз косалар Ҳалиманинг сепи билан келган. Узатилаётганда тоғаси тўёна қилган эди. Ҳали тўй ўтмасдан илгари, косани кўрганидаёқ «Сақлаб кўяман, Худо хоҳласа, келинимга бераман», деб кўнглидан ўтказган эди. Баъзи-баъзида сандиқ очилганда косаларни олиб томоша қилар, кўзлари қувонарди, лекин ишлатмасди. Бугун эри ош дамлаётганда сандиқни очиб, битта косани олди. Унинг бу ҳаракатидан ажабланган эр савол назари билан қараб қолди.

— Бу кўшнингизга шу косада ош чиқараман. Ҳадеб бизни оёқ учида кўрсатавермасин, бизда ҳам нимадир борлигини билсин, — деди хотин ўкинч билан.

— Нодонсан, хотин, битта коса билан буларни қойил қолдириб бўларканми?

Шундай дейишга деди-ю, хотинининг раъйини қайтармади. Ҳозир эса мақтаб кўйди. Косасини бир марта-гина ишлатиб, эридан мақтов эшиштган хотин юзини қувонч нури ёритиб ўтди.

Деворнинг чап томони:

Кузнинг ёқимли тонгларидан бири бошқа кунлардан фарқ қилмасди. Ўша қуёш нури, ўша шабада, кўчаларнинг ўша шовқини. Кеча ичган ароғи ошқозонга тушмай, бошига тугун бўлиб туғилиб қолганми, энди тарс ёриб юборай дейди. Аччиқ мастава ҳам таъсир қилмай, оғир бир аҳволда ишга отланди. Ишга борди-ю, хушхабарни эшитиб, баданини эзаётган азобдан бирданига қутилди. Хабар гарчи

миш-миш тарзида бўлса ҳам, идорадагиларнинг барчалари шоду хуррам эдилар. Баъзи хоналарда хушхабарни «ювиш» тадориги бошланган эди. Бундан у ҳам руҳланди-ю, ёрдамчисига пул бериб дўконга югуртириди.

Пешинга қадар ҳеч ким ишламади, пешиндан кейин ҳамма кутилмаган байрамни нишонлаш учун уй-уйига тарқади. У ҳам бозорга бориб, қассобдан қиммат гўшт-ёғ олди, қофоз халталарни тўлдириб, уйига қайтди. Бахтигул ширакайф эрини кўриб, пешвоз чиқди.

– Хотин, суюнчини чўз! – деди эр унга қофоз халталарни узатар экан. – Бадбаҳтнинг думини тузишибди.

– Бадбаҳтингиз ким? – деди хотин.

– Ким бўларди, Хрушчёвда! Ҳайдashiбди падарлаънатини.

– Вой, Худога шукур-ей! Қораси ўчгани рост бўлсин.

– Бугун байрам! Ўзим қўлбола қозонкабоб қилиб бераман! – эр шундай деб тўғри ошхона томон юрди. Юра туриб, чала бузилган уйларига қараб қолди: – Менга қасд қилганлар қараб туришсин, бу иморатни ҳали кошонага айлантириб, кўзларини куйдирман, – деди ишонч билан.

– Нарсаларимизни ҳам олиб чиқамизми?

– Гапингни қара, албатта олиб чиқамиз-да, биз уларга совға қилибмизми?

– Ҳозирми ё қоронги тушгандами?

– Бугун эмас, яна озгина чида, юрагинг куявермасин, олдин сал кутайлик, яна бир лаънатининг ўрнига иккинчи лаънати келган бўлмасин.

– Вой, яхши нафас қилинг-ей...

Деворнинг ўнг томони:

– Адаси, Масковдаги Хрушчёв кетганмиш, шу ростми?

Ҳалима ишдан қайтган эрини шу савол билан қарши олди.

– Кетган бўлса, сенга нима, уларнинг ҳаёти шунаقا: биттаси кетади, бошқаси келади. Биз уларга эмас, Худога қараб яшаймиз, шунинг учун кўнглимиз тўқ.

- Кўшниларингиз роса хурсандга ўхшайди.
- Бу уларнинг иши.
- Агар Хрушчёв кетган бўлса, энди буларга ҳеч ким тегмайдими?
- Сенга нима?
- Ҳеч ким тегмаса, тинчишган бўлса... нарсаларини олиб чиқишишармикин...
- Олиб чиқишиади, сенга совға қилишмаган-ку?
- Бугун олиб чиқишишармикин?
- Юрагингни кенгроқ қил, яна озгина чида. Булар сенга ўхшаган шошқалоқ эмас, арқонни узун ташлашади, Масков томондан қанақа шамол эсишига қарашади. Яхши шамол эсса, уч-тўрт ойда уйингни бўшатиб беришади. Ёмон шамол эсса яна ўтираверасан.
- Хрушчёвнинг кетганидан ҳамма хурсанд, – деди Абдуолим ота-онасининг гапига қўшилиб.
- Сенлар нимага қувонасанлар? – деди Абдукарим ажабланиб.
- Энди унинг ёстиқдай-ёстиқдай китобларини ўқиб, миямизни ачитмаймиз. Илмий коммунизмдан имтиҳон топшириш учун ҳамма китобларини қайтадан ўқиб чиқишимиз керак эди.
- Шунаقا дегин... – Ота ўғлига кулимсираб қаради. – Унда қувончларинг ўринли экан. Худо мияларингни кераксиз гаплардан ихота қилиб қўйибди, Ўзига шукр!
- Дунёни алғов-далғов қилган хабарга муносабат бу хонадонда шу тарзда якунланиб, бу ҳақда бошқа гап-сўз бўлмади.

Деворнинг чап томони:

Хонадон соҳиби ҳам, уй бекаси ҳам астойдил дуолар қилмаган бўлишса-да, тақдир экан шекилли, Хрушчёвни таҳтдан четлатганлар кеча «текинтомоқ» деб лаънатланганлар боши узра ёйилган ташвиш ва алам булутларини ҳам суриб ташладилар. Яна доруломон замон бошланга-

нига ишонч ҳосил қилингач, баҳор тунларининг бирида қўшниникида ором олаётган омонатлар жойига кўчирилиб, эгаларининг қалблари туганмас ором ва шодликка тўлди. Уй бекаси қутиларини авайлаб очиб, яхши сақланган ноёб идишларнинг ҳар бирини кўзларига суртгиси келди. Сандикдан чиқарилган тугунларни алоҳида, қайта-қайта текширди. Қўйилаётган пайтда безакларни, ҳатто пулларнинг рақамларини қоғозга ёзиб олган эди. Зийрак тафтишининг нигоҳи билан текшириб, кўнгли жойига тушгач, эрига қараб қолди.

– Бир нима кам чиқдими? – деди эр хавотирланиб.
– Ҳаммаси жойида, ҳатто тугунни очиб ҳам кўришмабди.
– Қаердан билдинг?
– Белги қилиб қўйган эдим. Шундайлигича турибди. Фақат манави қаердан келиб қолди, билмаяпман, – деб газета парчасига ўралган матони очди. Маҳкамбой матони дарров таниди:

– Яхшилаб қара, ўшанда ўзинг берувдинг-ку?
– Ҳа-я... Вой савил, назарга илмай, қайтиб берибдиларми? – деди Бахтигул аччиқланиб.
– Тузукроғини қўйганингда қайтармас эди, гадойга бергандек чириган латталарингдан бергандирсан-да.

– Бекор айтибсиз, менда гадойга берадиган латта-путта бўлмайди. Гадойваччангизнинг чўнтаклари пул кўриб, димоғларига қурт тушгандир. Кўрмаганнинг кўргани курсин! Майли, бугун назарга илмаса, эртага боплайман.

– Нима қиласан?
– Ўғлини уйлантирганда тоғоранинг устига сиз «чириган латта» деяётган шу матони қўйиб чиқараман.

– Чиқаравер, тоғорангга қўшилиб, яна ўзингга қайтади...
Тунда барча бойлик ўз ўрнини эгаллагач, эртасига пастдаги бузилган иморатда усталар иш бошлади. Бахтигул ёнига опасини олиб, совчиликка йўл олди.

Деворнинг ўнг томони:

Ўзлари-ку, пойдеворсиз пастқам кулбаларида яшайвенишади, лекин бу уйга келин тушириб бўлмайди. Тўғри, энди чакка ўтмайди, тепадан сичқон ҳам думаламайди, аммо ўзлари аранг сиғаётган уйга келин тушириш ҳечам мумкинмас. Абдукаримнинг режасида ҳовли этагига бир уй бир даҳлиз қуриш бор эди. Баҳорга чиқиш билан қурилишни бошлишни ўйлаб юрганида ўғилларнинг катталари сўз очиб қолишиди. Улар оталари ният қилгандан кўра каттароқ иморат қилишни режалаштиришган экан, «Ертўла ҳам қиласиз, майда-чўйда нарсалар туроди», дейишгач, ота бир оз ўйланди.

– Шу даражага етказгани учун Худога шукр. Лекин қулочни бундай катта олмаларинг. Ертўлани ҳар қанча чукур олсанг, олавер, аммо иморатни баланд кўтармайсан. Уйга битта зина билан чиқадиган бўлсин. Иккита зинага ҳам йўл бермайман.

– Нега, ада?

– Буни қариганингда тушунасан. Уйнинг томи қўшни томидан бир энлик ҳам баланд бўлмасин.

– Уларга соя тушмайди-ку, сал кўтараверайлик.

– Йўқ, кўтармайсан, тамом-вассалом! Томимиздан чакка ўтган кунлар эсларингдами? Шуни сира-сира унутмалиринг. Нуҳ алайҳиссаломнинг биттагина чайлалари бўлган экан. Ётганларида оёқлари чиқиб тураркан. Минг йил умр кўриб, қайтиш вақти келганда, Азроил алайҳиссаломга қараб: «Умр тез ўтишини билганимда овора бўлиб шу чайлани қурмаган бўлардим», деган эканлар. Сенлар бу қўшниларингдан эмас, пайғамбарлар, авлиёлар ҳаётидан ибрат олишларинг керак. Уй бирорларнинг кўзларини ўйнатиш учун эмас, яшаш учун қурилади. Отанг бир амаллаб қуриб олган кулбада улғайдиларинг, бундан бу ёғига ҳам кулбада яшаларинг, демайман, лекин кибрланишларингга йўл қўймайман.

Фарзандларига шу гап кифоя қилди. Норозиликлари-

ни сиртга чиқармай, отанинг буюрганига кўндилар. Ўзлари ғишт қўйдилар, ота терди. Ўн кунга қолмай, иморат қад кўтариб, тўсин ташланди. Қамиш ёпилиб, лой сувоқ қилинаётганда қўшни кўриниб, «Ҳорманг», дегани чиқдим», деди. Гапига ишонгандай бўлишди. Одатда қўшниникида ҳашар бошланса, битта ғишт олиб беришга курби етмаганлар ҳеч бўлмаганда битта нон кўтариб кириб «Ҳорманлар, Худо қувват берсин», деб дуо қилишади. Бу қўшнидан бирор битта нон тама қилмайди, лекин фўддайиб кириб келиши ҳашарчиларнинг кўзига хунук кўринди. Аслида унинг кириши одамгарчилик юзасидан «Ҳорманг-бор бўлинг» қилиш эмас. Бу томонга уй солишни бошлаганида деворни қўшни томондан олиб, «Кейинчалик уй курсангиз, бизнинг деворга тўсин ташлайверасиз», деган эди. Бугун ўша гапи эсига тушиб, «Деворимни тешишмадимикин?» деган хавотирда чиққанди. Девори тешилмаганини, янги уйга янги девор олинганини кўриб, кўнгли хотиржам бўлди. Индамай чиқиб кетиш ноқулай туюлиб, гап бошлади:

– Қойилман, бир пасда уйни битириб олай дебсиз. Менинидаги иш неча ойдан бери юришай демайди.

– Сиз уста ишлатасиз-да, – деди уй сохиби кулимсираб.
– Биттасини топсангиз, иккинчиси ғойиб бўлади. «Эртага келаман», деб ўн кунда кўринади. Биз ҳамма ишни ўзимиз қилдик, кунимиз бирорга қолмади.

– Роса тўғри гапирдингиз, усталарни бўғиб ташлагим келяпти. Нақш чизадиганини йигирма кундан бери кутаман...

Қўшни усталаридан ҳасрат қила-қила чиқиб кетгач, ота-бала бир-бирларига маънодор қараб олишди. Иккови ҳам қўшнининг асл мақсадини англаган, аммо сир бой бермаган эди.

Эски уйдан янгисининг фарқи: ертёла қилинди, пахса урилмай, хом ғишт терилди. Томига шифер ёпилди. Ҳар ҳолда келадиган инсофли келинга ёқувчи шинамгина уй қад кўтарди. «Келин келгунига қадар сизлар яшаб, табар-

рук қилиб берасизлар», деб ота ва онани янги уйга зўрлаб кўчиришди.

Уй бекаси қайноналик баҳтига етиб қолганидан қувониб, совчиликни бошлиш тадоригини кўраётганида кутилмаган ҳолат юз берди.

Абдуолимнинг беш йил давомида китобдан бош кўтармай ўқигани яхши самара берди. Диплом иши ҳимоясида икки академикнинг иштирок этиши талабалар учун ажабланли бўлди. Диплом иши аъло баҳолангач, бир соат танаффус эълон қилинди. Академикларнинг ташриф буюргани сабаби танаффусдан кейин маълум бўлди: аъло баҳоланганди диплом иши номзодлик диссертациясига лойик деб топилиб, ҳимоя қилиш учун илмий кенгашга тавсия этилибди. Илмий ишда ҳарбий соҳага доир жиҳатлар мавжудлиги туфайли, маҳфийлик нуқтаи назаридан бу ерда эмас, Москвада, маҳсус илмий кенгашда ҳимоя қилиниши керак экан.

Ота ва она ўғилнинг бу камолидан қувониб, шукр қилишди, аммо унинг Москвага жўнаши кўнгилларини сал хира қилди.

– Масковидан кузгача қайтармикин? – деди содда она. Ўғилнинг сафари узоқ йилларга чўзилишини анлагани учун Абдукаримнинг жавоби мавҳум бўлди:

– Қайтса керак...

– «Қайтса керак» деб ўтирунган. Қайтиши шарт. Катта ҳайитгача тўйни ўтказиб олишимиз керак.

– Ҳайитдан кейин ўтказсанг бўлмайдими? – деди эр унинг соддалигидан сал гижиниб.

– Бўлмайди, биринчидан, ёғингарчилик бошланиб кетади. Иккинчидан, тўй ҳайитдан кейин қолса, ҳайит йўқловларини қилиш керак. Ол-тоғора, бер-тоғораларга тоқатим йўқ.

– Тоқатинг йўқ бўлса, қилма шу ишларни.

– Буни мен ўйлаб топмаганман, қилмасам, шарманда бўламиз.

– Ким шарманда қиласи, манави қўшнингми?

– Қўйинг шуларингизни. Ҳадеб мени турткилайвермай, ўғлингизга насиҳат қилинг, тез борсин-у, тез қайтсан.

– Тез қайтолмайди. Тўйни ҳайитдан олдин қилгинг келаетган бўлса, янайм олдинга сур: Масковга кетгунича қила қолайлик.

– Қанақасига? Ҳали келин топганим йўқ-ку?

– Ана шунақасан-да, ақлли хотинлар келин қидиришни ўғли туғилган кунидан бошлайди.

– Сиз...

– Тўхта, гапимни охиригача эшит: ўғлинг «Аяжон, менга қаллиқ топинг», деб сўрадими?

– Менинг ўғлим ақлли, ақлли бола бунаقا сўрамайди.

– Ана энди ўзингга келдинг. Шу ақлли ўғлинг, ҳамма олимларни қойил қолдирган доно ўғлинг, битта қизни ўзига маҳлиё қила олмаганми?

Бу савол бўлажак баҳтли қайнонани гангитиб қўйди. Эрига савол назари билан қараганича туриб қолди, сўнг кўркувдаги аёл овози билан сўради:

– Юрадиган қизи бор эканми? Худо сақласин-ей...

Абдукарим унинг аҳволидан кулиб:

– Мен қаердан биламан, ўзидан сўра, – деди.

– Менга айтмайди, сиз сўранг.

– Ўғил отага юрагини очмайди, она сирдош бўлади. Эртадан қолдирмай аниқлаб қўй. Худо кўнглимга солгандай бўляпти, ҳар ҳолда Масковга келининг билан кетса керак.

Она «Боламдан сир оламан», деб астойдил кутиб турганда ўғил келиб, «Бир жойга тез бориб-келишимиз керак», деб уларни шоширди. Она «Қаёққа боряпмиз?» деб икки марта сўрагач, ўғил «Яхши жойга, борганда биласиз, ўзлари айтишади», деди. Ота гап-сўзсиз эргашди. Шаҳар марказидаги уч қаватли иморат дарвозаси олдида милиционер турганидан нозик бир идорага келганларини англади. Айни чокда «Бу идорада нима гаплар бўлиши мумкин?» – деб ўйлади. Дарвоза ёнидаги уйчада уларни кутиб олган қошлирига қадар малла бир одам телефонда ким биландир гаплашгач,

«ўтира туринглар», деб гапни калта қилди. Ўн дақиқа давомида Ҳалимадаги ташвиш Абдукаримга ҳам күчіб, бүғила бошлади. Бу орада ҳовлига олиб чиқувчи эшик очилиб, тилла ҳалли кўзойнак тақсан, соchlари орқага текис тараалган истарали бир киши, унинг изидан билагига сумкача осган чиройли хотин, кейин эса сарвқоматли, кўзлари кулиб турувчи бир қиз кўринди. Уларни кўриши билан Абдуолим ўрнидан шошилиб туриб, салом берди. Ўғилнинг сал довдираф қолганини ота сезди. Истарали киши саломга алик олиб ўтди, чиройли хотин Абдуолимга тикилиброқ қаради. Гўзал қиз эса йигитнинг ота-онасига уялинқираб салом бериб ўтди. Она чиройли хотиннинг ўғлига бошқачароқ қараганини, уятchan қизнинг салом бериш баробарида йигит билан кўз уриштириб олганини сезди. «Булар ким, танийсанми?» – деб сўрамоқقا оғиз жуфтлагандан малла одам «Киринглар», деб буюрди.

Улар кирган хона ўртасига катта думалоқ стол қўйилган, атрофидаги олти стулнинг учтаси банд эди. Ўтирганларнинг ёшроғи ўрнидан туриб уларни кутиб олди-да, бўш стулларга бошлаб келди. Ўртада ўтирган киши, буларнинг каттаси бўлса керак, стол устидаги қофозлардан кўзини олиб, уларга бир-бир қаттиқ тикилди. Бу қарашдан ташвишланиб, «Хозир бирон ёмон гап айтади», деб туришгандан, у кутилмагандан сал жилмайди:

– Аввало шундай ажойиб фарзандни тарбиялаганларнингиз учун сизга миннатдорчилик билдирамиз. Сиз билан танишганимиздан хурсандмиз, – деб ташвиш булатини дарров тарқатди. – Ўғлингизнинг илмий ишларини Москвада давом эттиришини биласиз. Бу оддий иш эмас, Давлат хавфсизлигига доир маҳфий бўлгани сабабли, сизларни айрим тартиб-қоидалар билан таништиришга таклиф қилдик. Гапларимизни диққат билан тинглайсиз, агар маъқул бўлса, Давлат сирини ошкор қилмаслик ҳақида тилхат ёзиб берасиз. Биринчиси шуки, ўғлингизнинг илмий иш билан шуғулланиш учун Москвага кетганини хеч

кимга, ҳатто энг яқин қариндошларга ҳам билдирмайсиз. Сұраганларга «Аспирантурада ўқияпти», деб қүя қоласиз. Икки-уч йилдан кейин «Холодильник чиқарадиган заводда ишляяпти», дейсиз. Ким ўғлингиз билан қызықа бошласа, бизга ўша захоти хабар берасиз. Бу ходимимиз, сиз учун Рубен Акопов, -кутиб олган йигитта ишора қилди, – уйингизга тез-тез бориб туради. Тайёргарлик учун бир ҳафта вақт берилди.

Гарчи «Мұхокама ва мұлоқазага ўрин йўқ», оҳангида гапирган бўлса-да, «Шу кифоями?» деган маънода ота ва онадан жавоб кутди.

– Бир ҳафта камлик қиласди. Тўй ҳаракатини бошлаб қўйган эдик, – деди ота мужмал оҳангда. Буни эшитиб, ўртада ўтирган одам Абдуолимга ялт этиб қаради, нигоҳида норозилик аломати сезилди:

– Бу ҳақда нега аввалроқ гапирмадингиз?

– Тўй ҳаракати бошлаганимизни ўғилга айтмаганмиз, ундан ранжиманг.

– «Ўғилга айтмаганмиз?» – деди ажабланиб у киши. – Ўғил кимга уйланишини биладими ахир? Биринчи галда биз билишимиз шарт.

Эр-хотин нима дейишларини билмай бир-бирларига қараб қолишганда, ўғил уларнинг мушкулини осон қилди:

– Сиз биласиз...-деди паст овозда, сўнг янада пастроқ қилиб аниқлик киритди: – Иноятова...

– Зумрадми? – шундай деб бир-бирларига қараб олишгач, ўртадаги киши кулиб юборди: – Зўр-ку! Кутимаган чиройли иш! Табриклайман. Мен раҳбарият билан гаплашиб кўраман, кўпи билан бир ой вақт берилиши мумкин.

Бу гаплардан ҳанг-манг бўлган ота ва она ўғилга қараб қолдилар-у, саволлар оқимини ёғдириб сиқувга олиш имконияти бўлмагани сабабли дардларини ичларига ютдилар. Айниқса, «боламдан сир оламан», деб аҳд қилган она-нинг жим ўтириши оғир кечди.

Яна аллақанча огоҳлантириш, аллақанча талаблар

баён қилингач, ўртадаги одам «Тушунарлими?» деб сукут сақлади. Ота, айниңса она бу гапларнинг баъзилариға тушунган, баъзилариға тушунмаган бўлсалар-да, индамай бош эгиб ўтирган ўғилларига қараб олишгач, «Ха», деб қўя қолишиди. Улар учун энг муҳими – ўғиллари яхши тушунади, у барча шартларга кўнган.

Кўчага чиқиб уч-тўрт қадам босишлари билан уччовла-ри баравар тўхташди. Ота ва онанинг савол назарлари ўртасида қолган ўғил, кўзларини олиб қочмади, уялиб бошини эгмади, аксинча, жилмайди.

– Нега тиржайяпсан? Зумрадинг ким? – деди она зардали оҳангда.

– Кўчанинг ўртасида туриб жавоб берайми? – деди ўғил отасига нажот назари билан боқиб.

– Сабр қил, онаси, уйга борганда гаплашайлик.

– Ада, Ўрда бўйига борайлик.

– Ўрдада нима қиласан? – деди она бу сафар янада кучлироқ зарда билан.

– Ўша ерда бир пас ўтирайлик, «маслаҳат оши»ни ейлик.

– Мен кўчада овқат емайман, Худога шукр, уйим бор, қайнаб туродиган қора қозоним бор.

– Ўзингни бос, жаҳл қилишдан олдин ўйлаб кўр: ҳозир яхши гаплар бўлди.

– Битта катта, жудаям катта айбим бор, аяжон, аввалроқ айтишим керак эди... фақат...

– Тушунарли, бу катта айб эмас, – деди ота гапни шарт кесиб. – Кўчада кечирим сўрашнинг хосияти йўқ, Ўрда бўйига борайлик-чи, «яхши ош дамлашади», деб эшитганман.

Вақт пешиндан ўтгани учун анҳор бўйидаги ошхонада одам сийрак эди. Шу боис бўш жой ҳам, бўш чойнак-пиёла ҳам тезгина топилиб, жойлашдилар. Ўғил учта ко-сага ош суддириб келди. Ҳалима ош устига қўйилган ўрдак гўштини кўрди-ю, қорни тўқлигини баҳона қилиб косани нари суриб қўйди. Абдукарим икки-уч қошиқ олган бўлди. Димоfiga ўрдак гўштидан келаётган балчиқ ҳиди урилиб, у

ҳам косани суриб қўйди-да, иштаҳа билан овқатланаётган ўғлига тикилиб қолди. Бугунги воқеага қадар фарзанди унинг назарида бир ишни мустақил ҳал қилишга қодир бўлмаган гўдак ёшидаги бола эди. Эр йигит даражасига етганини энди ҳис қилди. У билан бўладиган муомала бундан буёғига бошқача бўлиши лозимлигини ҳам англади. Боладаги руҳий ўзгаришни одатда биринчи бўлиб ота сезади ва ақли етса, шунга яраша чора кўради. Агар ота ўзгармаса, ота-ўғил орасида зиддият девори қад ростлайди. Оналарнинг қараши бўлакча, улардан ўзгаришни талаб қилиш ортиқча. Она учун фарзанд ҳамиша ёрдамга муҳтож гўдак бўлиб қолаверади. Тўқсонга кирган кампирнинг етмиш ёшдаги ўғилни тез-тез тергаб туриши шундан.

Абдуолимга ҳам ош ёқмади, аммо бу ерга ўзи бошлаб келгани учун ўзини иштаҳа билан еяётгандай кўрсатди. Шошилмай овқатланишига яна бир сабаб бор: вақтни мумкин қадар чўзишни истаётган эди. Унинг мўлжалича, ўтаётган вақт ичида онасининг ҳовури сал пасайиши керак эди. Шунда гапларини осонроқ тушунтиришга эришарди. Лекин у адашаётган эди, бунақа ҳолатда оналарнинг ҳовури пасаймайди, ғазаб тутунидан бўғилаётган бўлса, тутун алнга олади.

Ўғил ошни еб, бир пиёла чой ичгунча ота-она чидашибди. Гарчи ота «Ўғлингнинг танлагани бордир», деган бўлса ҳам, бу ҳақиқат билан муроса қилишга қийналиб ўтириди. Абдуолим ўртадаги жимликни бузишга мажбур бўлди:

– Сизларни қийин аҳволга солиб қўйганимни билиб туррабман. Лекин ҳамма айб менда эмас, баъзи гапларни айтишим мумкин эмас эди. Ҳозир кириб чиққан идоранинг қанақалигини билиб тургандирсиз. Мен бу ерга уч йил олдин кириб, тилхат берганман. Баъзилар атрофдагиларни сотиш учун тилхат беришади, лекин мен унақалардан эмасман. Булар мен ёзган курс иши билан қизиқиб қолишган. Илмий мавзу ҳам муҳим, ҳам маҳфий бўлгани учун булар мени яхши маънода кузатувга олишган. Бир мени эмас... ўтган бобо

бувиларимдан тортиб, барча қариндошларимизга қадар текшириб чиқишиганини ўзим ҳам кейинроқ билдим. Диплом ишимда асосий мавзунинг бир фоизигина кўрсатилган, асосийси диссертацияда. Диссертация эса Москвада. Бир хил пайтларда қоғозларимни ёқсан, «Исроф қилма», деб танбеҳ берардингиз. Уйда қоралама ёзувларимнинг сақланиши ҳам мумкин эмас. Илмий иш тўғрисида бундан бошқа гапни айттолмайман. Гагарин коинотга учганида Королёв деган олим борлигини бирор билмасди. Фанда шунаقا йўналиш ҳам бор. Ўтган йили ўқищдан Москвага амалиёт учун юборишганда у ерда ишлашимиз ҳал этилган эди.

– «Ишлашимиз» дедингми? Яна ким?

Ўғилнинг жавоб беришга тараддулланганидан она фойдаланди:

– Адаси, тўхтанг, кимлигини мен биламан. Боятдан бери ҳалиги қизни қаерда кўрган эканман, деб бошим қотятувди, эсладим: бултур аэропортда кўрганман. Сенга кўп қараб ғашимни келтирган эди. Ҳалиям ғалати қараб ўтди, Зумрад деганинг ўшами?

– Аяжон, бирам сезгирсиз-ки, сиздан сир яшириб бўлмайди, – деди ўғил онасини елкасидан қучиб.

– Масковда уч ой бирга юрдиларингми?

– Юрмадик, бирга ишладик. У ёқда юришга вақт йўқ, шаҳарда дайдиб юришга ижозат ҳам йўқ.

– Сен уч ойни айтяпсан, гапига қараганда, бу қиз билан беш йилдан бери танишга ўхшайди. Шунақами?

– Ҳа, ада, бирга ўқидик, илмий ишимиз ҳам бир-бирини тўлдиради.

– Тушундингми, аяси, маслаҳат оши аллақачон пишиб бўлган, сенга нима девдим?

– Сиз айтаверасиз, мен бир марта узоқдан кўрган қизни ўғлимга олиб бераверар эканман-да? Ҳали совчиликка бораман, уйларини кўраман, қўни-кўшниларидан суриштираман.

– Сен бу ишларингни адогига етказгунингча булар Масковда яшаётган бўлишади. Хайрлашишга ҳам улгурмай қоласан.

– Қўйинг шу гапларингизни, яхши ният қилинг.

– Энди гапимни яхшилаб эшит, индамасам, ҳозир ҳасрат дафтарингни шу ернинг ўзидаёқ очиб юборасан, болангга насиҳат қиласан, а? Бир нарсага тушунишинг қийин: улғайган фарзандлар қачон ота-оналарининг насиҳатларига муҳтож бўлишади? Қачонки ҳаёт сўқмоқларида қоқила бошлаганларида. Худога шукр, ўғлингни ақлли қилиб туққансан, ҳалигача қоқилмади. Иншааллоҳ, бундан кейин ҳам қоқилмайди, давлатга керакли одам бўлиб етилибди, давлатнинг ўзи ҳимоясига оляпти. Сен дуоларингни кучайтиравергину, бошқа ишларга аралашма. Қизнинг қўни-қўшниларидан суриштиришингта ҳам ҳожат йўқ. Бояги идора яхшилаб суриштириб бўлган. Уйларини қўришинг ҳам шарт эмас, ўғлинг ичкуёв бўлиб бормайди. Совчиликка сен бормайсан, мен бораман, бунақа ишларни эркаклар ҳал этиши керак.

– Туққан онаси-чи? Турткилаб-турткилаб четга чиқариб ташлайсизларми?

– Туққан онаси ҳозирдан тўйга тайёргарликни бошлайди. Эшитмадингми, бир ой муҳлат беришди. Сен боя қизга қарабсан, мен отаси билан онасига қарадим, ўғлингнинг саломига алик олишига қараганда бир-икки гаплашишганга ўхшайди, шунақами? – ўғил бош иргаб тасдиқ ишорасини қилгач, давом этди: – Онанг сезмаган нарсаларни мен сезаман, қани, маслаҳат ошларингда пиширилган гапларни дастурхонга қўй-чи, қизнинг отаси ким, онаси ким – бўлажак қудаларимиз кимлигини билишимиз мумкинми?

– Ада, бир чеккадан айтяпман-ку? Зумраднинг адаси Йўлдош Сайдович математика институтида ишлайдилар.

– Тушунарли, қўринишидан катта олимга ўхшовди. Адашмасам, ундан дарс ҳам олиб тургансан?

– Ҳа... шунақа бўлган.

– Демак, бўлажак қудалар маҳалламизга келиб бизларни суриштиришмайди, тушундингми, аяси, бу томондан кўнглинг тўқ бўлаверсин. Қани, давом эт-чи, онаси ҳам катта олимадир?

– Йўқ, мактабда ўқитувчилар. Зумраднинг акаси аспирантурани битиряпти, укаси шарқшунослик факультетида ўқийди.

– Ана кўрдингми?! Сен кўп формуласаларни ечиб ташлайсан, лекин оила қуришнинг ҳам формуласи бор, шулардан биттаси: «Тенг – тенги билан». Шуни ечишга ақлим етмай қолди. Улар ўқимишли, доно одамлар, онанг икковимиз карра жадвални ҳам билмайдиган оми одамлармиз. Тенглик бўлиши мумкинми?

– Мумкин.

– Ишонч билан айтяпсанми?

– Ҳа, улар жуда камтарин оила. Ота-оналари дехқон ўтган, керилишни билишмайди, уйлари ҳам бизникига ўхшаган соддагина.

– Аяси, эшитдингми, уйлари соддагина экан, уй кўрага боришинг шарт эмас, дедим-ку. Хўп, қудаларимиз билан танишиб олгандек бўлдик. Энди асосий муддаога ўтчи? Ўқишингдан кейин уйда бир оз дам олволгин деган мақсадда боя идорадагиларга «Тўйга ҳаракатимиз бор», деб ёлғон гапирудим. Гапимга фаришталар «омийн» деб юборибди. Бугун ҳаракатни бошлаб, бир ой ичida тўй қилган оилаларни мен ҳали учратганим йўқ. Бадавлатлар бир ҳафтада ҳам ўтказиши мумкиндири. Лекин аҳволимиз ўзингга маълум. Аянгнинг сандигида сичқонлар югуриб юришгандир. Тўйни қандай ўтказамиз, ўйладингми?

– Ҳа. Жуда оддий, жуда камтарона ўтказамиз.

Юраги тошиб ўтирган она шу ерга келганда чидай олмади:

– Оддий, камтарона тўйинг қанақа бўларкан, тушунтиргин-чи?

- Ҳовлимизга ўттиз-қирқ кишилик жой қиласиз, энг яқин қариндошларни таклиф қиласиз.
- Тушундим, ўрисча тўй қилмоқчимисан?
- Нега ўрисча бўларкан, ўзингизнинг тўйингизга нечта одам келган?
- Сен у замонни эслама.
- Хўп эсламайман, лекин ҳамма шароитига, имкониятига қараб тўй қилиши керак.
- Орзу-ҳавас-чи? Мен маҳаллада шарманда бўлиб ўтиравераманми?
- Шарманда бўлмайсан, тўй – орзу-ҳавасга етиш эмас, орзу-ҳавасга етиш тўйдан кейин бошланади. Болаларинг ахил-иноқ яшашса, келининг қизинг ўрнини босса, уйинг набираларга тўлса, орзу-ҳавасга етганинг бўлади. Бир соатда тарақ-туруқ қилиб ўтадиган тўйнинг нимаси орзу-ҳавас? Тўйдан мақсад, никоҳдан атрофдаги яқинларни огоҳ қилиб қўйиш. Никоҳ – икки ёшнинг Аллоҳ ҳузуридаги қасамёди, аҳду паймони. Оиланинг асоси шу икки нарса, бошқалари кераксиз томоша. Дабдабали тўй қилганингда ҳам бирор сенга қойил қолмайди. Маҳаллангдаги хотинлар барибир ғийбат қилишади. Шунга катта пул сарф қилмай, хотинларингнинг миш-мишларини, ғийбатларини арzonга сотиб олганинг яхши эмасми?
- Хўп, мен сизга ҳеч қачон қарши чиқмаганман, кичкинагина тўй қилайлик, қуда томон-чи? Тўй юбориш қанақа бўлади? Сарпо-суруқлар...
- Аянгни тинчлантири, бу ёғини ҳам пишитгандирсан?
- Улар ҳам шунақа... кичкина тўй қилишмоқчи... тўй юбориш... сарполар керак эмас.
- Вой тавба, вой тавба! Булар қанақа одамлар? Ҳали совчи бормай туриб, тўйнинг маслаҳатини пишитиб олишса-я! Бира тўла чарлари, чақирди, бешик тўйлари-нинг ҳам маслаҳатини қилишганмикин? Сенга айтишмадими? Адаси, «Совчиликка бормайсан», деб шаштимни қайтардингиз-а? Ўзингизнинг ҳам боришингиз шарт бўл-

май қолибди! Бориб нимани гаплашасиз?

– Сен хотиржам ўтиравер, иккита эркакнинг тил топишиши осонроқ.

– Ая, икки йилда у ёқдаги ишимиз анча илгарилаб қолган бўлади. Икки йил катта тўйга тайёргарлик кўрасиз, Абдувориснинг тўйида биз ҳам келин-куёв бўлиб ўтирамиз, мен шунаقا орзу-ҳавас қиляпман.

Анҳор бўйидаги «маслаҳат оши» шу тарзда ниҳоясига етиб, ота ва ўғилнинг ҳамфирлиги онанинг инжикликларидан устун келди.

Икки ҳафтадан сўнг ширингина тўй бўлиб ўтди. Ҳовлига гулхан ёқилиб, «Куёв тўрага кўз тегмасин», деган иримда етти марта айлантиришди. Сўнг куёв тўрага қалин кўрпача тўшашди, чордана қуриб олгач, икки тиззасига икки ширин гўдакни ўтқазиб қўйиб, «Ували-жўвали бўлинглар!» – деб дуо қилишди. Келиннинг боши узра палак тортган аёллар ёр-ёр айтиб кирганларида, айниқса, келин дарвоза остонасини ҳатлаб, ҳовлига кираверишда уч марта эгилиб салом қилганида онанинг кўзларидан қувонч ёшлари оқди. Барча ташвишлари ариб, кўнгли ёришиб кетди. Қудалари ҳам ёқди, келининга-ку боқиб-боқиб тўймади. Ёшлар магнитофон қўйиб, роҳатланиб, ўйнашди-кулишди. Сўнг янги уйга чимилдиқ тутиб, тортишмачоқ қилишди.

Эрталаб эса келинсалом маросими бўлди. «Суюкли қайнонасига сало-ом!» – дейилганида она узоқ йиллар авайлаб сақлагани хитойнинг чинни косаларини совға қилиб, кўнгли янада равшанлашди.

Тўйда биргина кўнгилхиралик бўлди: товохонада бир тутундаги нарсаларни иккинчи тутунга олиш жараёни бошланганда Бахтигулнинг тоғорасидаги ширин кулчалар устига ташланган қофозга ўроғлик матони кўрибоқ «Вой тавба», деди-да уни четга олиб қўйди. Товоношининг «Ўрнига нима қўямиз?» деган саволига «Хеч нима, кейинги ойда тўй қиляпти, ўзига қайтараман», деди ўжарлик билан.

Қайнонанинг қалбидан жой олиши учун Зумрадга ўн кун кифоя қилди. «Аяжон, адажон» деб ширин муюмала қилувчи, кўзлари ҳамиша кулиб турувчи, чаққонгина, озодагина келинни қайси қайнона орзу қилмайди? Фақат... бу шодлик кунлари ўн кунгина давом этди. Сўнг... ўғил билан келин она қалбини иккига бўлиб, ўзлари билан олиб кетгандай бўлишди. Уларни кузатиб уйга қайтишгач, хонадон бекаси тумтайиб олди. Овқат егиси келмай, эридан гап ҳам эшитиб олди. Уч кундан сўнг ўғлидан хат олгач, бағрини сиқаётган қора булут тарқагандай бўлди. Ўғли яхши етиб келиб, яхши жойлашиб, хизматни яхши бошлаганларини қисқа тарзда баён қилган эди. Қоғознинг бўш қолган қисмига ёзилган: «Аяжоним, сизни жудаям соғиндим. Бундан буён ҳар куни меҳр тўла кўксингизга бош қўйишни орзу қилиб яшайман ва бу орзуга етишимга ишонаман. Сизни жонидан ҳам ортиқ севувчи қизингиз Зумрад. Р.С: Аяжоним, сиз кўпам сиқилманг, Москва тасаввурингизда узоқ туюлса ҳам, аслида тўрт соатлик йўл. Ишларимиз юришиб кетгач, шанба, якшанба кунлари бориб туришимиз ҳам мумкин экан. Унгача адажоним билан келиб, Москвани томоша қилиб кетасизлар», деган сатрларни ўқиб ҳўнграб йиғлаб юборди. Абдукарим унинг қўлидан хатни олиб ўқигач, бoshини сарак-сарак қилди-ю, аммо хотинига танбеҳ бермади. Якшанба куни телефонда гаплашишга чақирув қоғози келди. Эр-хотин биргалашиб Марказий телеграфга боришиди. Телефон Москва билан улангач, ота-ўғилнинг гаплари учун икки дақиқа кифоя бўлди, қайнона келинга эса ўн уч дақиқа ҳам камлик қилди. Шундан сўнг ҳафтада икки марта хат келиб турди. Она келинининг ёзганларига ишониб, ҳар шанба-якшанба уларнинг эшикдан қувониб кириб келишларини кутди. Мактубдаги гап овунтириш учун ёзилганини, аслида келинининг хомхаёли эканини ўйлаб ҳам кўрмади.

Деворнинг чап томони:

– Вой адаси, сиз нақ Ҳизрнинг ўзи экансиз, Ана уй-у,

мана уй! Мен умрим бино бўлиб бунақасини кўрмаганман.
Нақ ўзимизга мос қудалар экан!

Совчиликдан қайтган Бахтигул таассуротларини шундай эҳтирос билан бошлади. Кенгуйни эгаллаб турган Эроннинг ипак гилами билан шипда осиглиқ чехия қандили орасида нимаики бўлса, ҳаммаси бир-бир мақталди. Хотининг қувончига шерик бўлган эр:

– Борий акамлар таги пастлар билан қуда бўлмайдилар. «Тенг-тенги билан» деб бекорга айтишмаган, – деб керилиб қўйди.

– Шунаقا дейсиз-у... лекин кеннойи аниқ жавоб бермадилар. Аввалига «Қизимиз ёш», дедилар. Кейин «Бу йил тўй қилолмасак керак, ҳаракатимиз йўкроқ», дедилар.

– Қизи борлар кўнглида жон-жон деб турса ҳам, шунаقا ноз қилишини билмасмидинг. У ёқдан нималарни кўтариб келдинг?

– Бир ажойиб совғалар бердилар.

– Шунинг ўзи «Розимиз, сиздан ўтадиган қудани қаёқдан топамиз», дегани.

– «Яна бир келарсизлар, адаси билан маслаҳатлашиб қўямиз», дедилар, қачон борай?

– Бормайсан! Борий акам билан маслаҳатни пишишиб қўйганмиз. Тўйнинг куни ҳам, жойи ҳам келишилган. Тўйни «Гулистан» ресторанида қиласиз. Сен тайёргарлингни бошла. Жума куни фотиха тўйи юборамиз.

– Болани туқсан, боқсан она бу ёқда лақиллаб юриб, маслаҳатни ўзингиз пиширдингизми? – деди хотин аразлаган оҳангда.

– Хотинларнинг иши ланж бўлади. Сенинг вазифанг – айтганларимни бажариш. Сен топганингни тўкавер, дўстдушманнинг оғзи очилиб қолсин. Ўғлинг қани?

– Кетаётганимда уйда эди. Ухлаб ётгандир.

– Қизни кўрдингми?

– Уйда йўқ экан.

– Ҳозир ўғлинг қиз билан ресторанда ўтириб, танишяпти.

– Вой савил, шуни ҳам мендан яширдингизми? Қайси ресторанда ўтирибди, айтинг, бориб кўриб келаман.

– Жинни бўлма, сандифингни очиб, сарпога нима етиш маслигини рўйхат қилиб қўй. Борий акам иккита шогирдларини эртага Масковга жўнатяптилар, бизга керакли нарсаларни ҳам олиб келади. Сарподаги рўмолчадан пайпоқча қадар ҳаммаси импортний бўлиши керак, шу эсингдан чиқмасин.

– Ишини ланж қиласидиган хотинингиз рўйхатни аллақачон тайёрлаб қўйган, чўнтакни кавласангиз бўлгани. Масковга ўзим бориб келганим яхшироқ эмасми?

– Бориб магазинма-магазин изғийсанми? Борий акамнинг шогирдлари «Посилторг»нинг базасига кириб, бир соатда савдони пишириб чиқишиади. Аслида улар биз учун боришади. Кеннойи билан Элянора ўтган ҳафта бориб келишган.

– Қизнинг оти ғалати-я, ҳеч тилим келишмаяпти. Тўйдан кейин «Норгул» деб қўя қолсам-чи?

– Буни Борий акамдан сўраб кўриш керак. Ўзингча лақиллайверма.

Маҳкамбой гап орасида «нодон хотиним шунаقا қилмоқчи», деб қўйиб, Борий акасининг қаҳрли қарашига учради. Акахонининг ғазабланиши сабабини билишга қизиқмади: «Норгул» дейиш мумкинмасми, демак, мумкин эмас, бошқа гап йўқ! Борий акасининг қизи шаҳарга кўчиб келишмасидан илгари туғилган эди. Доя кампир чақалоқни чўмилтира туриб: «Қизингиз ўз исми билан туғилди, чап курагида тоjisи бор, «Норхол» бўла қолсин», деди. Шу исм ҳаммага маъқул бўлди. Шаҳарга кўчиб келиб, тўртинчи синфни битиргунича қиз «Норхол» бўлиб юраверди. Русийзабон синфда ўқигани учун дугоналари калака қила бошлашгач, «Элеонора» деб ўзгартиришди. Дугоналарини янги исмга ўргатиш учун уларни ярим йил давомида шоколадлар билан сийлаб туришига тўғри келди. Ўшандан бери кимда ким Элеоноранинг эски исми-

ни тилга олар бўлса, ғазабга учрайдиган бўлган. Яхшики, Маҳкамбой ақллилик қилиб акахонидан сўраб олди. Бахтигул нодонлигига бориб, тўйдан кейин келинини «Норгул» деб чақиргудай бўлса, икки бетида келиннинг тирноқ излари қолиши эҳтимоли бор эди.

Тўй куни товонхона учун икки хона ажратилди. Каттароғидан ҳурматли оиласардан келган катта ва жуфтжуфт тоғоралар жой олди. Кичиги қўшнилар, камбағалроқ қариндошларнинг тоғораларига ажратилди. Товонхонага ишончли одам – опасини қўйган бўлса-да, бот-бот хабар олиб туришдан тийила олмади. Кичик товонхонага қарамаётган эди, ён қўшни чиқарган тугунни кўриб, ичкари кирди, тугунни ўзи очди-ю ўша таниш қофоз, таниш матони кўриб, «Уҳ, ғаламис!» деб ғазабдан тишларигача ғижирлаб кетди, «Таги паст»дан бошлаб, бир сидра қарғагач, кўнгли сал ҳаловат топиб, матони узокроқ қариндошининг тоғорасига ташлади. Узоқ йиллар сарсон бўлиб, қофоз ичди оҳори тўкила бошлаган мато шу тарзда ўз эгасини топди.

Шундай тўй қилдилар-ки, майхўрлар бурунларидан булоқ бўлгунча ичишди, очкўзлар бўккунча ейишли. Ресторан хизматчиларининг ҳам халталари тўлиб, қолган таомлару нонлардан бўрдоқига боқилаётган чўчқалар ҳам икки кун давомида баҳраманд бўлишиди. Қаторлашиб келган ашулачиларнинг аллақанчасига гал етмаса ҳам, чўнтаклари пул кўриб, рози бўлиб кетишли. Ўртага чиқиб бир жуфтдан кўпроқ ашула айтган ҳамкасларини икки ҳафтага қадар сўкиб юришиди.

Ресторандаги майшат тун яримлаганда охирига етгач, тўйни бошқараётган довруқли артист: «Энди келин-куёвларга рухсат берамиз, бошқалар учун базм тонготар давом этади», -деб, дуо қилиш учун ўртага куёвнинг отасини чорлади. Конъякнинг зўридан кўзлари қизариб кетган, гандиреклаётган отани ҳали гандиреклаш даражасига етмаган ошнаси етаклаб чиқди. Довруқли артист унга микрофонни

тутди. Нима учун ўртага чиққанини тушунмаган ота микрофонни чанглаб чайқалиб тураверди. Довруқли артист «Акахон, дуо қилинг», деб эслатгач, бир йўталиб олди-да, баланд овозда:

– Ўртоқлар, бугунги хурсандчилигимизнинг сабабчиси Борийхон акамизнинг соғликлари учун ичамиз! Борийхон акамиз мингта кирсинлар! – деди.

Келин-куёвга қўшилиб, ҳар икки томоннинг яқин қариндошлари уйга қайтишди. Уларга уч-тўрт ашулачи эргашди. Ҳовлига, уйга камида юз кишилик жой қилиб, дастурхон устини неъматларга тўлдириб ташлашган эди. Куёв-келинни ётоқхонага кузатиб қўйишгач, хотинларнинг чарчаганлари ётишди, дадилроқлари: «Бунаقا тўйга етган етади, етмаган – йўқ. Бунақаси ҳар куни бўлармиди», деб зиёфатни давом эттиришди.

Лекин...

Ҳовлига гулхан ёқилмади... «Куёв тўрага кўз тегмасин», деган иримда етти марта айлантиришмади... Куёв тўрага қалин кўрпача ҳам тўшашмади, чордана қуриб ўтирмади, икки тиззасига икки ширин гўдакни ўтқазиб қўйишмади, «Ували-жували бўлинглар!» – деб дуо ҳам қилишмади. Келиннинг боши узра палак тортилмади, аёллар ёр-ёр айтиб кирмадилар, келин дарвоза остонасини ҳатлаб, ҳовлига кираверишда уч марта эгилиб салом қилмади – кўёвни қўлтиқлаганича гердайиб юриб ўтди. Чимилдиқ тутилмади, тортишмачоқ қилинмади.

Эрталаб келинсалом маросимида: «Хурматли қайно-таларига сало-ом!» – дейилганида хонадон сохиби болохонада фирт масти ётарди. Сув сепиб ҳам ўзига келтира олишмагач, унинг икки амакиваччаси келинга аталган гиламни аранг кўтариб келиб, зинага қўйдилар.

Қайнота пешиндан кейин ўзига келгандай бўлди, лекин ҳеч нарсани идрок қила олмади, боши ёрилиб кетмаслиги учун бир пиёла конъякни ичиб олиб, яна уйқуга кетди.

Мехмонлар тарқаб, келин томондан икки янга қолди. Қоронғи түшганды чойхонадаги зиёфатда ширакайф бўлиб олган куёвни икки ошнаси икки қўлтиғидан олиб бошлаб келишди. Ўғлининг аҳволини кўрган она «Ичкилик ҳам ўлсин-а, бугун ичмагин, деб неччи марта айтдим», деганича қарши олди. Мехри жўшиб кетган ўғил: «Ҳаммаси зўр, мамуль, ҳаммаси зўр!» – деб уни қучоқлаб, бетларидан чўлпчўлп ўпгач, ётоқхонага кузатиб қўйиши. Янгалар бир-бirlарига ажабланиб қараганларича индамай ўтиравериши.

Бир соатлардан кейин хотин болохонага чиқиб, эрининг ёқасини чангллаганича силтаб-силтаб уйғота бошлади. «Ота бўлмай қурибгина кетинг!» – деб бетига бир шапалоқ ҳам туширди. Эр қаддини кўтариб, юзига сачратилган муздек сув томчиларидан сесканиб олди. Хотин яна силталаётган эди, «Ҳаддингдан ошма!», деб уни итариб юборди.

– Ўзингизнинг тўйингизда шунчалик ҳам ичасизми? – деди хотин ғазаб билан.

– Борий акахонимнинг соғлиғи учун ичишга ҳаққим йўқми?

– Борий акахонингизни ҳам ер ютсин, туринг, шарманда бўлдик.

– Унақа дема, аҳмоқ, тилингни суғуриб оламан!

Ғазабини боса олмаётган хотин пиёлада қолган сувни эрининг юзига сочди. Эр бир сесканиб, хотинни уришга шайланиб кўл кўтарган эди, мувозанатни сақлай олмай, ёнбошга эгилди. Хотин яна унинг ёқасини чангллаб, бир қоп гўнг ҳолига тушган гавдани ростлаб қўйди.

– Туринг, шарманда бўлиб қолдик, деяпман сизга!

Бу сафар қулогига гап киргандай бўлиб, хотинига ажабланиб қаради:

– Нега шанғийсан, нега шарманда бўласан? – деди ғўлдираб.

– Ўғлингиз келинни ҳайдаяти!

– Нима? Нимага ҳайдайди?!

– Нимага бўларди... – хотин фаросатини ишлатолмаёт-

ган эрига нафрат билан қараб, аламли «уфф» тортди: – келин қиз чиқмаганмиш!

– Нега... – эр шундан кейингина сергак тортиб, хотиннинг билагини маҳкам сиқди: – Нима деяётганингни биляпсанми?

– Мен биляпман, ошқовоқ каллангиз тушунмаяпти.

– Ўғлинг... балки адашгандир?

– Шу адашадиган нарсами?

– Шангима, дедим. Бу гапнинг иси чиқмасин. Борий акамнинг қулокларига етиб борса, уйимиз куйди, деявер. Ими-жимида тинчтиш керак.

– Қанақасига тинчтасиз, ўғлингиз бақириб ётиби, келинни урибди.

– Ўғлинг билан гаплашмадингми?

– Мен нима дейман? Ўғил билан ота гаплашиши керак.

Хотиннинг амри вожиб бўлмаса-да, эр бу сафар унга итоат этди. Ўғлини болохонага чақиртириди.

– Менга бунақа хотин керакмас, – деди ўғил кўзларини чақчайтириб.

– Аҳволингни тушуниб турибман, шошилма, ҳозирча ҳайдама, кўнишиб тур. Бир йилдан кейин онаси ўпмаган қизга уйлантириб қўяман. Сенга бунақа хотин, менга бунақа келин керакмас. Сенга унинг уйи билан отасининг мулки керак. Мулк қўлга киргунча ўзингни меровликка солиб бўлса ҳам чида, иккинчи хотиннинг билан яширинча майшат қилиб юравер. Мулк чангалингга ўтганидан кейин яхшилаб бир тепасан, вассалом! Иккинчи хотиннинг жонингга тегса, уни ҳам янгилаб оласан. Беш минут вақтинг бор, ўйлаб кўр.

Ўйлаб кўриб, рози бўлиш учун бир дақиқа вақт кифоя қилди. Ўғил хонтахта устида турган конъяқдан яrim пиёла қўйиб бир симирди-да, лабини кафти билан артди:

– Бўпти. Лекин бир йилдан кейин гапингизга отвечат қиласиз.

Ўғил шундай деб турмоқчи эди, ота уни жойига қайтариб,

икки пиёлага коңыяқ қуиди. Түлдирилганини ўзига олди, камроғини ўғлига узатиб, «Хаммаси яхши бўлиб кетиши учун» кўтаришди. Ўғил ётогига кириб кетди, она «Хаммаси жойида. Ўғлим адашибди, эрталаб қовурдоқ юбораверишин», деб янгаларни тинчтди. Ота эса жойига ётиб, кучли хуррак жўрлигидаги уйкусини давом эттирди.

Тошкент томонларда куёв биринчи тонг чоғи ётоқдан уялинқираб чиқаётганда янгалар унинг саломига алик олишгач, «Хурсандмисиз, куёв тўра?» – деб сўраб қўйишади. Куёв «Ҳа», деб чиққач, хобгоҳга кириб, ўрин-кўрпани йиғиширган бўлишади. Тўй эгасининг ҳиммати, чўнтағининг аҳволига қараб икки ёстиқ остига янгаларга атаб бешён сўм пул қўйилган бўлади.

Бу уйдаги янгалар тунги машмашалардан кейин ухлашмади. Гарчи «Куёв адашибди», дейилган бўлса-да, кўнгиллари тинчимади. «Яна бақир-чақир бошланиб қолмасмикин?» деган ҳадикда хобгоҳ эшигига қараб ётаверишди. Тонготарда ювиниб олиб, куёвнинг чиқишини кутишди. Кун ёйила бошлагандан ҳам ичкарида ҳаракат сезилмагач, эшикни аста тақиллатишди. Кечқурунги ғалвада ясама киприклари тушиб, соchlари пахмайиб кетган келин эшикни очиб, уларга «Нима керак?» деган маънода ажабланиб қаради. Янгалар нима дейишни билмай, бир оз унга тикилиб қолишли.

– Куёв нима қиляпти? – деб сўради келиннинг кичик холаси. Бу савол Элеонорага ғалати туюлиб, елкасини қисди:

– Нима қиларди, ухлаяпти.

– Таомилга кўра, биз ўрин-кўрпани йиғиб, кейин адангизга хушхабар юборишимиш керак, – деди амакисининг хотини.

– Биламан, киравермайсизларми? – Элеонора шундай деб эшикни каттароқ очди.

Янгалар кира солиб, каравотга қарашибди. Куёвнинг жойида эмас, диванда ётганини кўриб, ортиқча савол бермай, ўринни тузатган бўлишди. Ҳар бир ёстиқ остида

банкнинг белгили қоғоз белбоғи ечишмаган, таҳи бузилмаган ўн сўмлик тўпламини кўриб, куёвнинг чиндан ҳам адашганига астойдил ишониб, Борий акаларига хушхабар юборишди. Янгаларнинг сўнгти вазифалари бажарилмай қолди. Ўринни тузатишгач, келинни сипороқ кийинтириб, меҳмонхонага олиб чиқишилари, оила аъзоларига бир-бир салом қилдиришлари, сўнг келин чой дамлаб, барчага таъзим билан пиёла тутиши керак эди. Енгил нонуштадан кейин янгалар «Келин яна бир марта муборак бўлсин», деган табрик сўзларини айтиб, билганлари дуо қилиб қайтишлари лозим эди. Кичик хола жиянига «Сочингни тараб, бошингга рўмол ташлаб ол», деб вазифасини тушунтирганда келин афтини буриштириди:

— Шарт эмас, мен ужасно чарчаганман, бир пас ухлаб, кейин чиқаман. Мени биринчи кундан рабыняга айлантириб бермай, сизлар уйларингга кетаверинглар.

Уч соатдан сўнг тунда вазифасини қойилмақом қилиб уddaлаган куёв тўрани яхшилаб тўйдириш учун «Қовурдок» деб аталмиш тоғоралар карвони етиб келди. Қовурилган қўй гўшти, каклик гўшти, ғул-ғул гўшти, димланган бедана гўшти, хилма-хил кабоб, тепасига қази босилган норин билан маҳаллани икки кун зиёфат қилиш мумкин эди.

Шубҳасизки, куёв бола ўзига аталган бу таомларни еб тутатишга улгурмади. Икки кундан кейин келин ва куёв европаликларга хос одатга амал қилиб, «Асал ойи»да чина-камига ҳузурланмоқ учун Қора денгиз бўйидаги курортга жўнаб кетишиди. Бир ой дам олишгач, сайёҳлар кемасига ўтириб, Ўрта Ер денгизи соҳилидаги мамлакатларни ҳам томоша қилишиди. Уч ой дегандан Тошкентга қайтиб, ўғил ота уйига эмас, балки отасининг валинеъмати хонадонига ичкуёв мартабасида кириб борди.

Тўйдан сўнг етти ой ўтмай, Борийхон набирасига бешик тўйи қилди. Шундай тўйки, исроф қилинган неъматларга уч-тўрт камбағал дабдабали тўй қила олиши мумкин эди.

Деворнинг ўнг томони:

Тўйдан уч ой ўтар-ўтмас почтачи гўдакнинг кафтидек келадиган пулқоғозни дарвозахонага ташлаб кетибди. Бу хонадонга хат, газет ёки журнал келмаганилиги сабабли эшик ташқарисига почта қутиси қоқилмаган эди. Ҳалима қоғозни олиб, қайта-қайта ўқиса ҳам, нималигига тушунмади. Ёзувни таниди: ўғлинники, лекин русчалаб нималарни ёзганини англамай, уйда китоб ўқиб ўтирган эрига яқинлашиб, қоғозни узатди. Хонадон соҳиби пулқоғозга назар ташлади-ю, бош чайқаб қўйди.

- Нима экан? – деди хотини хавотир билан.
- Ўғлинг юз сўм юборибди, почтага чиқиб олиш керак экан.

– Вой меҳрибонимдан айланай...

– Пул деса дарров ийиб кетасан-а? Нодон ўғлингга «Пул юбора кўрма!» деб тайинлаган эдим. Мусофириликда яаш осон эмас, топганларини ўзларига ишлатишсин. Менинг гапимни олмабди, сен хат ёз, пул юбормасин.

Хотин умрида хат ёзмагани сабабли эрига нажот кўзи билан қараб қолди. Бу қарашнинг маъносини англаган эр гапларни айтиб турди, хотин ёзди. Ўғил жавоб мактубида бу мазмундаги хатни олган-олмагани ҳақида лом-мим демабди. Абдукарим ўн кундан кейин почтачи ташлаб кетган қоғоз билан почтага чиқиб, оқ мато қопланган қутини кўтариб кирди. Қопқоқ очилиши билан уйни мандарин, лимон, апельсин ҳиди тутди. Пахта гулли лаганча ширинликлар билан тўлди. Хотин «Яна хат ёзамизми?» деган маънода қараган эди, эр унга эътибор бермай, «Бисмиллахир Роҳманир Роҳийм, етказганингга шукр, қани олинглар», деди-да, битта мандариннинг пўстини арчиб, кенжатойига узатди. Кутимаган меҳмондорчиликдан ҳамманинг кўнгли шод бўлди. Оила соҳиби мусофириликдаги ўғли ва келини ҳақига дуо қилди, бошқалар қўл очиб, «Омийн», деб туришди.

Орадан ўн кун ўтгач, яна пулқоғоз келди. Қоғоз ташланғандан кейин шивалаган ёмғир остида қолиб, хүл бўлибди. Шундан сўнг Абдукарим тунукадан ишланган почта кутиси сотиб олиб, эшикка қоқди. Болалар кесак-тош ташлаб қитмирилик қиласверишгандан сўнг, эшиқдан хат сиғадиган тирқиши очиб, қутини ичкари томонга ўрнатди.

Деворнинг чап томони:

– Чилонзордаги тўйни эшитдингизми? – деди хотин ваҳима оҳангидা.

Эрнинг боши оғриб турган эди, шу сабабли хотинининг гапи ёқмай, энсаси қотган ҳолда жавоб берди:

– Нима бўпти, куёв қочиб кетибдими?

– Ундан баттар бўпти! Ҳамма ресторанга кетган экан...

– Тўйдан қайтишса-ки, ўғрилар уйни шип-шийдам қилиб кетишибди. Битта эски калиш ҳам қолдиришмабди.

– Вой, билар экансиз-ку? – деди Бахтигул лабини буриб,

– Доим мени калака қиласиз.

– Сенам ўйлаб гапиргин-да, танишимнинг уйини ўғри уриб кетади-ку, мен билмайманми?

– Қайси танишингиз?

– Сен танимайсан, баҳилликда тенги йўқ, тупурган ту-пуғини ялаб олишдан қайтмайдиган номард одам. Бегона қилмаган бу ишни, кимдир ундан ўчини олган.

– Шунаقا бўлишини кўнглим сезгани учун тўй куни жиянларингизни уйда қолдириб кетган эдим. Сиз буни бошқача тушуниб, менга жаҳл қилдингиз.

– Ҳа, сен девор бўлмаса кўчани кўрадиган сезгир хотинсан.

– Пичинг қилманг, ҳозир ўғрилар кўпайганмиш, кўчага чиқишига ҳам қўрқаман. Кундузи уйда ҳеч ким қолмаяпти.

– Қўрқсанг, уйда қимирламай ўтири.

– Мен уйга қамаб қўядиган чўрингизманми?! Омина-хонлар катта ит боқишаётганмиш. Балки...

– Ҳе, эси йўқ, ўғрилар итдан кўрқишараканми? Жазоси

битта ўқ-да! Сотовлди акам ақлли иш қилдилар: десантда хизмат қилған түрттә йигитни қоровулликка олибдилар. Күчага ихчамгина қоровулхона қуриб берибдилар. Менам шундай қилсаммикин, деб ўйлаб турибман.

— Вой, жуда яхши ўйлабсиз. Бугуноқ топинг десантларингизни. Кейин тайинлаб қўйинг: биринчи галда гадойвачча қўшниларингиз томондан кўз узишмасин. Дарвозалари паст, ўғри бир сакраб ўтиб кетади. Нарсаларимиз турган пайтда ҳаловатим бўлмаган, кечаси икки-уч марта туриб қаардим, сиз билмагансиз.

— Мен қараганимни сенам билмагансан. Бу ёғига пишиқ бўламиз, қўшнига чиқиб айтаман, дарвозасини янгиласин.

— Ҳа, айтинг, ўлар жойда эмас-ку, ўғли ҳар ҳафта юз сўмдан юбораётганмиш.

— Сен қаердан биласан?

— Почтадаги гап маҳаллага ёйилмайдими?

Деворнинг ўнг томони:

Остона ҳатлаб дарвозахонага ўтган Маҳкамбой эшикдаги почта қутисига қараб:

— Зўр-ку? — деб қўйди.

Мехмонни кутиб олиш учун шошилиб келаётган Абдукарим «Ҳа, энди...» деб кулимсираб қўйиш билан чекланди.

Мехмон уйга киришга унамади, ҳовлига ўғринча назар ташлаб олгач, қўшнисига қаради:

— Ўғил, келин у ёқда яхши юришибдими, эшитдим, ўғил ҳар ҳафта пул юбораётган экан. «Ўқишига кетишди», девдингиз, стипендияси шунаقا кўп эканми?

Бу саволни эшитиб, хонадон сохиби довдираб қолди. Ўғлининг пул юбораётгани маҳаллада гап-сўз бўлишини, айниқса, икки марта олинган пул ҳафтада келадиган бойликка айланганини ўйлаб ҳам кўрмаганди. Қитмир савол берган қўшни нигоҳини қадаб турган эди, нозик идора ходимлари ўргатган гапни эслаб, ёлғон сўзлашга мажбур бўлди:

— Кундузи заводда ишлаб, кечки пайт ўқишаپти.

— Қайси заводда?

— Келиннинг тоғаваччаси холодильник заводининг катталаридан экан, яхши иш берибди. Қайси цехда ишлашини ҳам айтайми ё шу етарлими?

Кейинги гапни қошларини чимирган ҳолда айтди. Буни сезган құшни үзини оқламоқчи бўлди:

— Ўғлингиз кўзимизнинг олдида ўсди, топармон-тутармон бўлган бўлса, биз ҳам сизга қўшилиб қувонамизда, шунинг учун сўрадим. Пул юбораётган бўлса, уйга ҳам қаранг энди. Ана, хат ташлайдиган қути осиб қўйибсиз, биринчи галда сал баландроқ қилиб янги дарвоза ўрнатинг.

— Бизга шуниси ҳам яраб турибди.

— Қўйинг-е, шу ҳам дарвозами? Ўғри бир сакраб ошиб ўтади.

— Ўғри бир сакраса, бизнига тушади, сиз нега ташвишланяпсиз?

— Сизнига тушса... ахир биз ён қўшнимиз-ку?

— Дарвозамидан бир сакрашда ўтган ўғри, деворингиздан ўн сакрашда ҳам ўтолмайди, ташвишланманг. Ундан ташқари, қўшнижон, девордан сакрайдиган, том тешадиган ўғрилар ўтмишда қолиб кетган. Ҳозиргиларининг зеҳни баланд. Энг пухта дарвозанинг энг зўр қулфини битта сим билан очиб кирадиган бўлишган.

— Дарвозадан-ку кирав, лекин қочадиган бўлса, сизники орқали қочиш осон.

— Худо сақласин, нафасингизни иссиқ қилинг, қўшнижон, топган-тутганингиз үзингизга буюрсин. Лекин... мабодо ўғри сизнига кириб, қочадиган пайтда томингиздан бизнига сакраса, мен чой-пой бериб чалғитиб турман, кўча томондан кирасиз-у таппа ушлайсиз.

— Мен бўладиган гапни гапирсам, майнавозчилик қиласиз-а!

Қўшни яна нимадир деб гудранди-да, хайрлашмай чиқиб кетди.

Бу гапларни сал нарида эшитиб турган Ҳалима қўшни

чиқиб кетгач, эрига яқинлашиб, танбек берди:

– Яхши иш қилмадингиз, мол қайғусида жони ҳалак одамни калака қилишингиз Худога ёқмайди, унинг жигига тегмай, «Хўп», деб қўя қолганингиз маъкул эмасми?

Абдукарим бир оз ўйланиб тургач, қўл силтади:

– Тўғри, яхши иш қилмадим, Худо кечирсин, лекин булар билан баъзан шунаقا муомала қилиб турмасанг, тупроққа қориштириб ташлашади. Гапларини эшитибсанга, пул келгани дарров овоза бўлиди. Бунақада ўғлингга гап тегиб қолиши мумкин.

Шундай деб уйга шошилиб кирди-да, одамларнинг гапсўзларини қисқа баён этиб, «Энди пул юборма», деб якунлади.

Бир ҳафтадан кейин нозик идорадаги сұхбат пайтида танишганлари Рубен Акопян келиб, Абдукаримни шаҳар марказидаги жамғарма ғазнасига олиб борди. Унинг номига дафтарча очириб, рақамларини ёзиб олгач:

– Ўғлингиз кичкинагина хатога йўл қўйибди, лекин бу хавотирли эмас, қайтага бизга дарс бўлди. Ўғлингиз маошидан орттирган пулни энди шу дафтарчага юборади. Пул керак бўлганда шу ердан олаверасиз. Фақат буни ҳеч ким, ҳатто опоқим ҳам билмасинлар, – деб ўз йўлига кетди.

Бу усул отага ёқди. «Юборган пулларини ишлатмайман, ийифилиб тураверсин, қайтганида ё машина ё уй олар», деган қарорга келди.

Деворнинг чап томони:

Борийхонга ичкуёв бўлган Жасур дунё саёҳатидан кейин шоду хуррам яшаётган бўлса-да, отаси ваъда қилган гўзал қизга уйланиш умидидан қайтмаган эди. Автомобил йўллари институтини билим эмас, отасининг чўнтаги эвазига битирган ичкуёв бирон таксонопаркнинг каттаси бўлиш орзусида юрганида, қайнотанинг хоҳиши билан гўшт комбинатининг колбаса цехига киритиб қўйилди. Бу ерда хизмат қиласидаганларнинг инсофлирофи оиласида истеъмол қилиш

учун бир-икки колбасани ўғирлаб чиқарди. Кўпчилик ишга келганида атайнин кенг қилиб тикилган кийими худди қозикқа илиб қўйилгандек ҳалпиллар, қайтар маҳалида эса энига ёпишиб турарди. Ишга келишда озғин кўрин-ганларнинг қайтишда анча тўлишиб, семириб қолганини қоровуллар сезмай ўтираверишарди. Комбинатдан юз қадамча нарида кийимларнинг тугмалари ечиларди, ба-данга худди овчининг ўқдони каби қатор терилган колба-салар олинниб, кутиб турган мижозларга сотиларди.

Иш бошлаган куниёқ ичкуёв шу иккинчи тоифа йўлини танлади. Юлдузни бенарвон урадиган одамнинг ўғли, кат-талар ҳам соясига салом берадиган довруқли амалдорнинг куёви белига колбаса боғлаётганини кўрганлар ажабла-нишди, кейин «Кўз тўймайди-да», деб кўя қолиши. Ич-куёвнинг бошқалардан фарқи – қоровулларга чўтал пули бермасди. Колбаса ўғирлашининг сабаби кўзнинг тўйма-ганлигидан эмас, қорадорига пул етказа олмаётганидан эди.

Фарзандининг ҳаётидан хурсанд Маҳкамбой бир куни ўғил пул сўраб келганида ажабланди. «Хотинимга совға олмоқчиман», дегани учун сўраганини берди. Орадан кўп ўтмай қайнотасига, сўнг қайнонасига совға олмоқчи бўлганда шубҳаланди. Ўғил колбаса цехида ишлай бош-лаганида пул сўраши камайгач, шубҳаси ноўрин эканига ўзи ишонди. Бир куни Бахтигулнинг жавҳар кўзли узуғи йўқолганида хаёлан кўпчиликдан гумон қилиб, анча одамни ўғирлиқда айблашди-ю, «Ўғлим олгандир», деган фикр хаёлларига келмади. Узук ўгриси топилмай туриб, бошла-рига кулфат тушди.

Ичкуёвни эрталаб ишга келганини ҳамма кўрган эди, пешинга яқин ғойиб бўлиб қолди. Иш вақти тутаган пайтда ҳам кўринмагач, ҳайрон бўлиб бир-бирларидан суриштир-ган бўлишди-ю, астойдил қидиришмади. Ичкуёв кечки овқат пайтида кўринмагач, она қизидан «Эринг қани? – деб сўраб, «Паразит эрталаб менинг нервимга теккан, аразлаб

отасиникига кетгандир», деган жавобдан қаноатланди. Ичкуёв эртасига эрталаб комбинатнинг тонна-тонналаб гўшт сақланадиган улкан музхонасидан топилди. Билак томирига санчилган игнани тортиб олишга ҳам улгурмай, кўзлари чақчайганича жони чиққан экан. Совуқда яшашга кўниккан каламушлар тўдаси жасаднинг кўз, қулоқ, бурнини еб, бўғзини кемираётган пайтда одамлар кирди-ю, зиёфатлари барҳам топди.

Майитни ўликхонадан олиб келишди-ю, юзини ҳеч кимга кўрсатмай, ғассолга топширишди. Ичкуёвнинг жанозаси ота уйида ўқилди. Қайнота ва қайнонаси, хотини кўринмади...

Деворнинг ўнг томони:

Иккинчи ўғил ўқишдан шодон кайфиятда қайтиб, онасини ўпди-да:

– Курс ишимга талабалар кўригига биринчи ўринни беришибди. «Абдушукров фанда янгилик яратиши мумкин», деб мақташибди, – деди.

Она бу хушхабардан қувонди, ўғлини қучиб, юз-кўзларидан ўпа кетди. Айни пайтда кўнглига ғулғула ҳам тушди. Кундузи ҳовлидаги юмуш билан овора бўлиб сезилмаган эди, кечга бориб ташвишни юрагига сифдира олмади. Унинг хафаҳол чехрасига қараган эр аввалига индамади, лекин хотин икки-уч марта уфф тортгач «Нима бўлди?» деб сўради.

– Абдуворис ҳам катта олим бўлармиш, устозлари айтибди, – деди она ҳазин оҳангда.

– Иншааллоҳ, сенинг яхши тарбиянгни олган бола олим бўлмай яна ким бўлсин?

– Шунаقا-ку... бунингизни ҳам Масковга олиб кетишса нима қиласман?

Бу гапни эшитган Абдукарим барадла кулиб юборди.

– Вой содда,вой нодон! Шунга тумтайиб юрувдингми? Хотиржам бўл, Абдуворисингни Масковга олишмайди.

- Сиз қаердан биласиз?
- Абдуворис тарихчи олим бўлади. Ҳарбийларга ракета учирадиган, танк ясайдиган олимлар керак. Улар тарихчи-ни нима қилади?
- Эрнинг ишонч билан айтган бу гаплари унинг қалбидаги ташвиш тутунини тарқатиб юборди.

Деворнинг чап томони:

Аллоҳ гуноҳкор бандасининг бошига бало булутини юбормасин экан. Юбордими, бугун ёмғир саваласа, эртага тошни ҳам тешиб юбора олувчи дўл ёғдиаркан. Хрушчёвнинг ёмғиридан қутилиб, дўл ёғилишини хаёлига ҳам келтирмай ялло қилиб юрганида тунда уйини милиция босди. Тинтуб қилишга берилган рухсатномани кўрсатиб, бир пасда ҳаммаёқнинг тит-питини чиқариб, қимматбаҳо нарсаларни машинага ортишди. Уй соҳибининг қўлига кишишан уриб, олиб кетишди.

Дарвоза ёнига қурилган қоровулхонада ўтирган икки собиқ десантчи оғзини очганича қолаверди.

Ҳамёнидаги тангаларгача қоқиб олинган уй бекаси додини кимга айтишни билмай соchlарини юлди. Тун бўйи фарёд қилиб чиқиб, тонгда қудасиникига нажот излаб борди. Дарвоза қўнғироғини икки-уч чалиб, анчагача кутди. Бир маҳал дарвоза ортидан аёлнинг «Ким?» деган овози эшитилди. «Менман, қудажон, менман», деди йифламсираб. Эшик очилмади, у томондан овоз ҳам берилмади. Яна қўнғироқ тугмасини босай деганда эшик қия очилиб, эркак куда кўринди. Тунд кўринишдаги куда «Нега келдингиз?» дейишга ҳам улгурмай, у «Укангизни олиб кетишди», деб хўнграб юборди.

- Қанақа ука, менинг ҳеч қанақа укам йўқ, – деди қуда қошларини чимириб.
- Вой, қудангиз, укангиз, – деди у довдираб.
- Қанақа куда, қанақа ука?! Укам йўқ, деяпман сизга, кудам ҳам йўқ. Сизни ҳам танимайман.

Шундай деб эшикни тарақлатиб ёпди. Совчиликка келганида ланг очиқ турган эшик энди очилмайдиган бўлиб маҳкам ёпилди.

Кечки пайт маҳалла раиси келиб:

– Қоровулхона қуришга ким рухсат берди? Шаҳар бедарвозами? Ким нима қургиси келса, қуриб кетаверадими?! Эртага айланиб келгунимча бу ҳужраларинг кўзимга кўринмасин! – деб пўписа қилиб кетди.

Хизматдан қайтаётган қўшни бу машмашани кўриб, уйига индамай кириб кета олмади. Раис билан кўришиб:

– Ҳозир бу хотиннинг кўнгли яримта бўлиб турибди, ўлганинг устига чиқиб тепмаслик керак, – деди.

Раис мақолнинг маъносини англамай, тутақиб кетди:

– Ким ўлган, ким тепган? Сиз ўз ишингизни билинг! Буларни деб менинг бошимда ёнғоқ чақишиади.

Нима дейишни, нима қиласини билмай довдираб қолган хотин қўшнининг раисга нимадир деяётганини кўриб, беихтиёр шу томон юрди. Раис хотин шаллақиликни бошлиб қолмасин, деган хавотирда хайрлашмаёқ жўнади. Жабрдийда хотин қўшнига яқинлашиб, йигламсираган ҳолда ҳасратини бошлаган эди, қўшни:

– Бошга тушганни кўз кўрар экан, Худодан астойдил сўрасангиз, ишларингизни ўнглайди, – деб овутган бўлди.

– Ҳалол пешона тери билан топганимизни қуритиб кетди, ер ютгуrlар.

– Ҳалол топган бўлсангиз, кўпам ташвишланманг, иншааллоҳ, ўзингизга қайтади, ўзингизга буюради.

– Анави жувонмаргнинг гапини эшитдингизми? Уйчани бузишимиз керакмиш, «Эртага айланиб келгунимча бу ҳужраларинг кўзимга кўринмасин!» – дейди. Ху, айланиб келгунингча кўзларинг тешилсин!

– Кўйинг, бирорга ёмонлик тиламанг. Берухсат қурилган бўлса...

– Корнинг тешилгурнинг ўзи рухсат берган. Уйча бит-

ганда «Қутлуғ бүлсін»га келдім, деб зиёфатимизни еб кетгандар. Чүнтагига йигирма беш сүм солиб қўйған эканлар. Майли, буздираман, олдин пулни қайтариб берсін.

– Пул берилганини ўзингиз кўрганмисиз?

– Йўқ, адаси айтганлар.

– Кўрмаган бўлсангиз, гумон билан даъво қилиб бўлмайди, раис «Зиёфат емаганман, пул олмаганман», деса кимга арз қиласиз?

– Унда нима қилишим керак? Ҳамма ёқни куритиб кетишган, мардикорга берадиган пулим йўқ.

– Сиз кўпам ташвишланманг, эртага бир гап бўлар...

Шундай деб уйга кириб кетди.

Деворнинг ўнг томони:

– Кўшнингга жабр бўлибди, сен тез-тез хабар олиб тур, – деди Абдукарим. Кейин уйга кирганда қўшиб қўйди: – Овқатинг пишган бўлса, бир коса чиқар. Кенжатой югуриб бориб новвойдан иккита иссиқ нон олиб келсин, таомнинг устига қўй.

– Мен-ку, чиқараман-а, макарон қовурган эдим, кабобу норинларга ўрганган хоним назарга илармикинлар?

– Сен қўшнилик бурчингни бажаравер, у ёғини Аллоҳнинг ўзига қўйиб бер.

Тонгда бомдодни ўқигач, одатини канда қилди: китоб ўқимай, ўғилларини ёнига олиб кўчага чиқди-да, хужрани бузишга киришди. Тўрт томони ойнаванд, девори бир ғишт энлигида терилган, юпқа сувоқли уйчани бузиш қийин бўлмади. Хонадон бекаси тургунига қадар ахлатни бир четга тўплаб, ғиштларни дарвоза ёнига тахлаб, тепасига эшик-деразалар, тахталар ва тунукаларни ташлаб қўйишиди. Тонгти тақир-тукурдан уйғониб кетган хонадон бекаси дераза орқали уларнинг ҳаракатларини кузатиб турган эди. Иш якунлангач, дарвозани очиб, худди тасодифга йўлиққандай қўшнига қараб қолди. Кейин хижолатсимон жилмайди:

– Вой, мен билмай қолибман, «Эртага бир гап бўлар» деганингизни «Эртага маслаҳатлашамиз», деб тушуниб фафлатда қолибман-а, уйга кириб чой ичволинглар.

– Бўладиган ишнинг барвақт бўлгани яхши. Ўғилча турганида буларни уйга ташиб қўяр, кўчада уюлиб турмасин.

– Сиз олақолинг шуларни, қурилиш қилсангиз ишларсиз.

– Яқин орада қурилиш қилмасак керак. Ҳовлида жой бўлмаса, ертўланинг бир четига тахлаб қўйсангиз, вақти келганда яна осонгина тиклаб олаверасиз.

Кейинги гап хотинга ёқди:

– Сизлардан биз фақат яхшилик кўрганмиз... Буларни кўпчилик бўлиб ҳозир ташиб қўя қолайлик.

Шундай илтимос бўлишини кутгани учун қўшни ортиқча ўйлаб ўтиrmай деди:

– Ҳозир кўпчилик эмасмиз. Сизга ғишт кўтаририш биз учун иснод. Кўпчилик бўлишимиз учун ўғлингизни уйғотсангиз кифоя.

– Вой, қанақа бўларкин, кечаси дарс тайёрлаб чарчаган эди.

– Дарс тайёрлашдаги чарchoқни уйқу эмас, эрталабки меҳнат кўтаради. Серуйқулик йигитни ғайратсиз қилиб қўяди. Олдин эътибор бермаган бўлсангиз ҳам, энди меҳнатга ўргатинг.

Уй бекасига насиҳат малол келса-да, бажаришга мажбур эди. Бу гаплар бир ҳафта олдин айтилганида «Менга ақл ўргатмай, ўғилларингизга ўргатинг», дейишдан қайтмаган бўларди. Ҳозир ҳам бўш келмади, ичкарига кириб ўғлини уйғотаётганда «Ўзингнинг болаларингни эпласанг-чи», деб минғирлашдан тийилмади.

Икки қўлини чўнтагига тиққанича оstonада пайдо бўлган пахмоқсоҳ ўғил қўшниларига норози нигоҳда қараб салом берди-да, йигитлар билан кўришмоқ учун ўнг қўлини чўнтагидан чиқариб, эснади.

– Бетни ювдингизми, йигитнинг гули, – деди қўшни, –

аввал бетни ювиб чиқинг, кейин кўришамиз.

Туғилганида катта умидлар билан «Қаҳрамон» исми берилган «Йигитнинг гули» афтини буриштириди, ўнг қўл яна чўнтақдаги жойини топди. Аста бурилиб изига қайтди. Анчагача қолиб кетди, бетини ювадиган жойни қидирдими ё сувни оқизиб қўйиб «Ўнг бетимнинг ўзини ювайми ё чап бетимними ё иккаласини баравар ювайми?» деган фалсафий саволга жавоб топмоқ учун ўйга толдими, кўчада кутаётганлар учун маълум эмасди. Йигитлар «Жойига кириб ётиб олди», деган хаёлга бориб, бетоқат равиша:

– Ада, сиз уйга кириб кетаверинг, ўзимиз бир пасда ташиб қўямиз, – дейишди.

– Йўқ, – деди ота ўжарлик билан, – бизнинг қул эмас, ҳашарчи эканимизни билиб олсин! Чиқади, кечгача бўлса ҳам кутамиз.

Бойвачча инсофли йигит эди, кечгача куттирмади. Ўн беш дақиқани ҳисобга олмаганда куттирмади, демоқ ҳам мумкиндир.

Ишни якунлаб, хонадон бекасидан миннатдорлик эшишиб, ортларидан бойваччанинг норози қараб, сўкиниб қўйганини билмай, дарвозаларига етган пайтларида катта кути кўтарган бир йигит яқинлашиб, салом берди-да:

– Буни Абдуолим бериб юбордилар, – деб кутини Абдуворисга узатди.

– Ие, сизни овора қилибди-да, – деди хонадон соҳиби, – Қани, уйга кирайлик.

– Бир жойга шошиб турувдим, кейинроқ бафуржга гаплашармиз.

– Абдуолим билан бирга ишлайсизларми?

– Йўқ, ўғлингизни танимайман. Кеча аэропортда турганимда «Аямга совға-салом бор эди, элтиб беролмайсизми?» – деб илтимос қилдилар. Битта дуо эвазига элтиб бераман, деб келавердим.

Ота йигитнинг исмини сўраб олгач, дуо қилди.

Хонадон бекаси кутини очиб, ичидагиларни кўргач:

– Буларни ҳойнаҳой Зумрадхон юборган, – деди.

– Қаердан била қолдинг?

– Қаранг, ҳаммаси келинсарпога мўлжаллаб олинган.

Абдуолимингизнинг бунаقا нарсалар олишга диidi йўқ.

– Доно келининг ичингдаги дардни сезади-да, кеча «Совчиликка юрмайсанми?» десам, «Қанақасига юраман, сандиғим бўм-бўш», девдинг. Сен бир оқила қизни топавер, қолганини Худо етказади.

Шу гап кифоя қилиб, уй бекасининг совчилик фаолияти бошланди. Абдуворис акасига ўхшамабди, танлаган қизи йўқ экан. Тавсия этилган қизларни бир четдан рад этавериб, аясини чарчатди. Охири холасининг қизида кўнгли борлигини уялинқираган тарзда айтиб, аясини гангитди.

– Аданг қариндошдан келин қилишга кўнмасалар керак, – деди аяси. Эрига айтган эди, у чуқур ўйга толди-ю, жавоб бермади. Қарорини икки кундан кейин айтди:

– Ўғлингнинг кўнглига қарашдан бошқа иложимиз йўқ. Ўзинг топган бегона қизга уйлантирсанг, Худо кўрсатмасин, бир машмаша чиқса, «Мен хоҳламаган эдим, зўрлаб уйлантиргансизлар», деб маломат қилади. Агар жиянинг кўнса, тўйни бошлайверамиз. Худо кўрсатмасин, ораларида ғиди-биди чиқса, «Ўзинг хоҳлаб олгансан», дейишга тилинг узун бўлади.

– Кўйинг, унақа деманг, яхши ният қилинг, Худо хоҳласа, аҳил-иноқ яшашади.

– Аҳил-иноқ яшашлари учун сен биринчи кундан келинни тарбиялашни бошлашинг керак.

Бу гап уй бекасига ёқмади:

– Бу нима деганингиз, жияним тарбиясиз эканми?

– Вой, нодон, фақат тарбиясизлар тарбия қилинадими?

Тарбиянинг ками бўлиши мумкин, ортиқчаси бўлмайди. Опангнинг ҳовлисида гуркираб ўсаётган гилос ниҳолини кўчириб келиб, боғимизга экканингдан кейин сувига қараб, тагини юмшатиб, зааркунанда қуртлардан ҳимоя

қиласанми ё ўз ҳолига ташлаб қўясанми?

Қиз томон ноз қилиб ўтирмади, бир марта сўралгандаёқ, никоҳга розилик беришди. Абдуорис тўйни акасиники каби камтарона ўтишини истади, аммо ота, айниқса она «У пайтда шароит бошқа эди», деб кўнмади.

– Аканг кейинги тўйимиз каттароқ бўлади, деб ният қилган. Келин аянг билан келиб, ёнларингда келин-куёвдай бўлиб ўтиришади.

– Дабдабали тўй қилмаймиз, лекин эл қатори ўйин-кулгу билан ўтқазамиз.

Ота ўғилга «Тўйни сенинг вақтингга қараб белгилаймиз», деб хат ёзиб, «Шароитга қараб белгилайверинг, биз қайси куни бўлса ҳам, етиб боришга ҳаракат қиласамиз», деган жавобни олиб, пешонаси тиришди. Унга «Етиб боришга ҳаракат қиласамиз», деган гап мужмал туюлди. Қудалар билан келишиб, тўй куни белгилангач, «Ҳар қанақасига бўлса ҳам етиб келишларинг шарт», деган талабни ёзиб юборди.

Тўйга икки кун қолганда ҳам Абдуолим билан Зумраддан дарак бўлмади. Тўй шодлиги кўнгилга сифмай турганда эшиклари олдида қора «Волга» тўхтади. Ундан тушган ўрта ёш, тепакалкишихонадон соҳиби билан эски қадрдонлардай кўришиб, тўй билан табриклагач, «Ўғилларни чақиринг», деб юхонани очди. Юхона оқ чойшабга ўралган иккита бутун қўй гўшти ва яна алланималар билан тўлган эди.

– Бу нима? – деб ажабланди хонадон соҳиби.

– Ўғлингиз Абдуолимжоннинг тўёналари, – деди у киши.

– Московдан бериб юбордими?

– Москвада шунаقا қўй бўладими? – деди у киши кулимсираб.

– Ўзи қани?

– Ичкари кирайлик, тушунтириб бераман.

Мехмонни уйга таклиф этмай, сўроққа тутганидан хижолат бўлган хонадон соҳиби узр сўраб, йўл бошлади.

Дуо қилиниб, бир пиёладан чой ичилгач, меҳмон кў-

чада берилган саволнинг қайтарилишини кутмай, ўзи гап бошлади:

– Мен Абдуолимжоннинг иккинчи ўринбосарлари бўламан. Биринчи муовинлари – келинингиз Зумрадхон. Ўзингизга маълум бўлган сабабга кўра, кўп гаплардан бехабар бўлсангиз керак. Ҳозир бир бошдан айтсам, мени суюнчиларга кўмиб ташларсиз. Биринчиси – докторлик диссертациялари аъло баҳоланди. Ўғлингиз ҳозир Москвада эмаслар. Ярим йилдан бери шу яқин орадаги тоғда яшашяпти. Кашибиётлари амалиётда синовдан ўтгач, ҳарбий иншоот курилиши бошлаб юборилган. Ўғлингизни СССР Мудофаа министрлигининг шу соҳа бўйича Бош конструктори лавозимига тайинлашган. Министримиз Устинов билан тўғрима-тўғри гаплашади, керак бўлса, Брежневга ҳам кириши мумкин. Унга иккита вертолёт бириктирилган. Агар Москвадан чақириб қолишса, вертолётда Чирчиқдаги аэрородромга келиб, ундан ҳарбий самолётда учади. Мен ҳам ҳозир Чирчиқдан келяпман.

Бу гапларни эшитган ота: «Тушимми ё ўнгимми? Бош конструктор... Шу ёшида-я?! Иккита вертолёт бириктирилган... Катта подшо билан ҳам гаплашиши мумкин...» – деган хаёлда гангиб ўтирди. Янгиликнинг шу тарзда таъсир этишини олдиндан кутгани учун меҳмон бошқа гап айтмай, жим қолди.

– Ўғлим катта бошлиқ бўлса, катта қурилишда кўп одам ишласа керак... Олиб келганингиз уларнинг ризқи эмасми?

Меҳмон отанинг бу гапдан мақсадини англаш, кулимсирраган ҳолда бош чайқади.

– Мутлақо! – деди у қатъий оҳангда. – Абдуолим иқтисодий масалаларга аралашмайдилар, бирорларнинг ризқидан уриб қолишлари мутлақо мумкин ҳам эмас, кўнглингиз тўқ бўлсин. Қўйларни тоғдаги чўпонлардан сотиб олдик, ўзлари покиза қилиб сўйиб беришди. Бошқа нарсалар ҳам ҳалол топган пулларидан олинган, бунга ўзим гувоҳман.

Абдуолим бу кишига отасининг табиатини тушунтиргани учун ҳам, гапираётганда «ҳалол» деган сўзга урғу беришни унутмади. Мехмон унинг синовчан нигоҳидан кўзларини олиб қочмай, қатъий оҳангда гапиргани сабабли гапларига ишонди. Йўқса, олиб келган нарсаларини қайтариб юборишдан ҳам тоймас эди.

Асосий масалани ҳал қилиб, кўнгли тинчигач, иккинчи сига ўтди:

– Ўзлари қачон келишади? Хўжайнларингиз шунаقا қаттиққўлми? Отасининг уйида тўй бўлаётганини тушунишмайдими?

Мехмон шундай савол берилишини олдиндан билгани туфайли жавобга шай эди:

– Гап қаттиққўлликда эмас. Абдуолимнинг ишида ҳар бир иш минут-секундигача қатъий режа билан юритилади. Ишнинг боришини шахсан министр кузатиб турибди. Икки кундан кейин иншоотнинг биринчи навбатини Давлат комиссияси қабул қилиб олиши керак. Тўйни беш-олти кунга суриш мумкинdir, лекин бу ишда бир секунд ҳам ҳисобли. Соат еттида Москвадан самолёт учиб келади, Худо хоҳласа, биринчи уриниш яхши баҳоланса, кейинги ҳафтада рухсат тегиб қолиши мумкин. Балки тўйга келинингизнинг келиб-кетишига бир илож топилар.

– Зоримиз бор, зўrimиз йўқ. Мухими – Аллоҳнинг паноҳида тинч-тотув яшашса бас. Тўй бир кунда ўтиб кетади. Абдуолимга тайинлаб айтинг: сиқилмасин, биз томондан хафагарчилик йўқ.

Тўй шодлик билан ўтди. Ота «Хафагарчилик йўқ», дегани билан кўнгил хижиллиги тарқалмади. «Ҳеч бўлмаса келиним келар экан-ку», деб ишонган онанинг кўзлари кўча-да бўлди. Тўйдан кейин маъюс ўтирган хотинига қараб, эр аввалига индамади, кейин:

– Бўлди, ҳадеб ўйланаверма, – деб танбех берди.

– «Биз ҳам келин-куёв бўлиб ўтирамиз», деганига ишонибман, – деди она афсус билан.

– Ишонганинг яхши. Лекин банданинг эмас, Аллоҳнинг айтгани бўлади. Аллоҳ ўғлимиизга баланд мартабаларни ирода этган, келин-куёв бўлиб ўтиришининг кимга кераги бор? Бунаقا ўтириш қачон чиқди? Биз шунаقا ўтирганмидик? Турмушимиз бинойидек бўлди-ку? Гап тўй базмida келин-куёв бўлиб ўтиришда эмас, гап – эр-хотиннинг бирбирини тушуниб, аҳил яшашида! Энди сен кечаги тўйни ўйлама. Олдинда яна учта тўйимиз турибди. Шуларни ўйлаб яшагин. Кунлар тез ўтяпти, кенжа келинимизни кутиб олганимиздан кейин иншааллоҳ, ҳадемай набира куёвлар, набира келинларнинг саломини ҳам кўрамиз.

Эрнинг бу гаплари юрагига далда бўлиб, «Ўша кунларга Худо етказсин», деб пичирлаб, жилмайиб қўйди.

Деворнинг чап томони:

Пул топган одам беркитишни ҳам уddyалайди. Агар хотин ишбилармон бўлса, уйига оқиб кирган бойликнинг бир қисмини эри ҳам билмайдиган, билиб қолган тақдирда ҳам тополмайдиган қилиб яшириб қўяди. Бахтигул шу тоифадан эди. Мактабда ўқиб юрган кезлари тонготарда акасига қўшилиб гўшт бозорга бораарди. Қассоб акаси тунда сўйган қўй гўштини майдалаб, тарозида тортиб, халталарга жойлаб берарди, у бозор атрофидаги жин кўчаларда милиция таъқибидан яшириниб ўтиради. Милиция қассобларни қувлаб қолганида харидорлар шу жинкўчаларга келиб гўшт олишарди. Гапга чечан қизчанинг: «Тоғда дўлана еб семирган қўзининг гўшти, қовурғага қаранг, бу қовурға эмас, тиш кавлагич», деган мақтovларига маҳлиё бўлганлар у билан кўпам савдолашмай, айтган нархига олиб кетишарди. Акаси бозорда килосини олти сўмдан сотса, сингил камида олти ярим сўмдан сотиб, фойдаланаарди. Акаси буни билса ҳам, индамасди, чунки иккови топган пул оила хазинасига тўкиларди. Қиз ҳамма пулни онасига берганидан ранжимасди, балки акасидан кўра яхшироқ савдо қилиши билан мақтанаарди.

Эрга текканидан кейин ҳам шу савдони қўмсаб юрди. Бора-бора эрининг яхши топиб келишидан, энг муҳими – топганини хотиндан яширмаслигидан қувонди. Бойлик кўпайиб, эр ҳисобдан адаша бошлаганидан фойдаланиб, «Бу пулларда менинг ҳам ҳаққим бор», деган қарорга келиб, ҳақини айириб, акасиникига яшириб қўяверди.

Эрининг қўлига кишан урилиб, ўзининг ҳамёнидаги сўнгти тангалар ҳам санаб олиниб, рўйхатга тиркалгач, айниқса қудаси «Сенларни танимайман», дегач, ўзининг доно хотин эканига яна бир бор ишонди. Милиса босган бой хонадонлар ҳақидаги гапларни эшитган. Адвокат ёллаш у ёқда турсин, нонга пул тополмай қолганларни ҳам билади. Донолиги туфайли унга бундай хорлик ва хўрлик хавф солмайди. «Эртага нима еб, нима ичаман», демайди.

Кўчадаги қоровулхона бузилиб, кўнгли тинчигач, енгил нонушта қилди-да, акасиникига отланди. Уйдан чиқар маҳали: «Кеча қўшниларинг макарон чиқаришган, кўнглинг тортса иситиб еб оларсан», деган гапига ўғлининг «Куним макаронга қолдими?» – деган маънода афтини буришириши жавоб бўлди.

– Ўзим бормоқчи эдим, келганинг яхши бўлди, уйингда сиқилиб ўтирма, – деди aka унга пешвоз чиқиб.

– Мехрибон акагинамдан ўргилай, синглингиз борлиги эсингизда экан-да? Яхши ҳам эслабсиз. Мехрибон aka синглисини бирор ўлдириб кетса ҳам бормаслиги мумкин.

– Нафасингни иссиқ қил, эшитганимдан бери милисаларингни кутаман.

– Гапингизни қаранг: нега менинг милисаларим бўлар экан?

– Хўп, ўзимнинг милисаларим келиб тинтуб қилиши мумкинми? Сеникidan ташқари ўзимнигини ҳам жойлашим керакми?

– Бўпти, ҳазиллашдим, акажон, серзарда акагинамдан айланай, – деб сингиллик меҳри билан акасининг бетидан ўпиб қўйгач, ичкарига киришди. – Кеннойим қанилар?

- Кеннойинг майдынчудаларни олиб, онасиликага кетган, ўша жой бехавотир.
- Меники шу ердами, озгинасини олиб беринг.
- Бермайман.
- Вой, нега?
- Калланг борми? Ховлиқма, сабр қил. Ўзингни ҳеч вақоси қолмаган гадойдек кўрсатиб юр. Улар энди сени кузатишади, шунга ақлинг етмадими?
- Адвокат нима бўлади, рўзгорим нима бўлади?
- Адвокатни мен ёллайман. Харажатини ўзимиз келишамиз. Рўзғор учун таниш-билишлардан қарз сўра. Беш-ўн сўмдан бўлса ҳам сўра.
- Сўрамайман, мени гадойга айлантироқчимисиз?
- Жонинг керак бўлса, айланасан.
- Хўп, яхши, қарз сўрашни ҳозирдан бошлайман: Акажоним, менга беш юз сўм қарз бериб туринг.
- Беш юз сўм? Бир йиллик рўзғорингга сўрайсанми?
- Жиянгизнинг имтиҳонлари бошланган. Домлаларининг рўзғорига сўрайман. Ўзимнинг рўзғоримга опамдан сўрайман. Айтиб қўяй: биринчи қарз еб кетарга бўлади, қайтариб бермайман.
- Сендан иккинчисини ҳам қайтариб олишимга ишонмайман. Мен учун ўзинг соғ бўлсанг етарли, пул топиладиган нарса. Кейинги тирикчилигингни ҳам ўйладингми?
- Ўйладим: савдо-сотиқ билан шуғулланаман.
- Дўконга ишга кирмоқчимисан ё бозорга чиқмоқчимисан, гўшт бозорни қўмсаб қолмадингми ишқилиб?
- Ўйлаб гапиряпсизми? Мен кимнинг хотиниман? Эрим қамалса, бозорда писта сотиб ўтираманми? Мени шуларга тенг қиляпсизми? Мен бир ҳафта Масковга қатнайман: шампунми, сақичми, бизда йўқ нима бало бўлса олиб келаман. Кейинги ҳафта Киевга бораман, ундан кейин Новосибирга. У ёқларга бўш қўл билан бормайман, катта-катта чамадонларни мева-чевага тўлдириб кетаман, ҳеч бўлмаса йўлкира чиқади.

– Сен шу ақлинг билан аслида гўшт бозорнинг маликаси бўлишинг керак эди.

– Қаернинг маликаси бўлишни ўзимга қўйиб беринг. Қараб турасиз, қорнинг ёрилгур ҳукуматингиз олиб кетган бойликнинг ўрнини икки йилга қолдирмай ошириб-тошиб-риб қўяман. Куёвингизни «Фалончи бой қилган», мен эдим, билмасангиз билиб олинг.

– Биламан. Хафа бўлмагин-у эринг ғирт аҳмоқ эди. Аҳмоқлиги тўйларингда аниқ-равшан кўринди. Шу тўй ўзининг бошини еди. «Катта кетмаларинг», деганимда сен минғирладинг, эринг башарасини буриштириди. Ўзларингнинг қармоқларингга ўзларинг илиндиларинг.

– Анов қорнинг ёрилгур олдида паст кетишимиз мумкин эмасди. Бундан кейин ҳам ҳеч кимнинг олдида паст кетмайман. Қараб туринг, мен шу хотин бошим билан сиз ёмонлаётган тўйдан ҳам дабдабалироқ тўй қилиб, душманларимнинг юрагини куйдирман. Борийхонингизнинг борини йўқ қилмасам, кулини кўкка совурмасам юрган эканман!

Ака ғазаб оловида ёнаётган синглисини бемаъни гаплардан тўхтатмади. «Колган гапларни жаҳлдан тушганида айтаман», деб ортиқча насиҳат ҳам қилмади.

Деворнинг ўнг томони:

Учинчи ўғил акаларига ўхшамади. Илмга муҳаббат қўймади, аксинча, ўқиш деса башараси буришадиган бўлиб ўсди. Ота ҳам, она ҳам унинг феълига тушуна олишмади. «Дарс тайёрла», деганда китобга қараб йиғлаб ўтираверадиган бола қалбида илмга муҳаббат уйғотиш чораси топилмади. Тақдирни қарангки, ўғил биринчи синфдаёқ дўкон мудирининг ўғли билан қаттиқ дўстлашиб қолди. Бу ёшда бола отасининг амали ёки бойлигига қараб дўстлашмайди. Ўзи ҳам билмаган тарзда қалб-қалбга муҳрланиб қолади. Тақдир шундай экан, ота-она бу дўстликни буза олмайди. Ҳолбуки, уларнинг бундай ниятлари йўқ эди. Дўкондорнинг одобли боласи уларга ҳам ёқарди. Йил-

лар ўтиб, улғайишгач, ёзги таътил кунлари бола отаси-нинг дўконига чиқиб ёрдам берадиган бўлди. Кўп ўтмай Абдукаримнинг учинчи ўғли Абдуқаҳдор унга қўшилди. Ота ва она бу қизиқишини вақтингчалик деб ўйлаб, янглишишди. Ўғил саккизинчи синфни битириб, «ўқимайман», деб қаттиқ туриб олгач, ота: «Бунингchorаси йўққа ўхшайди, сен қўшнингникидан чиқсан овқатни еб шу болангни эмизган бўлсанг керак», деб таъна қилди.

– Бўғилаверманг, дўконда ишлайдиганларнинг ҳаммаси ўғри эмас-ку, ҳалоллари ҳам бор-ку?

Хотиннинг бу гаплари унга тасалли бермади. «Ота норози бўлган ишга киришишининг оқибати яхши бўлмайди», дегиси келди-ю, шайтон васвасасига берилмай, «Шу ўғлимга инсоф-тавфиқ бер», деб яна дуо қилди. Дўкондаги ишидан қувонган ўғил отасининг қарашидаги норозиликни ҳамиша ҳис этиб турар, «Бир куни хурсанд қиласман, фикрлари ўзгаради», деган умид ва аҳд билан яшарди. Ўғил биринчи маошни олиб келиб, дуо талабида узатганида ота олмади:

– Ўзингга ишлат. Сенинг пулинг бу оила рўзгорига қўшилмайди, – деб дангал айтди. Шундай деди-ю, дилида ўғлига иймон бойлигини бермоғини сўраб, Аллоҳга муножот қилди.

Ўғил ота ҳукмидан эзилди, лекин кўпам тушкунликка тушмади. Топганини йига бошлади. Ёши йигирма иккidan ўтиб, дўстлари уйланана бошлаганда, она эрига тўйдан сўз очди.

– Сен ҳамиша болангнинг ёнини олгансан, уйлангиси келган бўлса, уйлантиравер. Ё «Адамга айтинг, уйлантириб қўйисинлар», деяптими?

– Бу болангиз унаقا дейдиганларданмас. Секин гап очувдим, «Аввал уй қураман, кейин уйланаман», деди.

– Уйни қаерга қуаркан?

– Ҳовли олармиш, назаримда мўлжални ҳам бор-ку, сизга айтишга қўрқяпти.

Баҳорнинг серёғин кунлари ортда қолиб, кун исий бошлаганда ўғил режасини айтишга журъат этди. Ота жавоб

бермади. Илтимос эртасига такрорлангач, бу илтимосга онанинг зори қўшилгач, олинажак ҳовлини кўргани борди. Шаҳар этагидаги янги маҳаллада қурилишлар авж олган эди. Ўғил тахтадан омонат ишланган дарвозадаги осма қулфга калит солаётганда ота бош чайқади:

– Бу ҳовлини олмоқчимисан ё сотиб олдингми? – деди.

Ўғил дарров жавоб бермай, бошини эгди:

– Эгаси тез сотиши керак экан... мени кечиринг... шошиб қолдим.

– Довдирама, мени алдама, бир гуноҳга ўн гуноҳни эргаштирма. Шошмагансан, мендан қўрққансан. «Сотиб олишимга йўл бермайди», деб қўрққансан. Бўлар иш бўлибди, қани, ичкарига кир-чи.

Ҳовлининг бир четига омонат уйча қурилган, ўртада қари нок дарахтининг катта бир шохидаги гуллар тўкилган, яна бир шохи қуриб қолган эди. Катта ҳовлига битта ҳам кўчат экилмаганидан билиш мумкин эди-ки, бу ҳовлининг эгаси ҳукуматдан жойни оиласига ватан қуриш учун олмаган, сотиб фойда кўриш учун ундирган.

Ҳовлини бир қур назардан ўтказгач, «Уйни қанақасига қурмоқчисан?» деб сўради. Ўғил иккилана-иккилана режасини айта бошлади, ота эшилди-ю, аммо аҳамият бермай, гапини бўлди:

– Қанақасига курсанг, қур, аммо уйингга битта зина билан чиқадиган бўлсин.

– Хўп, ада... лекин уй кўча бурчагида-ку? Кўшниларга соя тушмайди.

– Гапимга тушунмабсан, сен бола!?

Ота баланд иморат қуриш кибр белгиси эканини назарда тутган эди, ўғил буни кейинроқ тушунди. Ота уйидан чиқишида қўлига газетага ўроғлиқ бир нима олволган эди. Ҳозир шуни очди. Ўғил унинг қўлида эски калишни кўриб ажабланди.

– Уйимизнинг шипидаги қофоз устида сичқонлар чопқиллаб юргани эсингдами? Косадаги шўрвага сичқон тушиб кетгани-чи? Унда кичкина эдинг, эсингда йўқдир.

- Эсимда, ада.
- Бу калиш-чи?

Үғил күл узатган эди, ота бермади:

- Буни ҳам танимадинг. Аканг икковинг қишда битта калиш киярдиларинг. Эрталаб аканг ўқишга кийиб борарди, сен танчада исиниб ўтирадинг, кейин сен кийиб кетардинг. Лой күчада оёқларинг музлаб қоларди.

- Эсимда ада, бир пой калиш лойга тиқилиб оёғимдан тушиб қолганини билмай келаверганман. Кейин аям билан чиқиб қоронғида шам ёқиб қидиргансизлар.

- Ҳа, яхши эсингда экан, бундан бу ёғига ҳам унутма. Унутмаслигинг учун мен буни дарахтга илиб кетаман. Уйинг битгач, айвон устунига худди исириқ илгандай илиб құясан. Ҳар күрганингда бундан буён қандай яшашингни ўйлаб, фикр қил, – деб эски бир пой калишни дарахт шохига илиб, хайрли дуо қылди-да, изига қайтди.

Калиш дарахтда узоқ илиниб турмади. Курилиш ишлари бошланғач, нок дарахти кесилди, калиш шох-шаббаларға қўшилиб ахлатга ташланди...

Деворнинг чап томони:

Бахтигул: «Қарабтурасиз, қорнингёрилгур хукуматингиз олиб кетган бойликнинг ўрнини икки йилга қолдирмай ошириб-тошириб қўяман», деб катта гапирганида бу ишнинг нақадар қийин эканини ўйламаган эди. Москва томонлардан мол олиб келиш жинкүчада милициядан беркиниб гўшт сотишдан анча мураккаб эканини биринчи сафар чоғидаёқ хис этди. Тўртта катта жомадонни вагон күпесига жойлаётганда ёрдам берган кексароқ вагон оғаси:

- Синглим, назаримда бу иш билан энди шуғулланаёт-ганга ўхтайсиз-а? – деб сўради.
- Қанақа иш билан? – деди Бахтигул чўчинқираб.
- Биз «савдо» деймиз, милиса «чайқовчилик», дейди.
- Вой, гапингизни қаранг, Масковга ўйнагани келувдим, қариндошларимга совға-салом олдим, – деди Бахтигул зардали овозда.

— Йўлда текширувчилар чиқади, бу гапингизни ўшаларга айтасиз, ишонтира олсангиз, Тошкентда милиса пойлаб турган бўлади. Энди уларни ишонтиришингиз қийинроқ бўлади. Ҳар бир ишонтириш фалон пулга тушади. Олиб кетаётган молингизнинг эшагидан тушови қимматга тушиб, икки бармоғингизни бурнингизга тиқиб қоласиз. Мен қўрқитаётганим йўқ, бу гапларни айтишдан мақсадим, менинг ҳам тириклигим бор. Сизга ҳозир бекорга қарашганим йўқ, келишсак, молингиздан фойда кўрасиз. Келишмасак, ўзингиздан кўринг. Аёл жонингизни қийнаб келаётганингизни кўриб, сизга раҳмим келди. «Бошига мусибат тушгандир, бўлмаса, жонини азобга қўймас эди, бечора», дедим.

— Мусибат тушганини тўғри сезибсиз, эримни қамаб қўйишиди жувонмарглар. Сиз нима қилмоқчисиз, сиз билан нимани келишаман?

— Нимани бўларди, иш ҳақини-да. Мен ҳозир учта юкингизни олиб чиқиб кетаман, ташвишланманг, битта сақичингиз ҳам тушиб қолмайди, мен Ҳудодан қўрқадиган одамман. Буларни юки камроқ одамларнинг купесига жойлаб қўяман. Тошкентга борганимизда вагондан битта юк билан тушиб, таксига жойлайсиз, қолган учта юкингизни таниш ҳаммолларим етказиб беришади. Уларни қандай рози қилишингизни тушунтириб қўяман. Чўчиманг, каттага тушмайсиз, уч ўрнига беш сўм берсангиз қувониб кетишади. Милисага чўзадиган беш юз сўмингиздан кўра бу яхшироқ-ку, тўғрими? Агар яна Московга айлангани келиб, қариндошларга совға-салом оладиган бўлсангиз, яна менинг вагонимга билет оласиз. Кейинги сафар молни Тошкентга олиб кирмайсиз, йўлда туширасиз. Эрта саҳарда Қозогистон чегарасидан ўтиб, Каластга яқинлашганимизда сизни уйғотаман, йўл буриладиган жода поезд секинлашади, ана ўшанда атрофни синчиклаб кузатиб, нима қилишни ўрганиб оласиз.

Вагон оғаси шунчалик ишонтириб сўзлади-ки, унинг шартларига кўнишдан ўзга чораси қолмади. Поезд икки

кун, уч кече йўл босиб Каласга яқинлашгач, вагон оғаси ваъдага биноан уни уйғотди. Бомдод вақти ўтиб, кун ёриша бошлаган эди. Бахтигул вагон оғаси кўрсатган томон қаради. Поезд йўлидан юз қадамлар нарида енгил автомашиналар ва тўрт-беш арава қаторлашиб турибди. Поезд йўлига яқин ерда эса одамлар қатор тизилишган, кўзлари вагонларга тикилган. Поезд бурилишда секинлашгач, улар қаторида жонланиш бошланди. Худди шу пайт вагон эшикларидан катта-катта қоплар, жомадонлар учеб туша бошлади. Пастдагилар шошиб-югуриб, ўзларига аталган нарсаларни ажратиб олаётганида Бахтигулнинг чехраси ёришди: «Эндиги боришимда ўғлим шу ерда кутиб олади», деган қарорга келди.

Деворнинг ўнг томони:

Хонадон соҳиби боши узра бало булути тўпланаётганини хис қилар, аммо қачон чақин чақиб, қачон дўл уришини билмас эди. Учинчи ўғилнинг қурилаётган уйи қадростлаб, томига тунука қоқилган куннинг эртасига бу бало бурутлари қуюқлашиб, биринчи чақинни чақди. Абдукарим хизматдан қайтиб, таҳоратини янгилиб чиқаётган онда кўча эшик тарақлаб очилиб, олдинда икки милиционер, ортидан оддий либосдаги нотаниш одамлар бостириб киришди. Ичкари киришлари билан барчалари атрофга олазарак қарай бошлашди. Хонадон соҳиби уларнинг бу қарашларидан шум ниятни сезиб, пешвоз чиқди. Ошхонада таом тайёрлаётган хонадон бекаси билан келин эса ҳеч нарсага тушунмай, кўрқсанларидан «Вой, вой», деганларича туриб қолдилар.

– Прокурорнинг қарорига биноан уйингизни тинтуб қиласиз, – бостириб кирганларнинг бири шундай деб папкасидан бир варак қофоз чиқараб, хонадон соҳибига узатди. – Абдуқаҳор Абдушукуров сизнинг ўғлингизми? Жуда яхши. Ақлли одамга ўхшайсиз, ўзимиз бир бошдан тинтиб чиқайликми ё ўзингиз кўрсатасизми?

– Нимани? – деб ажабланди хонадон соҳиби. – Сизлар нимани қидириб келдингиз, аввал тушунтиринг.

– Бизга ўғлингизнинг уйини кўрсатинг, яширган мол-мулкини кўрсатинг.

– Ўғлимнинг уйи йўқ.

– Ўзининг номида уйи йўқ, буни биламиз, лекин она-сининг номида бор, болангиз ишни пухта қилган, бизга бу уйдаги мол-мулкини кўрсатинг, хатлаймиз-у, сизга тегишли бошқа битта чўпга ҳам тегмай чиқиб кетамиз.

– Ўғлимнинг мол-мулки йўқ, бир сидра кийим-кечак, иккита пайпоқ билан тўртта рўмолча мулк бўлса, ана ичка-ридаги жавонда турибди, хатлайверинг. Фақат киришдан олдин менга бу тўс-тўпалоннинг сабабини тушунтириб беринг.

– Тўс-тўпалон қилмадик шекилли? Кирдик, прокурор руҳсатини кўрсатдим. Яхши гапирияпман. Сабабини билишингиз шарт бўлса, майли, айтаман, ўғлингиз давлатнинг катта миқдордаги пулини еб юборган. Анигини айтайми? Ўттиз минг сўм! Бу ҳам камлик қилиб, икки соат олдин чехларнинг йигирма беш сўмлик ноёб кўйлакларини қирқ беш сўмдан сотаётганда қўлга олинган. Сизга шу сабаб етарлими?

– Ишонмайман, ўзи қани?

– Ишонмаслигингиз аниқ, шунинг учун адвокат ёлласангиз, ашёвий далиларни ўз кўзи билан кўриб чиқади. Ўғлингиз ҳозирча терговчининг хонасида. Энди кираверайликми?

Хонадон эгаси четланиб, уларни уйга қўйди. Мол-мулк дейишга арзийдиган бирон матоҳ топилмагач, улар этакдаги уй сари юрдилар.

– Бу уй келинимники, киришга ҳақларинг йўқ. Болам яшаётган уйни кўрдиларинг, етарли, – деди хонадон соҳиби йўлни тўсиб.

– Шу ҳовлида нима бўлса, тинтиб чиқамиз, ҳаққимиз бор, – деди у одам энди заҳарли оҳангда.

— Ҳа-я, ҳақларинг бор, унда ана, ҳожатхонамиз четроқда, ўтаверинглар, — деб пичинг қилди хонадон эгаси.

— Биз билан майнавозчилик ўйнапсизми?

— Ҳечам! Бойларнинг ҳожатхонасига кўмилган тиллаларни топғанларингни ўшитганман, шунингучун эслатдим, холос. Ука, илтимос, ўзбекчиликни ҳам ҳурмат қилинг, келиннинг уйига ҳаммаларинг бостириб кирманглар, ўзингиз киринг, майли, яна югурдагингиз кирсин.

Хатта тиркайдиган арзирили нарса топилмагач, совуққина хайрлашиб чиқиб кетишиди. Абдукарим ҳовли ўртасида ҳаракатсиз туриб қолди. Сўнг кўз олди бирдан қоронғилашиб, ёнбошига йиқилди.

Деворнинг чап томони:

Кўлдан кетган бойлик ўрнини тўлдириш жараёнида Бахтигул кутмаган муаммолар ҳам чиқиб қолди. Москвага иккинчи марта отланганида Сибирдаги қамоқ лагерида-ги эридан: «Тез келиб-кет, чет элнинг костюмидан тўртта олвол», деган хат олди. У оми хотинлардан эмас, «Эrim қамоқда чет эл костюмини киярканми?» – деган бемаъни саволга берилмади, кимларнингдир «оғзини мойлаши» шартлигини тушунди. Эри буюрган нарсаларни Москвадан топиб, қайтишида таниш вагон оғасидан маслаҳат сўради.

— Қамоққа тушган бойларни канадек сўришларини ўшитганман.

— Қорнинг ёрилгур милисаларнинг ишими бу?

— Милиса бошлаб беради, кейин қамоқдагиларни ётқизиб-турғизадиган ўғри-муттаҳамлар ҳам талаб қилаверади. Костюмлар ҳойнаҳой милисага. Ўғрилар пул талаб қиларкан, улар инсофлироқ, Сибирга олиб бориб бермайсиз, уйингиздан олиб кетадиган лайчалари бор. Қамоқдан чиққунича маош тўлагандек тўлаб турасиз, уларнинг қонуни шунаقا. Милисага бермасангиз, эрингизни у ёқда оғир ишга қўяди. Ўғриларга бермасангиз, бира тўла жонини олиши мумкин, агар аяса, сизга ёки ўғлингизга шикаст етказиб, огоҳлантиради.

– Нима, энди топганимни шу гўрсўхталарга совураманми?

– Бошқа чорангиз йўқ, синглим. Сиз яна бир марта Масковга келиб-кетинг. Кейин Новосибирга отланасиз. Мева-чевадан кўпроқ олинг, праводник оғайниларга тайинлаб қўяман, ёрдам беришади.

Бахтигул ақлини ишлатиб, бу насиҳатни қулоғига олиб, кам бўлмади.

Навбатдаги Новосибирск сафаридан қайтган онасини Қаҳрамон хушхабар билан кутиб олди:

– Ойи, Қаҳҳорни ҳам жойига олиб бориб тиқиб қўйишиди, – деди тиржайиб.

– Манавиларнинг Қаҳҳориними? Қамашдими?

– Қамашганда-ки, чиқмайдиган қилиб тиқиб юборишибди. Ўттиз мингни еб юборган экан.

– Ўттиз минг?! Ҳу, нафсинг гўрда чиригур! Мен ўттиз минг топиш учун ўттиз минг марта ўлиб-тириляпман, бу гўрсўхта дўконда ўтириб шунча ебдими?

Бахтигул шундай деб кўча эшиги томон бурилган эди, ўғли: «Қаёққа, ойи?» – деб тўхтатди.

– Кўшнижонимнинг башарасини бир кўрай! Эрим қамалганда булар роса қувонишган, мана ўзларига Худодан қайтибди. Эсингдами, адангни олиб кетишлари билан ўғилларини бошлаб чиқиб, қоровулхонамизни бузиб ташлаган эди.

– Чиқманг, ойи, амаки касалхонада ўладиган бўлиб ётганмиш.

– Чиқаман, ҳеч бўлмаса, «Кўргилик экан, айланай», деб қўяман.

Деворнинг ўнг томони:

Ҳалима касалхонада беҳуш ётган эрининг ёнида Аллоҳга муножотлар қилиб ўтирганида Абдуолим кириб келди. Она сабрлилардан эди. Аммо ҳаёт ташвишлари одамни шу даражада қиймалай бошлайди-ки, ҳар қандай собирнинг чи-

дашга ҳоли қолмайди. «Аёл йиғлаганида ғам-алам сал чекиниб, күнгли сал ёришади», дейишади. Эҳтимол шундайдир. Ҳар ҳолда аёл зоти учун йиғининг ўрнини боса оладиган бошқа юпанч топилмаган. Ўғлини маҳкам қучоқлаб олган она – икки-уч дақиқа эмас, икки-уч кун тўхтовсиз кўз ёши тўкканида ҳам юрагини эзид турган кулфат тоши зарра миқдорида енгилламаган бўларди. Дард – Аллоҳдан, комил шифо ҳам Ўзидан. Аллоҳнинг мўъжизаларига ишонувчи бандада учун касаллик оғир кулфат эмас. У «Эримнинг оғир дарди бор», демайди, ёмон гумонларга бормайди, умидсизликка тушмасликка уриниб, юрагининг ҳар уриши «Эримнинг дардига шифо берувчи Аллоҳим бор», деб хитоб қиласди. Аммо оила шарафини балчиққа беловчи «Ўғли – ўғри, ўғли – муттаҳам, ўғли – текинхўр», деган иснод тошини миттигина юраги қандай кўтара олсин?!

Йигидан сўнг бўлган воқеани хўрсина-хўрсина қисқа баён қиласди. Ўғил онанинг гапларини диққат билан тинглади. Она «Гапирсанг-чи», дегандай унга тикилиб қолди.

– «Ўттиз минг сўмни еб кетган», деб тинтуб пайтида айтдими? – деди ўғил, ўйчан оҳангда.

– Шунақа деди-я! Кўнглим сезиб турибди, бу тухмат, болам, ўттиз минг сўмни еб юбориш осон эканми?

– Тухматлиги аниқ. Ўша милиса ўттиз мингни айтиб, тухматлигини билдириб қўйибди. Абдуқаҳҳор ўғри эмас, содда, нодон бола. Оиласиздан ўғри чиқиши мумкинмас. Шу пайтгача ҳалол яшаб келдикми, бундан кейин ҳам шундай бўлади.

– Адвокат ёлласак далилларни кўрсатишаркан.

– Адвокатни Москвадан чақиртирамиз, бу ердагиларнинг жиғилдони бир.

Абдуолим онаси билан ўтириб, унинг дардига малҳам қўйиб, умид чироғини ёқсан бўлди-да, «бир жойга» учрашиб-қайтишини айтгач, ўрнидан қўзғолди. «Бир жой» унинг ўзигина биладиган нозик идора эди. Тартиб-қоидага биноан оиласининг ҳаётига доир ҳар бир яхши-ёмон гапдан

уларни хабардор қилиш мажбурияти бор. Ҳозир шу мажбуриятини бажариш жараёнида улардан күмак сўрашни ҳам режалаштирган эди. Уларнинг биринчи ёрдами – ака-указни учраштиришга имкон яратиб бериши. Акасининг кўзига қарашга ботина олмаётган уканинг гаплари узук-юлук эди. Ўзини оқлаш учун гап тополмай анча қийналди. Указининг бегуноҳлигига ишонган акага бундай сўзларнинг зарурати ҳам йўқ эди. «Адамлар ҳам, аямлар ҳам, мен ҳам, хуллас ҳаммамиз бегуноҳлигинга ишонамиз. Сен фақат иродангни маҳкам тут, тушкунликка тушма», деб далда берди. Учрашув вақти тугаб, соқчи укани олиб чиқиб кетгач, шу пайтгача индамай ўтирган терговчи столи устидаги қоғозларни тартибга солган бўлиб, «Менда гапингизми борми?» дегандай Абдуолимга қаради.

– Кўйлакларни устама нархда сотаётганида қўлга олиш учун бир кун ёки бир соат кузатиш кифоядир. Лекин ўттиз минг сўм қаердан чиқди? Бу бир кунда аниқланадиган иш эмас-ку?

– Тўғри топдингиз. Укангиз узоқ вақт кузатувда бўлган. Омбордан олинган ўттиз минг сўмлик молнинг ҳужжатларида укангизнинг имзоси бор. Имзо бор, лекин мол изсиз йўқолган. Мол жойига қайтарилиши керак. Лекин бундай қиломайсизлар, чунки мол сотилиб, пули еб юборилган. Демак, битта йўл қолади: ўттиз минг сўмни тўлаб қўйсаларингиз, укангизнинг иши анча енгиллашади.

– Маслаҳатингиз учун раҳмат, буни ўйлаб кўрамиз.

– Бу узоқ ўйланадиган иш эмас. Қанча кўп ўйласангиз, иш шунча чигаллашади. Бошқа йўлларингиз йўқ. Агар иш шу ҳолда якунига етса, прокурор камида ўн беш йил сўрайди, шуни ҳисобга олиб қўйинг. Мумкин бўлмаган учрашувга рухсат олганингизга қараганда, зўр танишларингиз борга ўхшайди. Танишларингиз қанчалик зўр бўлмасин, бу қоғоздаги далилларни, имзоларни йўқقا чиқара олмайди. «Экспертиза» деган нарса жуда ўжар бўлади.

Кўчага чиқсан Абдуолим терговчининг гапларини яна